


Faafur Fулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1979



МАҲКАМ
МАҲМУДОВ

МАНГУ
КҮЙ
ИЗЛАБ

ФАНТАСТИК
ВА
ТАРИХИЙ
ҲИҚОЯЛАР

Ғафур Гулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1979

**ББК 84У
М 37**

Махмудов Махкам.

**Мангу күй излаб: Фантастик ва тарихий ҳикоялар.—
Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979С.—216 б.**

**Хурматли китобхон! Қўлингиздаги ушбу тўпламдан жой ол-
ган ҳикояларда қаҳрамонларнинг руҳий олами, маънавий изла-
нишлари, Етган, табиат гўзалликларига, бир-бирига меҳр-му-
хаббати, ёвузликка, адолатсизликка нафрати ўртакларсимон
фавқулодда вазиятлар, тимсоллар орқали тасвиранади.**

**Махмудов Махкам. Мелодия вечности. Фантастические
и исторические рассказы.**

**ББК 84Уз7
Уз2**

**М 70303—190
М 352(04)—79 18—79—3703040100**

**©Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриё-
ти, 1979 й.**

ФАНТАСТИК ҲИҚОЯЛАР

МУШҚУЛ МУАММО

Үт ўт ичидан ўтинг бор эрса

Сўфи Оллоёр

Ҳаво айниб, дengизда ғалаён бошланган, тўлқинлар ғазабга миниб, қирғоққа тобора бостириб келар эди. Дам олаётганлар шоша-ниша йиғма сўриchalари ва соябонларини йиғиширишар, чўмилишни бас қилинглар, деб ўшҳолаларга бақиришар эди. Бир оз пакана, тўладан келган, пешонаси ялтироқ академик Эргаш Мўминов ҳам ўғилчаси Бекни сувдан чиқишига зўрга кўндириб, уни кийинтира бошлиди. Икки юзи кулчадай Бек қирғоқдан кетишга шошилмас, ҳўл шағал орасидан дengиз тўлқинлари чиқариб ташлаган юмшоқ ва типтиниқ медуза болаларини кафтига олиб, яна дengизга отар эди. Шу пайт курорт хизматчи-си грузин кампир чала-чулпа русчалаб, Мўминовга шошилинч телеграмма келганини айтди. Академик оёқларини типирчилатаётган шўх Бекни кўтарганича қирғоқдан баланд йўлкага чиқди. Бола отасининг қўлидан сирғалиб тушиб, ўзи чопқиллаб кетди.

Хонада, ранг-баранг дengиз тошчалари уйилиб ётган стол устида қизил ҳошияли телеграмма ётар эди. Академик уни қўлига олиб, тез кўз югуртириди.

«Шошилинч телеграмма.

Гагра. Шота Руставели кўчаси 141. Ака-

демик Эргаш Мўминовга. Ҳурматли Эргаш муаллим, Сизни Тарози юлдузлар туркумига, **Коинот олимларининг Олий кенгашига чақиришяпти».**

Телеграммада бошқа ҳеч қандай изоҳ йўқ эди. Майли, Тошкентга боришганида маълум бўлади.

Мўминов оёқлари бўшашиб, лиқиллаб қолган тўқима хивич креслога ўтириб, ялтироқ манглайнин силаганича ўйланиб қолди. Дам олиш муддати ўзи охирлаб қолганди. Ишни ҳам соғинган..

Эргаш Мўминов Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, шунингдек, бир неча сайёralардаги академияларнинг фахрий аъзоси эди. Турли фанларнинг вакиллари билан муомала қилиш, уларнинг фанларига аралашиб, ҳар хил муаммоларни ечишга ёрдамлашиш ҳар қандай одамни ҳам толдириши табиий эди. Мўминов ҳар йили таътил пайтида дам олмас, қадимий Шарқ фалсафаси тарихига оид китобини тугаллашга интиларди. Мана, курортда ҳам шу китобнинг бир бобини ёзиб улгурди. Бу — Навоий даврининг энг буюк алломаларидан Ҳусайн Вонз Кошифий фалсафаси ҳақидаги боб эди. Ҳар ҳолда, курортда вақти беҳуда ўтмади. XV аср фалсафасининг ҳозирги одамлар ҳаётига зарур томонларини аниқлаб чиқди. Ўғилчаси Дурбек ҳам бод асоратидан қутулиб, анча қувватга кириб қолди. Кўриниши ҳам, руҳи ҳам тетиклашган академик Мўминовни касбдошлари ва шогирдлари ўраб олишди. Одатда раҳбар одам дам олиб қайтганида ҳамма уни руҳлантиришга интилади. Бу ёмон эмас. Бироқ баъзилар чин дилдан гапирмай, бошқа ўйда бўлади. Эргаш

Мўминов ким соғдилу ким соҳтадиллигини илгарилари яхши ажратарди. Ҳозир ажратиш қийин бўлиб қолди.

Бундан бир неча йил аввал у Қалонов деган кишини «Энциклопедия» нашриётига раҳбарликка тавсия қилган эди. Афсуски, чаласавод ва амалпарат бўлиб чиқди. Қалонов тарихдаги буюк кишиларни қомусга киритиш ўрнига ўзининг ҳамтовоқлари, қариндош-уруларини киритибди. Бу ишга қарши чиққан одамларни қувғин қилибди. Ундан безиб, кўпчилик истеъоддли олимлар бошлаган хайрли ишларини ташлаб кетиб қолишибди. Буни Мўминов кейинчалик билди...

У хонада ёлғиз қолгач, иш столи устида, турли қоғозлар орасида қандайдир нур тарқатиб турган сайёralар аро телеграммани қўлига олди.

«Эргаш Мўминовга. Сизни Коинотдаги онгли мавжудотлар яшовчи барча сайёralардаги илмий коллективлар раҳбарларининг учкунлик олий кенгашига таклиф этамиз. Кенгашда кўп асрлар аввал тараққий этган ва замонамизда унутила бошлаган энг қийин фан асослари ўқитилади. Олимлар билан ЭОТ-2501 ихтирочиси суҳбат ўтказади».

«Тарози» туркумининг 12 нчи сайёраси космодромида меҳмонларни Сайёralар аро илмий координация маркази раҳбарлари — иккни бошли донишмандлар кутиб олишди. Бу одамларнинг асосий боши она тилида гапирса, ёрдамчи боши чет тилларда гапирар эди. Меҳмонлар турли шаклдаги ақлли мавжудотларни кўравериб ўрганиб қолишгани учун одатдагидай салом-аликдан сўнг, дўстлар билан ҳол-аҳвол сўрашишга тушиб кетишли.

— Ердаям ҳал қилинмаган масалалар шунақа кўпайиб кетдики, битта бошимиз камлик қиляпти,— ҳазиллашди Мўминов 12 ичи сайёралик икки бошли олим дўстларидан бирига.

— Ерликларнинг ҳам бир нечтадан боши бор, аммо ўзлари билишмайди,— эътиroz билдириди иккала бошида ҳам сочи оқара бошланган мезбон.— Нега бўлмаса, бир одам ўз-ўзига зид иш қиласди? Баъзилар бўлса бошини ишлатмай бирорларнинг бошини кўтариб юришади... Ха-ха-ха...

Мўминов ҳам хохолаб кулиб юборди, у мезбоннинг нимага ишора қилганини дарор тушунган эди. Ҳазилга ҳазил билан жавоб берди:

— Баъзиларнинг биттадан ҳам боши йўқ, ха-ха-ха... Бизни нимага чақиришипти, билмайсизми?— ҳамон лабини йиғиб ололмай сўради Мўминов.— Бу ёққа келиб-кетиш осонми? Учтўрт ҳафта ишдан қоладиган бўлдик.

— Менгаям анифини айтишмаган. Энг қиин фан... Барча сайёralардаги ақлли мавжудот учун энг зарур фан... дейишяпти. Ўзимам ҳайронман, қариганимизда ерликлар айтгандай, ўқиб, ўрик бўлармилик...

— Йўқ, дўстим,— эътиroz билдириди Мўминов.— Ерда ўрта асрда яшаган Ибн Сино деган мутафаккир айтган экан: «Ҳамма фанларни ўргандим ва охири шуни билдимки — ҳеч нарсани билмас эканман...» Биз ҳали нимани билибмиз? Одамзоднинг умрини узайтиролмаяпмиз. Бошқача айтганда, бир бошимизни иккита қилолмаяпмиз. Ха-ха-ха...

Ҳамроҳи бу беозор ҳазилга кулиб қўя қолди. Сўнг гапини яна асосий мавзуга бурди:

— Ерликларни илм-фанда минг йилча ср-
қада қолдирган, капалакларга ўхшаб учиб
юрадиган, жуда қисқа умр кўрадиган Зуҳб
Олимлари ҳам, аксинча, уч-тўрт аср яшовчи нот-
ҳидликлар ҳам кенгашга чақирилган. Ҳар ҳол-
да, қандайдир жуда муҳим янги фан кашф
этилган бўлса кёрак.

— Қани, борайлик-чи, бундай фанга тиши-
миз ўтармикин...

Икки дўст олисдаги тепаликдаги адл қара-
ғай ва шамшод дарахтлари орасида нилий
гумбазлари ярқираб турган қаср томон йўл
олишди.

Билим қасрига элтувчи маҳсус равон йўл
йўқ эди, у ерга ҳар ким ҳар хил сўқмоқдан чи-
қиб борарди...

Билим қасри ғоят ҳашаматли, аммо янги
эмас эди. У икки минг йил аввал сув, олов,
чақмоқ, бўрон, тўфондан жафо кўриб, тангри
таолони излаб келувчиларнинг энг катта
саждагоҳи эди. Ибтидоий одамлар бу қасрни
йўниқ тошлардан шунчалик пухта қуришган-
ки, ҳанузгача бирор тоши кўчмаган. Залнинг
катта саҳнидан бошқа уч томонида етти қа-
ват устма-уст қурилган ҳужралар бўлиб, ҳам-
масинингравоқлари залга қараган. Залнинг
ўттиз метрли гумбаз шифтининг доирасида
ибтидоий одамлар тасаввур қилган тангри
таолонинг гўзал жамоли антиқа рангларда
тасвириланган. Доиранинг атрофида эса икки
бошли саҳобалар билан шайтонларнинг ку-
раши лавҳалари акс этган. Бу қасрни бирон
динга мансуб дейиш қийин эди. У жафокаш
инсоният хаёли парвозининг меваси эди.

Ҳозир бу бинонинг жуда катта саҳнасига
орган, чанг ва рояль ўрнатилган бўлиб, қади-

мий музика асарларидан концертлар қўйилар эди.

Эргаш Мўминов залда ўтирган меҳмонларни кўздан кечира бошлади. Олдинги қаторларда жуда илгари яшаб ўтган Суқрот, Афлотун, Арасту, Эвклид, Буқрот, Жолинус, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Саъдий, Фузулий, Руставели, Навоий, Бобир, Галилей, Коперник, Эйнштейн ва яна Эргаш ака яхши танимаган бошқа буюк алломаларнинг соялари ўтиришарди. Уларни маҳсус электрон оптик машина ЭОТ-2501 ёрдамида чақиришган эди.

Ҳозирги кенгаш ҳайъати ҳам шу машина ва уни ижод қилган бир гурӯҳ олимлардан иборат эди. Кенгашга ана шу ЭОТ-2501 ни кашф этган кекса аллома раислик қиласар эди.

— Муҳтарам олиму фозиллар! Бугун 2501 йилнинг 21 июлида қадимги даврларда тараққий этган ва эндиликда унутилиб кетган энг қийин фандан биринчи дарсизмизни бошлаймиз,— раисдан сўнг машинанинг овози қадимги Миср тилида, юонон, лотин, араб, форс, турк, инглиз, француз ва рус тилларида янгради.

Қисқа эълондан сўнг ЭОТ-2501 кашфиётчиси барча сайёralарнинг олимларига савол билан мурожаат қилди:

— Муҳтарам олиму фозиллар! Дарсни бошлишдан олдин ҳаммангизга битта савол беришга ижозат этгайсиз. Қани айтинг-чи, орангизда умр бўйи ёлғон сўзламаган бирор олим борми? Қани, Суқрот муаллим, айтинг-чи балки сиз умрингизда ёлғон гапирмагандирсиз?

Қадимги юонон ридосининг этагини виқор билан кўтарган Суқрот муаллим ўрнидан турди ва Билим қасридаги одат бўйича — тинг-

ловчиларга таъзим қилиб шошилмай гап бошлиди:

— Умр бўйи ёлғон гапирмадим... деёлмайди...

Залда аввал шивирлаш, кейин шов-шув бошланди. Ҳамманинг нигоҳи файласуфга қаратилди. Суқрот муаллимнинг юзига сезилар-сезилмас қизиллик югурди. Соя рангли эди.

— Тўғри, мен ёлғонни жуда кам гапирдим. Умримнинг охирида эса; демос — халқ мени ўлимга ҳукм қилганида ҳам ёлғон сўзламадим ва ўз ихтиёrim билан заҳар ичдим...

Залга чуқур суқунат чўкди. Ҳатто соя ҳам нафас олаётганга ўхшаб турарди.

— Ҳозир ҳам рост гапирганингиз учун миннатдорман, марҳамат ўтиринг,— деди раис.— Қани, Афлотун муаллим, сиз нима дейсиз?

— Мен умримда жуда кўп ёлғон гапирганман,— кулиб туриб гапирди Афлотун.— Ҳатто устозим Суқрот ҳакимга ёлғон гапиришни маслаҳат берганман. Негаки, демоснинг ҳукми хотўғри, адолатсиз эди. Халқ мажлиси агар оқил ва адолатли бўлса, у ўзининг энг улуғ фарзанди Суқрот ҳакимни ўлимга ҳукм қиласмиди?!

Афлотун енгил таъзим билан гапим тамом, дегандай ишора қилди.

— Қани, ҳақ гапириш ҳақида яна кимда қандай фикр бор?

Альберт Эйнштейн ўрнидан турди. У бир зум аланглаб қолди.

— Кўзойнагимни қаёққа йўқотибман? Ҳа, дарвоқе, мен ўлганман-ку, кўзойнаксиз ҳам кўра оламан. Маълумки, мен «Авлодларга мактуб» қолдиргандим. Юз йилдан кейин очиб ўқилсин, деб васият қилганман. Аммо авлод-

лар менинг васиятимни ўқишса ҳам парво қишишмади. Мен уларни турли хавфлардан огохлантирган эдим. Ростини айтсам, ҳамма кашфиётлар ҳам инсониятга фойда келтиравермайди. Ҳа, мавзудан чалғидим, дарвоқе, ёлғон гапирмаслик ҳақида гапиришаётган эдик. Баъзи ёлғонлар фойдали, аммо баъзи рост гаплар ҳам фойдадан ҳоли эмас...

Беруний сўз олди. У салласининг печини елкасидан ошириб, қуи солинган бошини кўлига тираганча сўзлар, гўё ўз-ўзига гапираётгандай эди:

— Ҳукмдорларнинг мақтовни ёқтириши, аларнинг ҳақ гапдан қўрқиши олимлар бошига кўп фалокатлар ёғдирадур. Ҳатто замонасининг энг адолатли ва мард ҳукмдори бўлмиш Журжон амири, шамсулмаолий¹ Қобус ибн Вашмгир ҳам ҳақ гап учун сафдошларимдан бир нечасига жазо берган. Ҳукмдор қанчалик оқил ва одил бўлса, раият, уламо, фузало ҳам ҳақгўйликка юз тутгай...

— Сўз ўрта аср араб олими Абу Аъло ал-Мааррийга,— эълон қилди раис.

Кўзларида бир олам акс этган саксон ёшлардаги қария, тайласони² учини ғижимлаб туриб, жавоб берди:

— Мен бу одамларга содик, ҳақгуй эрдим, бегараз
Аммо бағримдан илои чиқди, дилим ўртар мараз.
Мен азиз билганларим манфур бўлди оқибат,
Обдан билганларим кўнглимга урди оқибат.

Ана шунаقا. Инчунун, ҳақгўйлик бошимга кўп балоларни келтирди. Аммо мен ҳақ йўлдан қайтмадим.

¹ Қўёшдай юксак (Қобус ибн Вашмгирнинг тахаллуси).

² Тайласон — қадимги эркаклар рўмоли.

Шундан кейин бошқа сайёralардан келган алломалар сўз олишди. Уларнинг гаплари ҳам жуда маъноли, ҳикматга бой эди. Мўминовнинг ҳам бу борада айтадиган гаплари кўп эди. Шуни билгандай, раис унга сўз берди.

— Мен тарих илмидаги ҳақгўйлик ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. Биз тарихчилар ва файласуфлар кўпинча воқеаларни бузиб кўрсатамиз, ёмонни яхши деймиз, яхшини ёмон деймиз. Улуг одамларни ўғри деймиз, ўғрини тўғри деймиз. Келажак тутуруқсизлигимиз учун, тўғрироғи, виждонсизлигимиз учун бизни лаънатлади. Тўғри, баъзи олимларнинг ўзи оқ-қорани танимайди. Бу ҳам кечирилмас гуноҳ. Хуллас, бунақада тарихгаям ҳеч ким ишонмай қўяди...

Олимларнинг гапларини жим тинглаб, ўзининг турли асбоблари орқали ёзиб олаётган ЭОТ-2501 нинг кўзларида қизил чироқ ёнди. Раис хulosага ўта бошлади.

— Мажлисимиз бошида ҳозир деярли унтутилиб кетган фан ҳақида гапирган эдик. Бу ҳаммангизга маълум — мантиқ фани. Мантиқ — ҳозир олимларни қийнайдиган энг қиёйин фан бўлиб қолди. Сизларга шу фан асосларини ўргата бошлаймиз.

Шундай деб, ЭОТ-2501 ихтирочиси ҳайъатнинг узун эман столи устида ётган бир варақ оқ ва бир варақ қора қофозни доскага илиб қўйди. Сўнг залда ўтирганларга қараб, тантанавор гапирди:

— Эртадан бошлаб, ҳаммамиз оқни оқ, қорани қора дейишни ўрганамиз...

Шифтдаги саҳобалар одамларнинг ишларига тушунмасдан, ажабланиб қараб туришарди.

МЕН — МЕН ЭМАСМАН...

Салобатли дарё оқар
чайқалиб бегам.
Менинг яхлит ҳаётимни
иккига бўлиб...

Маъруф Жалил

Эшик қўнғироги устма-уст жиринглади.
Шошиб очдим.

— Туғилган кунингиз муборак бўлсин, Беҳзод! Бехабар қолибмиз, бошқалардан эшилдик...— деб гина қилди ҳаллослаб кириб келган дўстим Бахтиёр, қўлидаги қандайдир ўрамларни четга қўйиб.

— Ҳа, энди шундай бўлиб қолди, ўзим ҳам кечагина билдим, театримиз директори эслатди.

Хижолатдан чиқиш учун эмас, бу ишга директор бош қўшганини билдириш учун шундай жавоб бердим. Бахтиёрни меҳмонлар ўтирган хонага бошладим.

Чоғроқ хона одамларга тўла, чироқ нури папирослар тутунидан хиралашган эди.

Журналист дўстим Бахтиёр бу ерга кўп келган бўлса-да, хона деворларидағи суратларга яна узоқ-узоқ боқди.

— Анови ҳайбатли тоғлар бағрида нима яширинган экан?..— деди у секин, ўз-ўзига гапиргандай.

Меҳмонлар ялт этиб қарашди. Уларнинг кўзларида таажжуб бор эди.

— Шовиллаб, тошиб оқаётган дарёдан бошқа нарсани кўрмаяпман,— деди кичик жус-

сали, кўримсизгина, аммо ўзига жуда бино қўйган шоир Аҳмад истеҳзо билан.

— Шунақа денг,— мийиғида кулди унинг ёнидаги, барваста, қўнғир мўйловли, қорача бастакор йигит.— Одам кирса, адашиб қоладиган ўрмон-ку бу...

— Ана холос! Ё менинг кўзим ўтмай қолган, ё буларининг,— луқма ташлади сочини тоза қирдирган, истараси иссиқ адабиётшунос Умар.— Ахир, анови ўтлоқдаги жилғадан сув ичаётган оҳуни ҳеч бирингиз кўрмаяпсизми? Қаранг, у қандай иболи, тоғ қизларидаи ҳуркак, ҳар бир шарпадан қочишга тайёр...

Мен бундай гапларни биринчи эшитишим эмас. Илгари келган меҳмонларнинг кўпчилиги ҳам шундай баҳслашиб ўтиришар эди. Бу сирли суратларни мен чизганман. Тўғриси, менинг ўрнимдаги, вужудимдаги бошқа одам чизган. Меҳмонлар, энг яқин дўстларим ҳам шундай деб ўйлашади. Аслида эса, уларни мен чизмаганман. Дўстларим мени— мен деб ўйлашади.

Аслида мен — мен эмасман...

— Ёшлигинизда ҳақиқий рассом бўлган экансиз,— хulosा ясагандай, бир хўрсиниб гапирди журналист дўстим. Бу сўзларни у ҳар келганида айтади. Бу сўзлар аввалги ишларимдан мамнунлигини билдирадими ё ҳозирги ишларимдан норозилигиними, билмайман.

Ҳа, бу суратларнинг ҳаммаси севиклим Дурдонанинг турли кайфиятдаги чехралари. Ҳа, бу соҳибжамол қиз баҳтиёргидаги ҳам, маъюслигига ҳам, фазабланганида ҳам гўзаллигини йўқотмасди.

Мен Дурдонани севардим. Аммо...

Диваннинг ёстиғига суянганча, меҳмонлар-

ни ҳам унутиб, девордаги манзараларга қараб, хаёлга толдим. Болалигимни эслашга интилдим. Лекин ҳадеб кўз олдимга менинг эмас, бошқа бир одамнинг болалик чоғлари келаверди.

* * *

Ким экан у? Қиёфаси менга ўхшайди. Лекин мен эмасман. Йўқ, у мен эмас. Йўқ, йўқ... у бутунлай бошқа: унинг чинакам юраги бор. Мен эса юраксиз одамман. Мени ҳақиқий юракли одам, деб ўйлашади. Яна ким билади, балки бошқалар ҳам менга ўхшаб... билмадим. Ҳа, сал-пал эслаяпман. У — мен өдим. Ёзниң фараҳбахш кечалари маҳалла четидаги катта майсазорда ёш-яланглар тонггача чўпчак айтишиб ўтиардик.

Майсазор яқинидаги дарахтларнинг чакалак бўлиб кетган шохлари, берироқдаги жўхоризор ва ловиязорлар тўлин ой нурида ғалати оқариб-бўзарib, сирли кўринар, аллақаёқдан эшитилаётган ҳаққушнинг хунук товуши юрагимга ваҳима соларди. Онам айтиб берган парилар ҳақидаги афсоналарни эслаб, ўйга чўмар, осмонда тариқдай сочилган, чараклаган юлдузларнинг жимир-жимирини томоша қилар эдим. Мен тонгнинг қаёқдан келишини билишга уриниб, хўроздар қичқираётган, юлдузлар сўнаётган алламаҳалда ҳам осмондан кўзимни узмасдим. Шу зайл онамнинг «ухла», деб койишига қарамай, болаларнинг шўх кулгиси, қийқириқларига кўмилib, ҳар куни тонгни кутардим.

Мен улғайиб, рассомликка ўқидим. Талабалик йилларимнинг энг олтин чоғлари нозик рангларни излаш билан ўтди.

Вир воқеа ҳаётимни остин-устун қилиб юборди. Ҳамма уйқуда, ҳали тонг ёришмаган әди. Хонам деразасидан чиройли манзара кўринарди. Олисда сой буралиб оқяпти, кўм-кўк водий қўйнида гуллаган ўрикзор ва шафтоворларнинг оқ, пушти ранглари қалбга ором беради, аллалайди. Ана шу дақиқаларда майин шамол эшикни аста очди. Остонага қараб, ҳанг-манг бўлиб қолдим.

Қаршимда мен излаган ҳаёлий пари — Дурдона туарди! Кимданdir дили ранжигандай, маъюс кўзлари узун киприклари орасидан боқар экан, кўнглимда латиф куй туфилла бошлади.

— Ҳа, ажабланманг, мен — Дурдона-ман,— деган майин, нафис, тиниқ товуш ҳушимга келтирди. Унга қараб лол бўлиб қолдим.

Неча йиллар кўнглим тўрида асраб юрган ёнг чиройли сўзлар ҳам тилимга келмай қолди. Аҳволимни тушунди шекилли, Дурдона мовий ҳарир кўйлагининг узун этагини сал йиғиб, каравотим четига омонатгина ўтирди.

Ҳозир дунёда энг катта ташвишим — неча йиллар излаб топганимдан ажралиб қолмаслик әди.

— Кетиб қолмайсизми? — дейишга аранг мажолим етди. «Ҳуркиб қочиб кетса-я...»

Паривашим жавоб ўрнига майин жилмайди. Бу табассум гўзаллигини тасвирлашга сўз, бўёқ, оҳанг топиш қийин әди.

Шундай бўлса ҳам мен бу ҳолатни шошиб, оппоқ деворга тушира бошладим... Дурдона ҳаракатимни сезди-ю, норозилик билдирамади, токчадаги китоблардан бирини олиб, аста варқлай бошлади-

Мен терга ботиб, сурат чизяпман.

Мана, руҳимни арши аълого кўтарувчи Дурдонанинг ниҳол қомати, жон олувчи жоду кўзлари...

Қўшнимизнинг хўроzi қичқириб, тонг ёришганини билдириди. Мен ҳали суратни чизиб улгурмаган эдим. Дурдона безовталаниб қолди, у ҳарир кўйлагининг узун этакларини ноzik, нафис қўлчалари билан салгина ердан узиб, оstonада ғойиб бўлди.

Мен бу ҳолдан ҳайратланиб, мўйқаламни қўлимдан тушириб юбордим. Оёқларимда маҷол йўқ: каравотга ўтириб қолдим. Гоҳ Дурдона чиқиб кетган эшикка, гоҳ девордаги суратга қарайман.

Бўёқлари анқиб турган суратга боққаним сари ҳайратим орта бошлади. Девордан менга париваш қиз эмас, жилға бўйига сувга келган ёш ҳуррак оҳунинг муnis кўзлари боқарди!

Дурдона яна келди. У бу сафар аввалгидан ҳам гўзалроқ кўринди.

Деворга янги расмлар тушира бошладим. Расмлар кўпайди.

Ўқишига ҳам бормай қўйдим. Дурдонанинг жамолини тасвирлаш билан овора бўлиб, кечанинг ҳам, кундузининг ҳам фарқини билмай қолдим. Ҳолдан тойгунимча, қўлимдан мўйқалам тушиб, ўзим йиқилгунча ишлардим.

* * *

Янги расм муаллими баланд бўйли, сочлари силлиқ тараган, сунъий, аммо ўткир кўзлари ҳамиша жилмайиб турувчи киши

дарсга кириб, аслзодаларга хос назокат билан ўзини танитди. Сўнг янги тартиб билан таништири бошлади.

— Асосий вазифамиз — ҳаётимизни мазмунли қилиб безатиш,— деди у оҳиста, лекин қиличдай кескин оҳангда аудитория шифтидаги гулга қараб.— Мазмунли, деганда бугун, фақат бугун учун фойдали ишлар қилишни назарда тутаман...

Ҳамма ялт этиб менга ўтирилди. Мен парво қилмагандай, савол бердим:

— Бугун учун фойдали деганда нимани тушунайлик?

Янги муаллим жаҳли чиққанини яширмади:

— Бугун учун фойдали дегани — фақат бугунни ўйлаш дегани!— бақирди у бўйига ярашмаган йўғон товуш билан.

Бу фикрга, албатта, кўпчилик қўшилмади. Аммо янги муаллим мунозарани қизитишни хуш кўрмаслигини ҳамма тушунган эди.

— Бугундан бошлаб,— деди янги муаллим тантанавор оҳангда, одамни сескантiriувчи машъум завқ билан,— сурат чизишнинг янги, илфор ва осон усулига ўтамиз. Маълумки, табиатдаги рангларнинг кўплиги, чексизлиги ақл-ҳушни бир жойга йиғишга халақит беради, яъни одамни меҳнатдан чалғитади. Тасаввур қилинг, одам ўрмондаги бир ўтлоқда гулларни кўриб қолди. У гулларнинг рангига маҳлиё бўлиб, молларни боқишини, яъни асосий мақсадини унутади. Шунинг учун иложи борича, бояги гулларнинг хилини камайтириш зарур. Бу иш кўп куч, вақт ва маблағ талаб қиласади. Аммо мен бу проблемани ечишнинг ажойиб йўлинни топдим.

Янги муаллим шу ерда нафас ростлади ва янада тантанали гапирди:

— Бунинг учун одамларнинг кўзини кўп рангларни кўрмайдиган қилиб ўзгартириш кифоя. Мен узоқ йиллик илмий тадқиқотлардан сўнг, шундай кўзни кашф этдим. Бу кўз фақат бир хил рангни кўради ва яшашни соддалаштиради. Ҳозирги электроника, оптроника, лазерлар асрида бундай кўзни ясаш ва алмаштириш қийин эмас...

Аудиторияга совуқ сукунат чўкди. Ҳамма гапнинг охирини кутарди.

— Ҳаммангиз энди шу кўзлардан фойдаланасиз,— деди у қатъий қилиб, эътиrozга ўрин қолмайдиган оҳангда.— Энди мураккаб бўёқлар қидириб юрмайсиз..

Аммо эътиroz билдирамасдан бўлмасди.

— Янги кўзлардан ҳамма фойдаланиши мажбурийми?

Кўпчиликка янги кўзлар ёқиб қолган шекилли, «Ановининг ношукурлигини...»— дегандай, ялт этиб мен томонга қарашди.

Янги муаллим столни чертиб, ҳаммани тинчтитгач, маънодор қилиб жавоб берди:

— Ҳаммага мажбурий эмас, аммо илгор усулдан фойдаланувчи рассомларга ҳамма йўллар очиқ бўлади...

Бу сўзларнинг маъносини тушуниш қийин эмасди.

Қўнғироқ чалинди, дарс тугади. Аудиториядан бирор хурсанд, бирор хафа бўлиб чиқди.

Мен асабларим қақшаб, қаёққа юришни ҳам билмай тентираганимча, институтдан узоқлашдим. Шаҳар четидаги ташландиқ бир боққа кирдим.

Қуёш ҳали ботмаса-да, боққа қоронғилик чўккан, шамолдан дарахтлар эгилиб, шовиллар, ув тортар, мармар қирғоқлари емирилиб, кўчган катта ҳовузнинг қорамтири-сафсар тусдаги суви нотинч жимиirlар эди. Ҳовузнинг эскириб кетган оқ мармар супасининг ғиштлари кўчиб кетган. Думалоқ гранит пойдеворда салобат билан турган Беруний ҳайкалиниг «сочини» дарахт шохлари юлқиламоқчи бўлиб тебранарди... Назаримда ҳайкал ағдарилаётгандай эди. Ҳовуз тепасидаги майсазорнинг нарироғида дарахтзорга бурканган кунгурадор кўҳна қаср кўринади. Унинг баҳайбат деразаларидаги шоҳи пардалар ҳам шамолда юлқиниб, ботаётган қуёш шафағида қип-қизил бўялгандай ял-ял ёнарди. Қаср тепасидаги қалин ўрмонзёрнинг баҳайбат сершоҳ чинорларига шамол таъсир кўрсатолмагандай, оғир сукунат қоронғилигига чўмган.

Шамол кўп ўтмай, довулга айланди. Энди ҳаммаёқ ларзага келди, боғнинг тепасида кўҳна ўрмондаги баҳайбат чинорлар ҳам фарёд солиб, увлай бошладилар. Осмон ёришиб, момақалдироқ гумбурлади. Чақмоқ чақиб, олов қиличи ярқ этиб, бошимга тушди. Ҳушимдан кетдим...

Кўзимни очганимда майсазорда ётардим. Довул тинган, зим-зиё кўкда менга нотаниш юлдузлар чарақларди. Негадир ўзимни қушдай енгил сезардим, оғирлигимдан қутулгандай эдим. Тиззалаб ўрнимдан турдим ва ёнимга қараб, қўрқувдан титраб кетдим. Майсазорда, ёнгинамда нотаниш бир йигит беҳуш ётарди. Унга синчиклаб қараганим сайин, ҳайратим орта бошлади. У менга, худди ўзимга ўхшарди.

Нима қилаётганимни ҳам билмай, чопиб бориб, ҳовуздан ҳовучимда сув келтирдим ва унинг юзига сепа бошладим. Қулоқ тутиб, юраги дук-дук ураётганини сездим. У ҳушига келди ва ўрнидан тураркан, истеҳзо билан гудурлади:

— Яхшиси, ўз кўксингга қулоқ сол! Юрагинг уряптими, йўқми?

Мен шошиб, кўкрагимнинг чап томонига қўлимни босдим. У ерда ҳеч нарса йўқдай туялди.

— Ҳа, ажабланма, сенинг юрагинг мана,— деди у ўз кўксини кўрсатиб ва ёнимга ўтириди.

— Кимсан ўзинг?— баттар ажабланиб сўрадим.

— Мен — сенман...

Бу гапдан бошим айланиб, гандираклаб, ийқилишимга сал қолди.

Чўнтағимни пайпаслаб, папирос тутатдим. Беихтиёр унга узатдим. У ҳам чекди. Иккимиз узоқ жим қолдик. Ниҳоят у гап бошлади:

— Сен Дурдонани ноҳақ ранжитдинг. У софдил, гўзал, ақлли қиз. Мен уни жуда севаман. Сен ҳам севасан...

— Йўқ,— шошиб эътиroz билдиридим.— Мен Дурдонани севмайман. У — жодугар... Минг ёшга кирган. Уни кўрган одам чангга, гардга айланади...

— Қўйсанг-чи, бу янги муаллим — жаноб Хомнинг уйдирмаси. Сен — қўрқасан, ўқишдан кетаман, деб қўрқасан. Аслида, ҳар бир одамнинг ўз Дуронаси бўлган...

Хуллас, иккаламиз келишолмадик. Мен қўл силтадим. У Дурдонани излаб кетди.

Шу кундан бошлаб, иккига бўлиниб кет-

ганимдан сўнг, соф ақл-мулоҳаза билан яшай бошладим. Ҳар бир қадамимни ўйлаб босардим. Ақл-мулоҳаза эса кўпинча ташвиш, вахима туғдиради. Гоҳо яримталигимни одамлар билиб қолармикин, деб қўрқардим. Ваҳимали ўйларни қувиш учун кетиб қолган ярмимни излардим. Гоҳ у топилар ва мени асли ҳолимга қайтараман, деб кўп азоб берарди — ҳушимга келтириш учун бўшаб қолган юрагим ўрнини тўлдириш учун мени саволлар оловида куйдиради.

Шунақада ёмон кўриб, нафратланиб кетардим ундан.

* * *

Ўқиши тугатиб, театрга ишга кирдим. Янги муаллим мени театр директорига «энг яхши шогирдим», деб таништирди. Туну кун ишхонада бош рассомга яхши кўринишни, унинг яқин одамлари қаторига қўшилиб, обру опттиришни ўйлардим.

Бир куни бош рассом саҳнадан қадимий манзарадаги салобатли нақшин қасрни олиб ташлашни маслаҳат берди. Мен ўйлаб ўтирамай, манзарадан қасрни олиб ташладим. Бошлиқнинг дидини билганимдан кейин, театримизда қайси саҳна манзарасида қаср бўлса — олиб ташлайвердим. Қизишиб кетиб, ҳатто қасрдан кичикроқ кўшк, равоқларни ҳам қўймадим. Энди мен олий насабли одамлар даврасига кириб, турмуш ҳаловатларини tota бошладим.

У — Дурдонанинг ошиғи эса, қаерлардадир омадсиз, оч-юпн юрар,— гоҳи-гоҳида, сокин

кечаларда уйқум қочганида келиб, мен билан баҳслашарди.

У гоҳо мен кутмаганимда, кўришни истамаган пайтимда келиб қолар ва ишларимга аралашиб, мени шарманда қиласар эди.

Бир куни аzonда уйғониб, кўчадаги анхорда юзимни юваётган эдим. У келиб қолди. Осмонга қаради-ю, ҳайратдан қотди.

— Уфқни кўряпсанми? Нақадар рангларга бой! Фусункор тонг! — деди у елкамдан ушлаб.— Сен болалигингда кўрган ноёб, афсонавий ҳарир, пушти тонгларга ўхшаган тонг бу...

У менга, бу манзарани чизиб қол, деди. Аммо ишга кеч қолишимни ўйлаб, бош рассомнинг башарасини кўз олдимга келтирдим. Бош рассом театр саҳнаси орқасида ишимизга кўз-қулоқ бўлиб юрарди. Ишга сал кеч қолган ходимга бақирав, асабини бузиб жинни қиласарди. Рассомларга вақтни гўё чўнтағидан пул чиқариб бергандай, қийналиб улашарди. Мен бош рассом билан тўқнашмаслик учун тонг шафагини қолдириб, театрга отландим.

Кўзгу олдида кийинаётганимда у мени яна сўроққа тутди:

— Ишга кеч қолсанг нима бўпти? Ишга ҳар куни борасан, бундай фусункор манзара эса кам учрайди. Бундай бетакрор манзарани балки яна сира учратмассан. Ҳу, анави рангни қара, сен бундай рангни биринчи кўришинг. Тезроқ мўйқаламингни ол.

— Йўқ, вақтим йўқ. Бугун гўзаллик ҳақидаги муҳим шиорни ёзишим керак. Ёзмасам... ишдан ҳайдашади...

— Одамларга гўзаллик тўғрисидаги шиор эмас, гўзалликнинг ўзи керак... Агар сен иш-

га бормасдан фақат ижод қилсанг, кўпроқ гўзаллик яратиб, одамларни бойитардинг.

Аслида у ҳақ эди. Аммо фақат ижод қилсам, бирор жойда хизмат қилмасам, муҳтоҗликдан ўламан-ку.

— Мана, сен ҳеч қаерда ишламай ижод қиляпсан, яратоётган дурдона асарларингни ким тушуняпти? Сен одамлар учун ўзингни фидо қиляпсан. Одамлар эса сени бир тийинга олишмайди.

— Бунинг сабаби шуки, одамларнинг емиши жойида, аммо кўнглида ҳеч вақо йўқ, худди чўлдай, мен уларнинг кўнглига гул уруғлари сепиш учун ижод қиляпман...

— Одамлар сен сепган гул уруғларини ҳам еб қўйишади, сенинг асарларингни сариқ чақага алмаштиришади. Устингдан кулишади...

— Йўқ, ҳамма сен ўйлаганча ҳайвон бўлиб кетмаган. Мен уларнинг одамлигига ишонаман... Ана, уфққа қара, ранглар ўзгаряпти, тезроқ мўйқаламингни ол...

Мен камчилигимни тан олгим келмасди.

— Тўғриси, сен ҳайратланаётган нозик ранглар, барибир менга бир хил кўринади. Негаки, менинг кўзим — янги.

— Кўзнинг янгисини нега олдинг?

— Янги кўз одамни чарчатмайди.

— Сен чарчашдан кўрқасанми?

— Йўқ чарчашданмас... бошқа нарсадан...

Бор, мени йўлдан урма....

— Сени йўлдан уриб бўлишган. Мен сени тўғри йўлга қайтармоқчиман...

Мен бу гапга парво қилмай, бир челяк бўёқни кўтариб, бир ўрам матони қўлтиғимга қисганимча ишга жўнадим.

У, садқаи одам кет, деганича, күздан йү-
қолди.

Шу күйи узоқ ойлар күрінмади.

Тұғриси, мен ундан құрқардим. Уни ўйла-
сам, Дурдонанинг жодугарлиги, довул, күхна
боғ эсимга тушарди.

У гоҳо болалигимни, ёшлигимни эслаган
пайтларимда, ўтиришларда, давраларда ке-
либ қоларди. Ниҳоятда озиб-түзиб кетган,
гүё фақат суюғи қолғанди. Уни доимо азоб
кемираётганидан шундайдыр.

Эшитишимча, мен семирганим сайин у яна
ҳам озиб кетаркан. Мен мартаба зиналаридан
күтариlgаним сайин, уни хизматда пасайти-
ришаркан. Менинг пулим күпайиб, майшатим
яхшиланғани сари у охирги чақаларига қора
нон олиб, сувга ботириб еркан. Менинг либо-
сим янгиланғани сайин, унинг жулдур, чири-
ған усти бошига яна ямоқлар тушаркан...

Ұзидан күрсиин. Қаёқдаги Дурдона деб,
мендан, оромли ҳәётдан ажралиб қолди. Унинг
расмлари қанчалик гүзәл, жозибали бўлма-
син, янги кўзли одамларга күрінmasdi.

Аммо бугунги меҳмонлар деворлардаги
мен — яъни, у чизган гўзал суратларни қан-
дай кўриб қолишганидан ҳайратда әдим. Ё
улар янги кўзларини олиб ташлаб, аввалги кўзлари билан келишдимикин? Даврадаги меҳ-
монларга бир-бир қарадим. Ўртада чақчақ-
лашиб ўтирган, хушбичим соқол қўйган йигит
кўзимга жуда иссиқ күринди. Меҳмонларнинг
оғзини очириб, кулдириб ўтирган бу йигит —
у, яъни бир вақтлардаги мен әдим. Унинг ёни-
да, ўн саккиз ёшли соҳибжамол ўтиради.
Бу — Дурдона әди. Унинг шўх кулгиси жонон
чинни жарангидай хонани тўлдиради.

Ҳамма кўзлар унга ва Дурдонага тикилган эди.

Кимдир сўраб қолди:

— Бу кимнинг суратлари?

— Дурдонанинг...

Суратлар ўртоқларимни ҳам ҳаяжонга солди шекилли, гапимга кулишмади. Журналист дўстим изоҳ берди:

— Ҳа, булар чиндан дурдона асарлар...
Бўёқларга қаранглар-а, табиатда ҳам йўқ
рангларни топган бу дарвеш...

Мен ҳайрон эдим...

РАЙХОНДАГИ ЗАРПЕЧАК

Оқ, пушти атиргуллар ҳовлини ёқимли ҳидга тўлдириб, Муроднинг димоғини қитиқларди. Ишдан ҳориб қайтган Мурод гулларга сув қуяр экан, хаёли ҳамон лабораторияда эди...

Қилаётган ищинг вақтинчалигини, омонатлигини билиб яшаш нақадар оғир. Полимерлар кимёси институтининг кичик илмий ходими Мурод Тоҳиров ўзи ишлаётган лаборатория ёпилади, деган мишмишларни эшишиб, кўнгли бузилиб кетди. Кечагина келажаги порлоқ бўлиб турган янги иш наҳотки юлдуз кўрмай жон берса...

Мурод оғир ўйларни қувишга интилиб, районларга яна сув очишга тутинди. Сўнг уватга энганиш, районларни сийпалади. Қўлининг эпкинидан садарайхоннинг ўткир ҳиди димоғига гуп этиб урилди. Шу пайт районлар орасида ўралашиб ётган зарпечакларга кўзи тушиб қолди. «Шундай томирсиз, қилдай нарса бақувват томирли районни бўғаётганини қаранг-а», ўйлади у. Лекин шу топнинг ўзидаёқ уларни районлар танасидан ажратиб, юлиб ташлашга эринди.

Кимёгар бутун вужудида қандайдир лоҳаслик сезиб, иш хонасига кирди ва ўзини

диванга ташлади. Кафтини бошига ёстиқ қилиб чўзилар экан, уйнинг тўрида, китоб жавонлари тепасида осиғлиқ турган марҳум устозининг портретига қаради. Мурод, сочйнинг оқини назарга олмаса, ёш ва кўркам кўрина-диган устози — профессор Кимё Алиевани кўпинча тушида кўрадиган бўлиб қолган. У коинотда, ақлли мавжудотлар яшайдиган барча сайёраларда танилган бу машхур олимга шогирд бўлганидан анча мағрурланиб юради. Бошқалар буни тушунишар, ҳақиқатан Алиева ўз соҳасида ягона олимлигини билишарди. Алиева очган янги антикатализ лабораторияси келгусида алоҳида, йирик институтга айланиши мумкин эди. У кимёвий жараёнларни тезлаштириш ўрнига, аксига қайтарувчи дастлабки антикатализаторни топганди. Маълумки, бутун коинотда машхур қадимий архитектура ёдгорликлари — Бибихоним мадрасаси, Амир Темур мақбарасининг ғиштлари уч-тўрт асрдан бери ҳавонинг маълум қисмини эгаллаб ётган. Кейинги 100—200 йил орасида нураб йўқолган ғиштларнинг ўрнидаги ҳаво атрофдаги ҳаводан сезилар сезилмас фарқ қиласр экан. У ерда қандайдир нозик магнит майдонлари ҳосил бўлган. Гўё улуғ одам яшаб ўтган ҳовлининг, ҳонаси файзли, бир вақтлар ёнғоқ ўсган жойнинг ҳавоси оғир туюлгандай. Профессор Алиева чириш, нураш жараёнларини аксига қайтарувчи антикатализатор ёрдамида шу архитектура ёдгорликларининг аслида қай ҳолатда эканлигини аниқлаш йўлини топганди. Ахир Бибихоним мадрасаси сингари ёдгорликлар дунёда фақат биттадан яратилган, холос. Үларнинг

йўқолиши халқ келажаги учун жуда катта йўқотиш бўлади.

Бир давлат бошқа давлат тупроғига бостириб кирганида аввало маданий ёдгорликларга зарар етказишга, уларни йўқотишга интилади. Чунки буюк аждодлари бунёд этган ёдгорликлар халқда ифтихор уйғотади, унинг руҳини кўтаради. Ёв ёдгорликларни йўқотиб, халқнинг руҳини сўндиришга уринади. Шундай ажойиб иш асосчиси профессор Алиеванинг тўсатдан вафот этиши алам қилмайдими кишига? Энг чатоги шуки, Алиева бу соҳада ҳали шогирд этиштириб улгурмаган эди. Шогирдсиз устознинг фани эса ўлимга маҳкум. Беруний, Ибн Сино шогирлари ҳамон яшаётгани учун уларнинг кашфиётлари ҳамон дунёни ҳайратга солади. Наҳотки, Алиеванинг кашфиёти изсиз йўқолса?

Мурод Тоҳиров бу соҳада эндиғина янги илмий ишини бошлаганди. Профессор Алиева вафот этгач, янги лаборатория бошлиқсиз, Муроднинг илмий иши раҳбарсиз қолди. Табиийки, Ер юзида, ҳатто коинотда кимё профессорлари кўп бўлса ҳам улар янги лаборатория ишидан бехабар эдилар. Шунинг учун бирортаси бу лабораторияга мудирлик, Муроднинг ишига раҳбарлик қилолмасди. Шутуфайли, янги, келажаги порлоқ антикатализ лабораторияси ёпилади, деган гап тарқалди...

Кимёгар оғир хаёллар оғушида диванда қанча ўтирганини билмайди. Бир вақт кўча дарвозанинг қўнғироғи қандайдир ғайритабиий жиринглаганини эшишиб, бирдан сесканиб кетди. Янги туғилган ойнинг хира нурида гулларни босиб олмай деб, шошиб девор томондан югурди. Дарвозани очиб, ҳеч ким йўқ-

лигини кўргач, бадани чумоли ўрмалагандек ғалати бўлиб кетди. Ярим соат илгари почта қутиси бўш эди. Демак, ҳозир қўнғироқ жиринглаганда кимдир хат ташлаб кетибди.

Мурод юраги алланимани сезгандай, ҳаяжонланиб, қордай оппоқ конвертни қўлига олди. Адресига кўзи тушди-ю, электр токи ургандай титраб, ранги оқариб кетди. Хатни қўлидан тушириб юборишига оз қолди. Хат — нариги дунёдан, марҳум профессор Алиевадан эди.

«Салом, Муроджон... Ушбу мактубни марҳум устозингиз Алиеванинг руҳи ёзаётганидан ажабланманг,— деб бошланарди хат.— Вафот этган куним бутун ҳалқимиз мотам тутганини кўриб, жуда таъсирландим.. Ишимиздаги чуқур ғовакларни илгари кўрмаганимга ажабланаман. Дарвоқе, илгари Марсдан келган ҳамкасингиз Клара билан ораларингиз жуда яхши эди. Қимё фанлари номзоди Клара Ер академиясига сиздан беш йил илгари ишга келганди. Зеҳнли, шириңсўз, куйди-пишди жувон эди. Айниқса, унинг интизоми, ҳар бир топшириқни вақтида бажариши менга ёқарди. Лекин гоҳо ҳаётда сен билан ёнма-ён ишлайтган одамнинг не мақсадда юрганлигини билмас экансан киши. Вафотидан кейин академия ҳайъати йиғилишида Кларанинг президентга айтган гапларидан ҳайратда қолдим.

— Лабораториямизга бошлиқ топилмаса нима қиласиз? Бошлиқ топилганда ҳам... яхшиси, Марсга кетаман, ишга чақиришяпти,— деди у қошларини чимириб.

Аслида унинг нияти бошқа эди. Ердаги буюк обидаларни тиклашнинг Клара учун қизғи йўқ эди. Чунки унинг ватани — Марсда

буюк обидалар йўқ эди. У эса Ерга ақл кучини бергиси келмасди... Лекин айни вақтда Ердаги обрўсини ҳам бой беришни истамасди. Кўнглида дунёда ягона лабораторияга бошлиқ бўлса, бутун коинотда шуҳрати ортарди...

Президент марслик аёлнинг ниятини тушунди-ю, у кутганидай жавоб бермади. Аксинча, Кларанинг олдига қатъий шарт қўйди.

— Биласизки, бошқа олимлар бу тажрибадан бехабар. Шунинг учун бу ишни бошқаролмайди. Сизнинг ҳам соҳангиз бошқа. Демак Тоҳировнинг ишини тезроқ тугатишга ёрдамлашасиз. Уни биламиз, қобилиятли йигит. Лабораторияга мудир бўлишига фақат расмий бир нарса — илмий унвон етишмай турибди.

Клара бу гапни әшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Одатда марслиларнинг гали ерда қолмасди. Аҳвол ўзгарганини тушуниб, у қувликка ўтди. Атайлаб, сизнинг ишларингизни пастга ура бошлади.

— Билмадим... Ҳар ҳолда Тоҳиров ҳали ғўр,— деди у лабларида ясама табассум билан.— Унинг ишидан бир нарса чиқишига кўзим етмайди.— Яхниси...— деди бир оз тутилиб,— лабораторияни ёпиб қўя қолиш керак... Ундаги қимматли асбоблардан бошқа институтларда фойдаланиш мумкин...

Чиройли жувоннинг нафис лабларидан учган бу совуқ сўзларюн әшитиб, руҳим титраб кетди. Наҳотки, одам амални деб инсониятга фойда келтирадиган ишдан воз кечса? Буни сира ақлимга сифдиролмасдим.

Президент Клара билан совуққина хайрлашди. Гапининг охирида у яна бир карра сиз-

нинг ишингизни илгари силжитишин тайинлади.

Лекин Клара кўмаклашищни хаёлига ҳам келтирмади. Аксинча, гоҳ у институтга, гоҳ бу институтга бориб, нодир асбоб-ускуналарни уларга ўтказишини таклиф қила бошлади. Аммо, яхшики, академия президенти бунга йўл қўймади.

Сиз қийналиб бўлсаям, тажрибани давом эттиравердингиз. Клара эса кейинчалик сизга бошқача муомала қила бошлади. Шама, қочириқлар билан унинг мудир бўлишига, иммий ютуқларингизга шерик қилиб обрў қозонишига ёрдамлашсангиз, тезда унвон олиб беришни ваъда қилди. У ёшлиги, гўзаллиги, жозибасига ишониб, бошингизни айлантиришга уринди.

Бир куни Клара сизга гап уқтираётib, маънодор қилиб, шундай чиройли жилмайдики, охири бардош беролмадингиз. Машъум табассум ақл-ҳушингизни ўғирлади. Унга ёқиш учун энг яхши илмий ишларингизга имзосини қўшиб қўйдингиз.

Кларанинг қадди-қоматига қиё боқиб, кўнглингизда: «Шу жувоннинг гапига кирсам, асакам кетармиди, тезроқ унвонни олиб, одамлардай беташвиш яшасам-чи», деган фикр ялт этди. Бир лаҳза фанимиз истиқболини унутдингиз. Бир лаҳза беғамлигингиз тутиб кетиб, қайноқ қонингизга эрк қўйиб бердингиз.

Мана энди шу вақтгача қилган ишларингизга у сира куч сарфламай шерик бўляпти. Сизни кечиролмайман. Сиз ўшандада йўқ деганингизда, тўғри, анча қийналардингиз. Лекин бир йил бўлмаса, уч-тўрт йилда барибир муд-

даоингизга етардингиз. Борингки, ундан кўп вақт кетгандаям, энг муҳими — коинотда Ер фанининг шу соҳадаги биринчилигини сақлаб қолардингиз.

Мана, энди илмимизда, ишимиизда зарпечаклар кўпайди. Зарпечакни кўргансиз. Бир ерга тушганини сезмай қолсангиз — тамом. Мўр-малаҳдай кўпайиб, ўсимликларнинг та-насиға ёпишиб, ширасини сўриб ётаверади. Зарпечак ўзи ўралашган кўчатни бир энлик ҳам ўстирмай, унинг ҳисобига ўзи гуркираб ўсади. Зарпечакни йўқотай десангиз, аввало уни кўпайтирмаслигингиз керак экан. Кўпайтиргандан кейин ундан қутулиш қийин. Юлиб, янчсангиз ҳам яна ўсиб чиқаверади.

Майли, кўнглингиз чўкмасин, ҳалиям кечмас. Ҳалиям иложи бор. Дунёда иложсиз нарса йўқ. Чораси шуки, эринмай ишлаб, райхонга зарар келтирмай, зарпечакнинг ўзини кучсизлантирадиган кучли модда топиш керак. Унгача, уларни юлаётганингизда бир-иккита яхши гуллар бирга қўпорилиб чиқади. Лекин, майли, кураш қурбонсиз бўлармиди...»

Мурод хатнинг у ёгини ўқиёлмади. Қандайдир қарсиллаган товушдан чўчиб уйғонди. Кучли шамол дераза ойнасини чил-чил синдирибди. Баравақт уйғонган хотини Назокатхон тепасида: «Ҳечқиси йўқ, яхшиликка бу», деб кулимсираб турарди.

Тоҳиров ҳамон туш таъсирида эди. У апилтапил ювениб, нақшин кийик оёқли хонтахта устидаги бир пиёла кўк чойдан хўпладиyo ишга отланди. Ҳовлидан ўтаётиб, одатига кўра қора садарайхонларни қўлида елпиб, ҳидлади. У энгашганда яна райхонлар орасида ўралашиб ётган сап-сариқ қилсимон зарпечакларга

күзи тушди. Ўсмай қотиб қолган райҳонлар-
нинг танасидан озиқланаётган зарпеклар
йўғонлашиб, тарвақайлаб кетган эди. Шу пайт
Тоҳиров райҳон ҳидини ҳам унутиб, зарпекак-
ларни жаҳл билан юла бошлади...

АСРЛАР ДЕВОРИ

XXV асрнинг ўрталарида Ерга учиб келган бир гуруҳ ўзга планеталик сайёхлар, юлдузкезар кемалари бузилиб, бу ерда қолиб кетишиди. Кейинчалик уларни ерликлардан ажратиш қийин бўлиб қолди. Аммо уларнинг авлодларидан бўлган Мақсуд ерликларнинг одатларига ҳамон кўниколмайди.

Навоий театрида машҳур «Ла-Скала» театрининг солисткаси Адельфина Рози иштирокида «Шопенхонлик» қўйилаётган эди. Балконда, Мақсуд ўтирган ердан сал нарироқда бир гуруҳ ёш шоир ва олимлар шивирлашиб, итальян хонандасини кўкка кўтариб мақташарди. Буларнинг гаплари Мақсудга неча минг чақирим олисдан келаётгандай эшитиларди:

— Овозни қувватини қаранг, — ҳеч бир ҳаяжонсиз деди Азамат. У ёши қирқларга яқинлашса-да, ҳамон ёш шоирлар қаторида юрарди. У бир вақтлар яхшигина шеърлар ёзарди. Аммо ҳозирги чиқаётган ёш шоирларнинг истеъдодига қойил қолиб, мардлик билан шеърбозликни бас қилган, энди санъат аҳли ҳақида яхшигина мақолалар ёзарди. Опера, балет артистлари, рақс ансамблларининг ба-

дийи раҳбарлари билан апоқ-чапоқ бўлиб кетган эди.

— Эҳ, бизда ҳам шундай овозли хонандалар бўлсайди, — деди ўз халқининг санъати ўсмаётганига ачинган оҳангда истеъоддли ёш шоир Азим. У ўз халқи орасида итальян хонандасидан ҳам яхшироқ овозлар борлигини билмасди. У ҳақиқатан ажойиб шеърлар билан халқининг маданиятини кўтаришни эмас, асосан ўзининг шуҳратини дунёга таратишини орзу қиласди.

— Ўзбек музикаси қачонгача харобликдан чиқмас экан? — яна жони ачиған оҳангда гапирди новча бўйли, сочи елкасига тушган Мурод. Аммо шу заҳотиёқ ўзбек музикасини унтиб, биноклда нариги балкондаги бир гўзалнинг кимлиги билан қизиқа бошлади.

Парда ёпилди. Ҳашаматли биллур қандил чироқлари бирин-кетин ёниши билан балкондаги зиёлиларнинг ҳам суҳбати жонланди.

Энди улар ўзбек музикасини бутунлай унтишган, ҳар бири ўзининг шу ерда ўтирганларнинг ҳаммасидан устун эканлигини исботлашга уринар, ҳеч нарсани тушунмайди, деб ўқувчилардан зорланишарди.

Шу пайт булар ўтирган балконга бир неча талаба йигитлар ва қизлар кириб келишиди. Улар ёш шоирларни ўраб олишиб, узук-юлуқ бўлса ҳам ҳаяжон билан ўзларнинг уларнинг шеърларидан олган таассуротларини изҳор қилишди.

Шоирлар эса: «Бизнинг шунақа доно ўқувчиларимиз бор-да», деб миннатдорчилик билдиришарди.

Чунки Ерда мақтовга мақтов билан жавоб бериш керак эди.

* * *

Мақсуд институт вестибюлидан ўтаётганида музикали комедия факультетининг студентларидан бир нечтаси қуюқ салом беришди. Зинадан кўтарилаётганида ҳали қаримаган, бироқ соchlари оқариб, салобатли кўринадиган кафедра мудири Нозим акага дуч келди.

— Бугун имтиҳон олар экансиз, студентларингиз аллақачон кутиб туришибди,—танбех ҳоҳангида гапирди кафедра мудири.—Сизга яна бир гапни айтиб қўйай. Муаллимлар орасида янгисиз. Студентларимиз ҳеч балони билмайди. Лекин сиз уларни қийнаб, қайтариб юрманг. Ҳамма муаллимлар шунаقا қилишади.

Кафедра мудири самимий гапираётган эди.

— Бунақада талабалар саводсиз бўлиб чиқишидади-ку,—эътиroz билдири Мақсуд.—Институтнинг ҳам қиммати қолмайди. Қейин бу саводсизлар истеъдодли одамларга раҳбарлик қилишади.

— Тўғрику-я, лекин иложимиз қанча. Қонун шунаقا.

Мақсуд: «Қонунда саводсиз мутахассислар керак, дейилмаган-ку», демоқчи бўлди, аммо айттолмади. Қўпол чиқади, деб ўйлади. Аслида бу журъатсизлик эди.

— Энди, ука, ўзиз ақлли йигитсиз, бирор ўйлини топинг. Омад тилайман,—гўштдор қўйлини узатиб хайрлашди Нозим ака.

Бу қўллар олимнинг қўлларига ўхшамасди.

Мақсуднинг руҳи тушиб кетди. «Бу сайёрганинг одатларига ҳеч тушуниб бўлмайди. Бу одатлар менгаям юқяпти...»

Иккинчи қаватга кўтарилди. Тил ва ада-биёт кафедрасининг эшиги қия очиқ эди. Институттага ундан икки йил аввал келган Гулчехра сиртқи бўлим талабаларининг иншоларини текшириб ўтирган экан. Мақсад у билан узоқдан саломлашди. Гулчехра бошини кўтариб, одати бўйича, хиёл табассум билан алик олди. Дераза орқасидан чаман-чаман гуллаган олча шохлари кўриниб туар, уларнинг доирасида қиз яна ҳам яшнаб кетган эди. Мақсад Беҳзод, Тициан ва Рафаэль суратларини эслади. У қизнинг беғубор, мовий кўзларига беихтиёр бир зум маҳлиё бўлиб қараб қолди. Гулчехра буни сездими-йўқми, яна ишга шўнгигб кетди.

Мақсад унинг хаёlinи бўлгиси келмади.

Аммо ўзининг хаёли бутунлай бошқа оламга кўчган эди. У кафедра мудири билан суҳбатни ҳам, студентларнинг саводсизлигини ҳам, имтиҳон олиши кераклигини ҳам унутди.

Гулчехра бу асрнинг одамларига спра ўхшамайди. Унинг мусаффо, мовий кўзлари маъин нур таратиб туради.

Мақсад у билан суҳбатлашганида умр бўйи излаганини топгандай бўлади. Дунёда факат шу қизгина унинг дилидаги орзу-умидларини, дарду аламларини, шубҳаю ишончларини тушуна оладигандай туюлади. Ҳар гал суҳбатлашганида диллари жуда яқинлиги сезилиб қолади.

Мақсаднинг дунёда энг азиз одами эканлигини, тақдир бўронлари қайларга элтиб ташламасин, Мақсад унга сажда қилишини Гулчехранинг ўзи билмайди. Майли, билмасин, Мақсадга бунинг аҳамияти йўқ, у Гул-

чөхранинг нурли сиймосини умр бўйи ардоқ-
лаб юради...

Унинг дунёга келиб топган энг эзгу, азиз
бойлиги мана шу қизнинг чөхраси бўлиб қо-
лади...

Шуларни хаёлидан кечирар экан, Мақсуд
кафедра эшигини авайлаб ёпди. Сўнг уни ку-
тиб турган студентларга юзланди.

Бўш аудитория йўқлигидан, комсомол ко-
митетига тўпланишди. Студентларнинг кўпчи-
лиги башанг кийинишган, аммо уларнинг ял-
тираб турган чиройли кўзларida маъно йўқ
эди.

Мақсуд кўпчилиги ҳиссиз бўлган бу бола-
ларга қайси бир дарсда Мопассанинг «Жин-
ни аёл» ҳикоясини ўқиб берганини эслади.
Мақсуд талабаларда Мопассан ижоди ҳақи-
да равшанроқ тасаввур уйғотмоқчи эди. Ати-
ги уч бетли бу ҳикояда ниҳоятда қайғули бир
воқеа тасвирланарди.

Француз қишлоқларидан бирида ёлғиз аёл
қари хизматкори билан яшарди.

«Тақдир зарбалари аёлни ақлидан оздир-
ган эди. У ёшлик чоғларида, йигирма беш
яшарлигига тўсатдан бир ойнинг ўзида ҳам
отасидан, ҳам эридан, ҳам чақалоқ фарзан-
дидан ажралди...»

Мопассан лўнда ва содда жумла билан
жуда кўп маънони англатарди.

«Улим бир хонадонга кирдими, ўша ерга
йўл очиб олиб, доим қатнайверади.

- Кулфатдан қадди букилган жувон ётиб
қолди ва олти ҳафтагача ҳушига келмади.
Бемор кун бўйи қимирламай ётар, деярли туз
ҳам тотмас, фақат киприклари очилиб-ёпи-
ларди».

Қаҳратон қиши кунларидан бирида қишлоқ-қа прусслар бостириб киришади. Немис офицери узоқ йиллардан бери ўриидан турмаган бемор аёлни ҳовлига чиқармоқчи бўлади. Тилдан қолган бемор офицерга жавоб беролмайди. Офицер аёлни босқинчилардан нафратлангани учун уларни менсимай, атайлаб гапирмаяпти, деб ўйлаб ғазабланади. Солдатлар қиши чилласида ҳали кийинмаган бемор аёлни тўшаги билан кўтариб, ўрмон томонга олиб кетишади. Француздар аёлнинг қаёққа йўқолганини билишмайди ҳам. Қишида хизматкор кампир ҳам оламдан ўтади. Йиллар ўтиб, кимсасиз ҳовлини ўт босиб кетади. Кейинчалик бир француз — ёзувчининг сухбатдоши ёввойи ўрдакларни отиб юрганида бир ўлжаси жарликка қулаб тушади.

Бу қайгули ҳикояни ўқиб берар экан, Мақсуд овозидаги енгил титроқни яширмасди ҳам. Айниқса ҳикоянинг охирини ўқиётганида томоғига бир нарса тиқилиб, нафас олиши қийинлашди:

«Улжамни топиб олиш учун жарнинг энг тагига тушишга мажбур бўлдим. Қушни аллақандай сүяклар ёнидан топдим. Тўсатдан бирор кўксимга мушт туширгандай, қалқиб кетдим — жинни аёл эсимга тушди.

Тўсатдан ҳамма нарсани, ҳа, ҳамма нарсани тушундим! Прусслар совуқ, кимсасиз ўрмонда бемор аёлни тўшак-пўшаги билан жарга ташлаб юборишган. Аёл қалин ва енгил қор кўрпаси остида, оёқ-қўлини қимирлатмай, шу кўйи жон берган.

Сўнг бўрилар унинг жасадини тилкалаб ташлашган.

Құшлар эса унинг түшаги, увадаларига уя қуриб олишған...»

Мақсуд шу сатрларни ўқир экан, талабалар бирдан хохолаб кулиб юбориши. Муаллим уларга қараб, бир зум гангиб қолди. Тилига ҳеч гап келмади. Аммо унинг кўзларида талабалар кулгисидан ажабланиш, ҳайратланиш, ғазабланиш, нафратланиш маънолари сезилиб турарди. Муаллимнинг кўзларидағи бу маъноларни баъзи йигит-қизлар сезди шекилли, бошларини қуи солишганича, ёзувлар чапта дафтарларига тикилиб қолиши. Бошқаларнинг дарду ҳасратларини буларнинг кўзлари кўрмасди, қулоқлари эшитмасди.

Ушанда талабалар нега хохолаб кулишганини Мақсуд ҳанузгача тушунмаган эди. Бугун имтиҳондаги савол-жавоблардан кейин ўша кулгининг сабабини озми-кўпми англай бошлади.

Санъат институтида ўқиб туриб, буларнинг адабиёт-санъатга тушунмаслиги ва энг ёмони, тушунишни ҳам хоҳламаслиги ғалати ҳодиса эди. Мақсуд талабалар сессия вақтида бир оз тайёрланишгандир, деган ният билан савол берди:

— Октавиан Август асрида қайси шоирлар яшаган?

Талабалар Август кимлигини билишмади. Табийки, унинг асри қайсилиги ҳам улар учун номаълум эди.

-- Агар Август даврида яшаганингизда уни ҳурмат қилмаганингиз учун ҳаммангиз дорга осилар эдингиз. Сизлар кейинги асрларда туғилганингиз учун кўпгина гуноҳларингиз жазосиз қоляпти... Аммо энг катта жазо шуки, сизларни ҳеч ким, ҳеч қачон тани-

майди. Дунёга келганингизни ҳам, кетганингизни ҳам ҳеч ким билмайди. Мен бошқа сайёра одами бўла туриб, Ер одамларининг шонли тарихига доим таъзим қиласан. Сизлар эса ҳатто ўз тарихингизга қизиқмайсиз. Сизларнинг кўзларингиз очиқ бўлса ҳам ҳеч нарсани кўрмайсиз. Чунки сизларнинг қалбларингиз кўр.

Орага жимлик чўкди. Муаллим асабийлаша бошлади. У кейин рўйхат бўйича сўрашга мажбур бўлди.

— Рўзиев, қани сиз жавоб беринг-чи?

Сочлари жингалак, паҳлавон келбатли Рўзиев узоқ иккиланишдан кейин сўз қотди:

— Шекспир яшаган,—сўнг қўшиб қўйди,— бўлса керак...

Муаллимнинг ранги ўчди. Ўзини хотиржам тутишга уриниб сўради:

— Сизлар нечанчи асрда яшаяпсизлар?

— Йигирма бешинчи асрда.

— Йигирма беш асрдан аввал ҳам асрлар бўлганми?

Студент иккиланиб қолди.

Муаллим бошқаларга ўгирилди:

— Ҳаммангизнинг билимингиз шунақами?

Талабалар бепарволик билан баҳо дафтарчаларини муаллим томон чўзишди:

— Ҳай энди, муаллим, шунча сўраганингиз етар, баҳо қўйиб беровуринг. Қейин ўқиволамиз...

Мақсад шу қадар хафа бўлиб кетдикি, студентлар билан хайрлашгиси ҳам келмай, стол устидаги қофозларини йиғиштириди-да, шартта ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетди.

У энди Гулчехрани яна бир кўриб кетишни ҳам унуди. Денгиз тўлқинлари кетма-кет

қирғоққа урилгандай, ич-ичидан ғазаб ва но-
розилик тошиб келарди.

Институтдан узоқлашар экан, катта йўлга
етмасдан, бозорча олдида турган ҳаворанг ав-
томобиль ойнасидан бир одам қўлини чиқа-
риб, уни чақира бошлади. Мақсуд чақирган
одамнинг қулдорларча бетакаллуғлигидан
жаҳли чиқиб, у томонга қизиқиб қаради ва
машина томон яқинлашди. Автомобиль ойна-
сидан похол шляпали бир бош ташқарига
чиқди. Мақсуд институт ўқув бўлиммининг мудири
Ҳосил Азизовни таниди ва унга бепарво
қараб тураверди. Собиқ ректор, ўқув бўлими мудири ёш муаллимнинг югуриб келиб салом-
лашмай, ғалати ҳайвонни кўргандай ажабла-
ниб қараб турганига жаҳли чиқди. Сўнг бо-
сиқлик билан ҳукмрон оҳангда:

— Эртага менга бир учрашинг, — деди
ва ёнидаги шеригига машинани ҳайданг, деб
ишора қилди.

Мақсуд нима гаплигини англамай, бир зум
туриб қолди. Сўнг тушунди: эртага ўқув бў-
лими мудири ҳам студентлардан сўрамай, ба-
ҳо қўйиб беришни талаб қиласди. Қаёқданир
кўнглида пайдо бўлган нафрат туфайли у ўзи-
ни бақувват ҳис қилди ва ўқув мудирининг
эртага айтадиган гапига ҳам қўл силтади.
Дунёга танилган ёш олимга саводсиз бир
амалдорнинг дўқ қилиши кулгили туюлди.

* * *

Институтдаги ғиди-бидилардан асаби бу-
зилиб, чарчаб келган Мақсуд иш кабинетида-
ги мўъжазгина диванга ўзини ташлаб, чуқур

нафас олди. У бир лаҳза кўзини юмиб, йот-ларнинг қоидасига кўра, танасидаги ва кўнглидаги барча оғриқларни чиқариб ташлашга ҳаракат қилди. Аммо бу осон иш эмас эди. Ўчакишгандай, ҳадеб кўз олдига ўқув бўлими мудирининг маъносиз, аммо димоғдор ба-шараси келаверар эди. Ҳосил Азизов санъатшуносликдан тўрт қатор нарса ёзмаган, аммо узоқ йиллардан бери санъат институтига раҳбарлик қилиб келар эди. Ўзининг саводи йўқлиги етмагандай, институтга кўпчилик чала-савод, қуруқ, аммо қўл-оёғи чаққон ўқитувчиларни йиғиб олган эди...

Мақсад қуюқ қора қошларини чимириб, яна ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилди.

Институт ректори, академик Арслон Каримов жуда катта олим, бироқ жуда соддадил... У Ердаги кўргина қадимги цивилизацияларни кашф этган. У тўплаган илмий манбалардан жуда кўп ёшлар кандидатлик ва докторлик диссертациялари ёқлашди. Бироқ институтда унинг шогирдларидан ҳеч ким йўқ ҳисоби. Кўпчилик «олим»лар Ҳосил Азизовнинг одамлари. Тўғрироғи, югурдаклари.

Хўп, студентлар-ку, билимсиз. Ўқитувчиларга нима бўлган? Шляпани қийшиқ қўндириб, катта портфель кўтариб юришса, савлатларидан от ҳуркади. Улар бугун тушликда нима ейиш кераклигини куйиниб, икки соат муҳокама қилишади. Улар учун қўнғироқ ча-линганида дарсга кириш, вақтида танаффусга чиқиш, ҳаммаси бўлиб, неча соат дарс ўтиш—муҳим масала. Аммо улар китоб ўқишни ва талабаларга билим беришни охирги даражали иш деб билишади. Дарвоҷе, билим-

лари бўлса беришади-да. Талабаларнинг нодонлиги, анқовлигидан Мақсуднинг тела сочи тикка бўлиб, ўзини тутолмай қолади. Наҳотки, олий мактаб талабаси ҳозирги икки минг беш юзинчи йилдан аввал, минг, миллион йиллар аввал ҳам Ер юзида одамлар яшаганлигини билмаса?! Ҳатто ўша минг йиллар аввал яшаган одамлар булардан кўра юз бор маданиятлироқ эканлигига Мақсуд ишонарди. Унинг асаблари қақшаб: «Йўқ, бу йигирма бешинчи аср одамларимас, булар — неолит даври одамлари», дегиси келарди.

Мақсуд беихтиёр яна Гулчехрани эслади. У шеърни нақадар яхши кўради. Нега ўзи шеър ёзмас экан? Ахир у одамнинг кўнглидаги нозик сирларни ҳам сезгирилик билан уқиб олади. У Мақсуднинг ҳам дилидаги раляённи сезади, аммо индамайди. Нега шундай экан-а?

Мақсуд билагидаги ойнаси дарз кетган соатига қаради. Еттидан қирқ минут ўтибди. Емакхонага ўтиб, телевизор мурватини буради ва унинг пастидаги видеомагнитофонни ҳам улаб қўйди. Экран тиниқлашиб, чуқурлаша бошлади. У ерда Шотнекдаги гражданлар космодромидан репортаж кўрсатилаётган экан.

Экранда «Искандар Зулқарнайн туманлигидан келган фалсафа доктори жаноб Шао — шаҳримизнинг азиз меҳмони» деган титр пайдо бўлди. Сўнг мўъжазгина юлдузкезар кемадан бўйи уч метр келадиган, зар чопон кийиб, яшил салла ўраган, юз-кўзлари чақнаб турган бир қария тушди. У ўнг қўлини баланд кўтариб, бошини хиёл эгди ва дона-дона қилиб, «Шотнек шаҳри аҳолисига тинчлик-

омонлик тилайман!»— деб саломлашди. У ўзбекчани йўлда янги ўргаңган бўлса керак, лаҳжаси ўзгача эди.

Кема трапидан тушаётган меҳмонни зирҳлари ялтираб турган икки робот кузатиб борарди.

Кесилган соchlари сув парилариникидай ёйилиб елкасига тушган гўзал диктор қиз азиз меҳмоннинг қисқача таржимаи ҳолини, бизнинг сайёрамизга биринчи марта келаётганини ва келишдан мақсадини гапиравди:

— Искандар Зулқарнайн туманлигининг Зет юлдузидан келган фалсафа доктори жаноб Ша-о турли юлдузлар ва сайёralардаги одамларнинг руҳий дунёсига қараб, уларнинг қайси асрга мансублигини аниқловчи юксак даражадаги психоробот файласуф — ПРФ-ларни кашф этган. Бу сафарида ҳам олимга ана шундай қимматли асарларидан бири — ПРФ-102 ҳамроҳ бўлиб келган. Шунингдек, меҳмон ёнида унинг оддий юмушларини баҳарувчи компьютер-роботи ҳам бор. Жаноб ҳамроҳлари билан эртага эрталаб, Ўзбекистон фанлар академиясининг Президиумида, тушдан сўнг академиянинг Зирабулоқ шаҳар филиалида ҳамда Санъат институтида меҳмон бўлади...

Мақсад диктор қизнинг «Санъат институтида» деган сўзларини қайтариб эшитиш учун видеомагнитофоннинг дастасини буради:

«...Зирабулоқ шаҳар филиалида ҳамда Санъат институтида меҳмон бўлади...»

Мақсаднинг бутун вужудини аллақандай ҳаяжон қамраб олди. У эртанги кунни орзиқиб кута бошлади. Ахир Зулқарнайн сайёра-

сида унинг боболари яшаган, балки ҳозир ҳам яшаётгандир. Чунки у ерда йиллар Ердагидай кечмайди. Мен нима қылсам экан? Үлар билан қайтиб кетсамми ёки... Аҳмоқчиликларга тўла, гўзал одамлари ҳам бўлган шу маскана қолиб, буларнинг қалб кўзларини очишга уриниб кўрсаммикин? Ахир буларнинг аждодлари ҳам бир замонлар буюк одамлар эдику...

* * *

Эрталаб Мақсуд институт вестибуолида яна Гулчехрани учратди. Унинг ҳаяжони устига яна ҳаяжон қўшилди. Ҳеч сабабсиз кўнгли ёришиб кетди. Аммо Гулчехранинг тиниқ, мовий кўзларидан нигоҳини тез олиб қочди, ҳаяжонини билдиришдан уяларди.

— Сизни Арслон Каримович йўқлаяптилар,— деди Гулчехра ва сирли табассум билан узоқлашди.

Арслон Каримов билан суҳбатлашган одамнинг дили равшан тортади. Чунки, у суҳбатдошига шунаقا самимий ва чексиз ҳурмат кўрсатадики, ҳатто: «Мен бундай ҳурматга муносиб бўлмасам керак», деб ўйлаб уялиб кетади киши. Тўладан келган, ақлли кўзлари қувончдан порлаб турган Арслон Каримов одатига кўра кафтларини бир-бирига ишқалаб, ўрнидан турди ва Мақсудга илтифот билан жилмайиб жой кўрсатди. «Нега бу одамнинг кўзлари ҳамиша қувончдан порлаб тураркин?»— беихтиёр ўйлади Мақсуд ва бу саволига ўзи жавоб топди. «Бу киши ҳамиша ҳаммага яхшилик қилиб юради, қилган ишидан эса ўзи ёш боладай қувонади...»

— Мақсужон, сизга кичик бир топшириқ

бор,— деди ректор яна кафтларини бир-бигрига ишқалаб. У иш буюраётганига хижолат бўлгандай бир оҳангда гапиарди.—Хабарингиз бўлса керак, институтимизга азиз меҳмонлар келяпти. Учрашув соат учда бошланади. Шунга ўқитувчилар учрашув программасини тузишаётган экан. Мажлисни ким очади, ҳайъатда неча киши ва кимлар ўтиради, шуларга мендан маслаҳат сўрашяпти. Ўзингиз биласиз, бунақа ишларга менинг эпим йўқроқ. Шунга сиз ҳам аралашиб, ёрдамлашсангиз.

Бунақа расмиятчиликка ректорнинг эпи йўқ бўлса, Мақсуд умуман уни кераксиз деб биларди. Чунки, бу тадбирларнинг ҳаммаси меҳмоннинг ҳурмати учун эмас, балки ўқитувчиларнинг ким президиумда ўтиради, деб ҳурмат талашганларидан эди.

— Кечирасиз, домла. Малол олмасангиз, менда бир фикр бор...

Ректор, айтинг, деб ишора қилди.

— Ҳайъатда фақат азиз меҳмонлар ўтиришса. Ортиқча дабдаба асосий ишдан чалғитади. Сўзга чиқишида ҳам аввалдан нотиқлар тайёрламасак. Ҳар ким қизиқкан саволини берса.

Ректор Мақсаддинг фикрини маъқуллаётгани сезилиб турарди.

У хохолаб кулиб юборди.

— Бопладингиз аммо,— деди у кафтларини ишқалаб.— Майли, шундай қиласиз...

* * *

Барибир Ҳосил Азизов зални турли транспарантлар, плакатлар, портретлар билан бе заб улгурган эди. Ректор буни кўриб кулиб

қўя қолди. У ҳеч кимга озор беришни истамасди.

Доктор Ша-о роботлари билан кириб келганида залнинг олдинги қаторида ўтирган ректор ўрнидан турди. Қолганлар ҳам оёққа туришди.

Жаноб Ша-о институт олимлари, педагоглари ва талабаларига олис юлдуз аҳолисининг саломларини етказди. Буни ёрдамчи робот тезлик билан ўзбек тилига таржима қилиб бериб турди. Сўнг олим асрлар девори ҳақидаги гипотезасини баён қила бошлади:

— Бизда вақт ўлчовлари бошқача. Соатлар, кунлар, ойлар, йилларнинг кетма-кет ўтиши тараққиётни кўрсатмайди. Бизда йиллар ва асрлар сон, рақам билан аталмайди, балки қилинган яхши ишлар билан ўлчанади. Масалан, ўтган йилни биз Жасорат йили, деб атадик. Чунки олимларимиз узоқдан келаётган, сайёрамизга хавф солган гигант кометанинг йўлини буриб юборишиди.

Жаноб Ша-о фикрларини жуда тиниқ ва ошкора ифодаларди:

— Бу йил эса бизда Турғунлик йили бўлди. Ҳеч нарсага эришмадик. Ҳа, биз ўз камчиликларимизни яширмаймиз. Чунки яшириш зарар келтиради. Сизларда йиллар ҳисоби оддий арифметик рақамлар билан ифодаланар экан, бу бизни ажаблантирди.

Ёрдамчи робот таржимани тугатгач, жаноб Ша-о фикрини давом эттириди:

— Сизлар бундай одатларга кўникиб кетгансизлар. Баъзи одатларингиз бошқа сайёralардан ёки шу сайёранинг бошқа асиридан келиб қолган одамлар учун жуда ғалати· файриинсоний кўринади. Бундан уч аср аввал Ерга

келиб, учолмай қолиб кетган ватандошлари-
мизнинг фарзандлари орангизда яшаяпти.
Улар истасалар, биз билан кетишлари мумкин.

Шундай деб, жаноб Ша-о Мақсуд ўтирган
жойга қаради. Бошқалар ҳам Мақсудга қа-
рашди.

Мақсуд нима дейишини билмай, бир оз са-
росимага тушди. У ўзини меҳмонларга яхши-
роқ танитиб, аждодлари яшаган сайёрага
қайтиб кетиш имкониятини ўйлади. Ўзлари
оқкўнгил, аммо ҳали қалб кўзлари очилма-
ган талабаларни, асрлар девори туфайли бир-
бирини тушунмаётган одамларни, касбдоши
Гулчеҳрани, унинг кашф этилмаган сирли та-
бассумини ўйлади.

Буларни ташлаб кетгиси келмади.

У Ерда қолишга қарор қилди.

МАНГУ КҮЙ ИЗЛАБ...

Муҳаббат дардидан бемор қалблармиз
Ўгай бўлсак не тонг соғлар орасида.

Абдулла Орипов

Баҳор шабадаси фир-фир эсар, Ҳирот қасрларининг дарчаларини очиб-ёпарди.

Ҳодиса кўшк айвонида кенойиси билан чой ичиб ўтиради. У ўзи билан тенгдош, ўн саккиз ёшли, нозик-ниҳол кенойисига тонгга яқин кўрган тушини шивирлаб гапириб берётганди. Ҳодиса тушида бошқа олис, кела-жак асрдан келган бир хушсурат йигит билан сайд қилиб юрган әмиш. Қизнинг туши ғала-тилигидан, шўх кенойиси Санобар бегим қиқирлаб кулар, аммо қизни хафа қилиб қўймаслик учун ўзини тийишга ҳаракат қиласлар эди.

Кўшк айвонидан гузар томондаги мадраса қурилиши шундоққина кўриниб турар, машҳур уста Нажмиддин Бухорий қўл остида ишлаётганларнинг аксарияти толиб-ул илмлар эдилар.

Ҳодисанинг кенойиси — ҳусну малоҳатда етти иқлимга овозаси кетган Санобар бегим ишқий қиссалар ва шеърий баёзларни кўп ўқиган, кўп нарсаларни билар, шунинг учун ҳам мадраса томондан келаётган қўшиқ сўзлари худди ўзига аталгандай, шўх кўзлари порлаб, гулгун юzlари ял-ял ёниб ўтиради:

Үн сакиз минг олам ошуби агар бошиндадур,
Не ажаб, чун сарвиноз үн сакиз ёшиндадур.

Деса бўлғайким, яна ҳам үн сакиз йил ҳусни бор,
Үн сакиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур...

Ҳодиса ҳам бу қўшиқ ўзи ҳақида айтила-
ётгандай, вужуди ёнар, аммо буни билдири-
масликка уринар ҳам кўнглида неча олам-
нинг лаззатли ғалваси бор эди. У хонтахта
устидаги совиб қолган новвотли чойдан бир
ҳўпламоқчи бўлиб, оғзига олиб борди, аммо
нечундир ҳўплагиси келмади. Бир ҳўплам нов-
вот чой Ҳодисанинг ғунча лабларидағи нов-
вотдан бебаҳра қолиб, норозилик билан чай-
қалди. Эгнидаги қизил баҳмал кўйлак ва бо-
шидаги ҳаворанг дурра, тиниқ қора кўзлари-
нинг рангига жуда ярашарди. Гоҳо бу кўз-
ларда тиниқлик йўқолиб хуморлик балқир,
ана шунда Ҳодисанинг кўзлари хаёлга айла-
ниб, каптардай қанот қоқиб, очиқ деразадан
ҳаволаниб кетар эди. Ана, қиз хаёлан қанот-
ланиб, учиб бориб, бир чақирим наридаги
боғларига бориб қолди, бор ўртасидан ўтган
анҳор суви мавжларини оппоқ кафтлари би-
лан майин сийпади, сўнг тол новдаларидан
тўқилган, чайқалиб тургувчи кўприкдан аста
ўтиб, дўнгликдаги боғбон чол яшайдиган,
ҳар баҳор томида лолақиззардоқлар ял-ял
ёнадиган ҳужрага яқинлашди.

Оппоқ соқоллари кўксига тушган боғбон
чол доимо кулиб туради, у ҳеч кимдан ёрда-
мини аямайди, фақат яхшилик учун дунёга
келган, дейишади уни. Чолнинг неча ёшга
кирганини ҳеч ким билмайди, баъзилар юзда,
баъзилар беш юзда, дейишади. Яна баъзила-

ри эса, у келажакда ҳам яшайди, шунинг учун ҳали ҳеч ким билмаган, ёлғиз тангрига аён нарсаларни ҳам билади, дейишади. Бир куни Ҳодиса боғбоннинг ҳамма шодиёна қий-қириқлар билан ишлаётган мадраса томонга ғоят маъюс боқаётганини кўриб қолди. Жуда қизиққан нарсаларини сўраш беодоблик бўлмаслигини билган қиз боғбонга юзланди:

— Отахон, бу мадрасани Мир Алишер ҳазратлари не умидлар билан қурдирмоқда бўлса-ю сиз нечун хафаҳол қарайдурсиз?

Боғбон чол қандайдир сири ошкор бўлиб қолишидан чўчигандай, сезилар-сезилмас сесканди, аммо қисқа ва сирли қилиб жавоб берди:

— Эҳ, қизалофум, оламда ҳар нарса ўз даврида азиз...

Ўшанда Ҳодиса бундан ошиғини сўрашга ботинмади.

Мана, ҳозир у чайқалган пиёлани ва кенойисини ёлғиз қолдириб, хаёли ортидан эргашди. Оҳудай чопқиллаб, боқقا кирди. Анҳор қирғоғидаги яшил япалоқ тошга оёқ қўйиб, оппоқ қафтлари билан сув мавжларини сийпалади. У ҳар келганида албатта шундай қилмаса, анҳор хафа бўладигандай кўринарди. Сўнг тол новдаларидан тўқилган, чайқалиб турувчи кўприкдан аста ўтиб, дўнгликдаги, ўша боғбон чол яшайдиган, ҳар баҳор томида лолақизғалдоқлар ял-ял ёнадиган ҳужрага яқинлашди. Ҳужра олдидаги супачада, шундоққина тоза бўйра устида боғбон чол офтобдан баҳра олиб ўтиради. Ҳодиса дуррасининг учини тишлаганча боғбонга енгил таъзим қилиб, ҳужра ортидаги шафтолизор томонга ўтди. Қалин ўсган шафтоли новда-

ларининг нимяшил, нимқизил баргларининг аччиқроқ ҳиди ширага тўлган, сип-силлиқ, қорамтири, қизғиши алёр шафтолиларнинг ширин бўйи билан аралашиб, димоғни қитиқлар, ўткир анқиган бу ширали ҳидлар қиз танимайдиган қандайдир қушнинг сайроғига қўшилиб, хаёлини олис-олисларга олиб кетар эди. Қушча атайлаб, айни балоғатга етган, бўлиқ кўкси безовталик билан кўтарилиб тушаётган қизнинг ғашини келтириб ўйнашмоқчидаи: «Куёв, куёв, кимга куёв!»— деб шўх сайрар эди. Қиз дарахтларга аланглаб қараётганида эса қуш сайрашдан тўхтар эди. Қиз атрофига аланглаб бир қараб олди-да, худди болалигидаги каби, кўкатлар устига шартта узала тушиб, остида қум-тошлари кўриниб турган муздай сувдан симира бошлади. Қушлағ учиб кетдими, бир неча шафтоли тапиллаб ерга тушганида қиз чўчиб ўрнидан турди.

Нарироқда лабларида ялпиз гуркираб ўсган яна бир ариқ бўлиб, икки чети анжирзор эди. Ялпайиб, тарвақайлаб ўсган анжир шохлари орасида гоҳ кўкиш, гоҳ сап-сариқ мевалари кўринар, булар ҳам атрофига шарбатли ис таратар эди. Ҳодиса болалигига анжирнинг ичидаги қурти кўп, деб қўрқар эди. Кейин билса, анжирнинг ичидаги қурт эмас, шарбат кони экан. У анжирлардан бирини узиб, кафти билан майин шапатилаб, ғунчадай оғзига олиб борди. Кичик анжирни ҳам уч-тўрт марта тишлаган қизни агар бирор йигит кўрганида кўнглида қўзғолон кўтарилиши турган гап эди.

Боғ қанчалик чиройли, салқин, ҳузурбахш бўлса ҳам ёлғиз одамни тез зериктирад экан.

Ҳодиса кечаги тушини эслади. Тушида кўркам ва доно бир йигит билан болаликдан бирга ўсгандаи, қувлашиб, бекинмачоқ ўйнаб юришган эмиш. Қиз энди қувиб етай деганда, йигит сояга айланиб, тумандай тарқаб кетар эмиш. Ё худойим, бу нимаси? Қизнинг кўнглини чексиз ваҳима ўрай бошлади. Қўрққанидан оёқларида жон қолмади. Шу пайт боғбон чолнинг устма-уст йўталиши жонига ора кирди. У елкасида сочиқ, қўлида чойнак-пиёла, қанд-қурс қўйилган патнис билан келиб қолди. Боғбон бобо Ҳодисани болаликдан меҳр қўйиб тарбият қилас, унга сирдош бўлиб қолган эди. Қиз, ҳозир бобомга тушимни айтами, йўқми, деб тараддулданиб қолди.

— Зерикмадингми, она қизим? — майин сўради чол. Қиз буни «қўрқмадингми» деган маънода англади ва чолга миннатдор боқди.

— Келинг, бобо, ўтирамиз, — деди ўзини ўнглаб олган қиз, чолни боғдаги супага таклиф қилиб.

— Ўрик ўтинида қайнаган қумғонни чойи бошқача бўлади, — дея чол қўлидагиларни ялтироқ бўйра устига қўйди. Ўзи гўзал бекасига ҳурмат сақлаб, супа четига чўнқайди.

— Бобожон, — деди меҳри товланиб қиз, — бир нарсани сўрасам майлими?

Аммо чол жавоб бергунча сўраш ниятидан қайтди. «Қайси юзим билан айтаман? — ўйларди у. — Нотаниш йигит билан қўл ушлашиб, қувлашиб юрганимни қайси тил билан айтаман, йўқ, сира айтмайман...»

Боғбон қизнинг кўнглида нималар кечаётганини аниқ сезиб туар, аммо қизга қандай тушунтиришга у ҳам тараддулданар эди. Охири, ростини айтишга қарор қилди.

Чол гапни жуда узоқдан бошлади.

— Ота-боболарим менга олтин-кумуш, жавоҳир ёки бошқа бирор арзирли мерос қолдиришмаган. Бундай бойликлар ака-укаларимга насиб этган экан. Менга эса бир сандиқ мушкул хазина — қадимий китоблар мерос қолган. Мушкул деганимнинг сабаби шуки, у китобларни ўқиш, тушуниб, мағзини чақиш учун бутун умрим кетди. Китоблар орасида айниқса биттаси мени жинни қилиб қўяёзди. — Бон-бон чол бир зум сукутга толиб, сўнг давом этди. — Бу китобни ўқиб, тушунган одам ўткінчи, фоний дунё ишларидан қўл ювиб, абадий руҳлар билан гаплашиш қудратига эга бўлар экан. Тангри таоло мени ўз паноҳида асрраб, шундай мўъжиза кўрсатдики, у сирли китобни ўқиб, ҳам соғ-саломат қолдим, ҳам руҳларни чақириб, гаплашиш қудратига эга бўлдим. Мен илгари яшаб ўтган одамларнинг руҳларини ҳам, келажакда яшайдиган одамларнинг руҳларини ҳам чақириб, гаплашиб кўрдим. Улар билан мулоқот қилиш ҳам лаззатли, ҳам даҳшатлидир. Анави, қуббалари қуёш шафағида товланиб турган янги мадрасани қуриш учун не-не усталарнинг ақлу зековати, даҳоси ишга солиняпти. Бу мадрасада минглаб истеъододли эл фарзандлари таҳсил кўришади. Муҳташам биносининг ўзи гўзаллиги билан одамларни ҳайратга солади. Мана шу иморатнинг улуғворлиги олдида одамлар ўзларини кичик зарра деб ҳис этишади, камтар бўлиб, кибру ҳаводан, бир-бirlарига зулм қилишдан ўзларини тийишади. Чунки бу иморатлар, бу нақшлар одамларнинг неча-неча авлодларини кўради. Аммо бу ёдгорликларнинг абадий туриши келажакдаги

авлодларга ҳам боғлиқ. Улар ота-боболари яратган илм ва санъат кошоналарининг қадрига ета оладими ёки бошқа сайёрадан келгандай, кошоналарга бегона кўз билан қарашадими? Шу муаммони аниқлаш учун мен йигирма бешинчи асрда яшайдиган одамларнинг руҳларини чақиришга уриниб кўрдим. Аммо уларнинг кўпчилиги руҳларга ишонмас эканлар. Умуман, дунёда кўп нарсаларга ишонмас эканлар. Улар қўллари билан ушлаб кўрадиган нарсаларгагина ишонар эканлар. Шунинг учун кўплари бу ергача етиб келомадилар. Фавқулодда руҳан бой, ҳаёлга бой одамларгина чақириғимга мashaққатлар билан етиб келдилар. Улар, руҳининг қудратига қараб, кўзга хиравоқ ёки равшанроқ қўрина дилар. Худди шу Ҳиротимизда минг йил кейин яшайдиган бир олим ва шоир йигит худди бизнинг замондошимиздай, жону вужуди билан етиб келди. Балки.. Озод исмли ўша йигит... сенгаям кўрингандир...

Ҳодисанинг ёноқларига билинار-билинмас қизиллик югорди. Чол қизнинг ҳаяжон ва саросимага тушганлигини сезди. Ким билади, балки келажакдаги ватандоши боғбоннинг неварасининг невараси, хуллас, олис уруғларидан бири бўлиб чиқар... Ҳар ҳолда олис келажак одамининг қалбида нималар борлигини энди отадан кўра мана бу ҳумор кўз қизгина яхши билади. У келажакдаги йигитни севиб қолса нима бўлади? Уларнинг руҳлари бирбирига яқин бўлишига асрлар ҳам халал беролмаса керак...

Ҳодиса отанинг гапларидан шуни тушундикни, келажакдаги руҳий қудратли одамлар учун ўтмишдаги гўзал одамларнинг руҳлари-

ни чақириш қийин эмас. Чунки ўтмишдаги ва ҳозирги азиз одамларнинг руҳлари улар яратган маърифат кошоналарида, Навоий ғазалларида, Беҳзод тасвирларида сақланиб, узоқ асрларга йўл олади...

* * *

Ойдаги санаторийдан эрталабки рейс билан қайтаётган космобусда йўловчилар кўп эди. Электрон совитгичлар яхши ишлашига қарамай, космобусда ҳаво қизиб кетган, йўловчилар бетоқатлик билан Ерга, Ҳиротга яқинлашдикми, дея иллюминатордан кўзларини узишмас эдилар. Космобуснинг дум тарафида ўтирган, чўзинчоқ юзига, қоп-қора қош-кўзига унчалик ярашмаган катта кўзойнак тақиб олган ёш профессор Озод иссиқдан беҳузур бўлиб, юрагини чанглаб қолди. Йигит жуда ҳолсизланганди. Назарида ҳозир йўловчилар унга ачиниб, бири газета билан елпий бошлагандай, бири космобус буфетидан муздай сув келтириб, тутадигандай эди.

Аммо бундай бўлмади. Озоднинг ранги оқариб, дўнг пешонасидан маржон-маржон тер чиқиб кетганига ҳеч ким эътибор бермади. Ҳатто олдидаги ўриндиқда ўтирган, Санъат кибернетикаси институтида у билан бирга ишлайдиган, эркакча ихчам костюм кийган ёш лаборант қиз Адель ҳам қайрилиб қарамади. Ўтган, 2472 йилги бир журналнинг охирги бетидаги ребусни ечиш билан банд эди у.

Профессор Озодга космобуснинг қизиган ҳавосидан кўра одамларнинг совуқлиги ёмонроқ таъсир қилди. Йигит иродасини йиғиб, йўловчиларга разм солди. Уларнинг ёши, жус-

саси, афти башараси ҳар хиллигини назарга олинмаса, ўзларини тутиши бир хил эди. Қора, кўқ, жигарранг кўзларида ҳам бир хил маъно, тўғриси, маъносизлик қотиб қолганди.

— Дарвоқе, булардан хафа бўлиш ўринисиз-ку, — қийналиб кулимсиради йигит ўзича гудурлаб.— Улар ҳиссиётдан маҳрум эканлигини унугиб қўйибман. Ойга ҳам боғда, кўлларда сайд қилиш учун эмас, запас қисмлар олиб келиш учун боришган...

Космобус деворидаги катта соатнинг қизил чироғи ўн марта ёниб-үчди. Санъат кибернетикаси институтида иш вақти бошланди, хаёлидан ўтказди Озод. Профессор институтга янги келган кунларини кўз олдига келтирди. У Миррихдаги Санъат академиясида ўқиётган пайтидаёқ докторлик диссертациясини ҳимоя қилган эди, у «Ўрта аср Ер олимларининг коинот музика маданиятига қўшган ҳиссаси», деган мавзуда илмий иш ёзган эди. Бу ишни ёзиш вақтида Форобий, Ибн Сино, Султон Аҳмад Шодий, Дарвеш Али Чангий ва бошқа музика назариётчилари меросини роса синчилаб ўрганган. Миррихдан қайтиб келгач Ҳиротда Санъат кибернетикаси институтида космик музикани тадқиқ этиш лабораториясига бош бўлди.

Институтда Озод кўп дўстлар орттиrolмади. Мураккаб электрон машиналарни бошқариш билан овора бўлган илмий ходимларга сезги аъзолари ҳалақит беради, дейишиб, уларни турли кечинмалардан халос этиш чорасини кўрган эдилар. Шунга қарамай, Озод институтда баъзи ходимлар билан дўстлашишга уриниб кўрди. Айниқса унга Зоҳир де-

ган бир йигит маъқул кўринди. Озод пастроқ бўйли қирғийбурун бу миқти йигитнинг тўғри сўзлигини ёқтиарди.

Космобусда ҳаво баттар исиди. Аммо Озод бунга энди анча ўрганиб қолган, рангпар юзиға сал-пал қизиллик юргурган эди. У қўлидаги учбурчак оқ конвертга қараб, яна Зоҳирни эслади. Хат Зоҳирга аталган, уни Ойдаги санаторийда даволанаётган Зуҳра бериб юборган эди. Зуҳра болалигидан Зоҳирга қўшни ўсган, камбағал бир одамнинг қизи эди. Отаси космобус аварияси пайтида ўлиб кетгандан кейин Зуҳра руҳий касалликка учради. Уни даволаш учун ҳеч бир қариндоши жон куйдирмади. Озод қизни санаторийга жойлаштирди. Қизнинг аҳволи ҳадеганда яхшиланмади. Отасига куйинишидан ташқари, бошқа дарди ҳам борлигини Озод яқинда сезди. У Ойда Зоҳирдан узоқда юрганилиги учун чўпдай озиб кетибди, оппоқ сояга, шарпага ўхшаб қолибди, юzlари оқарганидан қош-кўзлари баттар гўзаллашган, лекин жуда ғамгин эди. Шуни эслар экан, Озоднинг кўнгли бузилиб кетди, у қизнинг хатини тезроқ әгасига етказишга ошиқарди. Шуниси яхшики, Зоҳир ўзининг мардлигини ҳам, қўрқоқлигини ҳам яширмайди. Кўнглидагини айтиб қўяқолади. Лекин Зуҳрани яхши кўрмаса, тўғрисини айтмагани маъқул. Бечора қизнинг ҳоли не кечади? Йўқ, Зоҳир алдашни ёқтирмайди. У ўтган йилги бир воқеани эслади...

Бир куни институт директорининг қабулхонасидаги оқ, жингалак сочли инглиз котиба қиз лабораторияга ҳовлиқиб янги буйруқ кўтариб кирди.

— Эртага дам олиш куни, лекин ҳаммангиз ишлайсиз, — қатъий эълон қилди у.

Столга ёпишиб ўтирган ходимлар чурқ этиб оғиз очишмади. Фақат Зоҳир шартта гапирди:

— Бу нотўғри буйруқ, ғайриқонуний.

— Майли, фикрингизни директорга етказиб қўяман, — дея котиба қиз ясама бепарвонлик билан чиқиб кетди.

Озод индамади. Эртасига ишга келмай, Ойга кетди. Лекин кейин билса, Зоҳир дам олиш куни ишга келибди. Нега нотўғри қонунга бўйсундинг, деб сўраса, Зоҳир яна яширмай жавоб берди:

— Келмасам ишдан айриламан. Биласанку, сенга ўхшаб ҳам шоир, ҳам бастакор, ҳам физик эмасман. Математикадан бошқа ихтиносим йўқ-да.

Профессор шуни эслар экан, одам имкониятига қараб тўғри сўз бўлиши керак экан, деб ўйлади. Қосмобуснинг яшил чироғи ёниб, Ҳирот чеккасидаги Деҳиканор бекатига қўнди.

Ишга кечикса раҳбарлардан жазо олишини билган Озод шошгани учун, машинага ўтирмади. Чунки қатнов кўплигидан пиёда одам манзилга тезроқ етарди.

У Ҳиротнинг гавжум кўчаларидан шошибелиб борар, велосипедда ишга ошиқаётган комбинезонли одамлар гоҳо унга: «Четроқдан юрсанг-чи, каллаварам», дегандай ўқрайиб қараб қўяр эдилар. Жоме мачити харобалири олдида янги велосипед минган ўсмирнинг орқасидан бир гала қизчувиллашиб қувлашар, «Мингаштириб кетсанг, бир бўса бера-миз», деб қийқириб кулишар эди. Озод шим

кийган бу қизларнинг гапидан ижирғаниб тескари қаради.

Үн беш-үн олтинчи асрларда қурилган Ыхлосия, Шифоия, Низомия мадрасалари, турли хонақоҳ, мақбара, шифохоналарнинг вайроналарида бузилган машиналарнинг темир-терсаклари уйилиб ётар, суви қуриган Инжил анҳори кўприклари остида жойлашган бензоколонка, устахона, баққоллик дўконларида ғала-ғовур авжига чиққан. «Боғи Жаҳоноро» майдонида беш юз-олти юз йиллик чинорларнинг барглари кимёвий ўғитлар заводи, полиэтилен, пластмасса заводларининг мўриларидан чиқаётган сариқ, қизил, қора тутундан қовжираб, қуриб қолган.

Озод шошиб юрганидан юраги зўриқиб, тез урар, тинка-мадори қуриб борар эди. У ҳансираф қолмаслик учун бир зум қадамини сениллатар, кейин яна одатича, оёқлари ўз-ўзидан шошиб кетар эди.

Профессор кутганидай, институтда унинг келишини пойлаб иш бошламай ўтирган Зоҳирни учратди. У бекорчиликдан, қалин иш дафтарларининг чангини қоқиб, қандайдир рақамларни изларди. Озод кирганида у бошини кўтариб, одатдагидай ҳиссиз саломлашди. Озоддан олдинроқ етиб келган Адель ҳам дафтар титкиларди.

Озод одатича, «Кайфиятлар қалай», деб аҳвол сўрар экан, портфелини очиб, ундан оқ конвертни олди. Зоҳир дафтардан узилгиси келмагандай ҳамон профессорга қарамасди. У эса бегона одам — Адель олдида хатни қандай изоҳлашни билмай, бир зум ўнғайсизланди.

Зоҳир хатни очишга шошмади, қўлига

олиб, ўрнидан турди ва хомузга тортиб керишди. Сўнг хотиржамлик билан конвертни йиртиб, тўртга бўлди. Хатни ахлат саватининг ўртасига туширишга уриниб, анча вақт мўлжаллади ва ўртасига туширди.

Озоднинг юзидағи ғазаб ифодасини кўрган Адель ёш болага гапираётгандай тушунтиради:

— Билмайсизми, профессор, Зоҳир aka Раънёга уйланяпти. Яқинда... Бирга туришади.

Раъно институт директорининг катта қизи эди.

— Яқинда тўй демоқчимисиз? — сўради Озод.

— Тўй нима? — ажабланиб Зоҳирга юз бурди Адель.

— Мактабда тарих ўқимаганмисиз? — изоҳ берди Зоҳир. Утган асрларда одамлар уйла нишдан, оила қуришдан хурсанд бўлиб, тўйтмоша қилишган. Тўй дегани — байрамга ўхашаш бир тантана акти бўлган. Машхур со зандаю хонандалар қатнашган. Халқа зиёфат берилган. Куй, шароб, зиёфатга кетган вақт ҳисобига минглаб машиналарга запас қисм тайёрлаш мумкин эди... Яна батафсилоқ маълумот керак бўлса, «Архаик сўзлар луғати»га мурожаат қилинг...

Профессор жаҳлдан аранг ўзини тутиб турарди. Балки бошқа вақт бўлганда унинг ҳаёсизлиги учун лунжига туширармиди. Зуҳранинг заъфарон чеҳрасини кўз олдига келтириб, хатни ахлат саватидан олди ва портфелига солиб қўйди. У иш жойига ўтирас экан, Зоҳирга қаради.

— Зуҳра жуда яхши қиз, — самимий ҳа-

вас билан гапирди у. — Аслида, «чиройли ва меҳрибон», демоқчи эди. Зоҳир тушунди, яна рост гапиришдан уялмади:

— Раъно бўлди нима-ю, Зуҳра бўлди нима? — гапни ҳазилга бурди у. — Буларнинг бари бир... гўр... — Мардон қўполроқ сўз айтмоқчи эди-ю, эркак либосидаги Аделнинг эркак эмаслиги эсига тушиб қолди. — Тўғри, Зуҳра чиройлироқ, ҳатто жуда чиройли. Лекин ҳуснига ош қўйиб ичаманми? Беш-ўн йилдан кейин энг гўзал қиз ҳам хунуклашиб кетади. Раъно эса... Яширишнинг ҳожати йўқ, отасининг бир эмас, тўртта шахсий космик кемаси бор. Ким билади, бу Ер қачонгача тинч туришини? Эртага ҳаммаёқ куйиб, кул бўлсаям, биз Раъно билан бу жойдан узоқда бўламиз. Зуҳра эса ақли ва ҳусни билан мени асраб қололмайди. Мен келгуси турмушимни аллақачон уч-тўрт вариантда программалаштириб кўрганман, мақсадга энг мувофиғи — Раънога уйланиш...

Зоҳир ҳар қанча ҳазиломуз гапирса-да, аслида жиддий эди. У, суҳбатимиз бефойда дегандай, электрон машинага программа тайёрлаш учун маълумотларни қидира бошлади. Лекин жавобидан ўзи қониқмади шекилини, яна Озодга қаради:

— Ахир тушунсанг-чи, дўстим, мен Зуҳрани ҳеч қачон яхши кўрмаганман. Тўғри, бир вақтлар унга «севаман», деганман. Лекин ўзинг биласан-ку, иши битгунча ҳамма шундай дейди...

— Ҳамма эмас, — оҳиста, лекин ғазаб билан гапни бўлди Озод. — Сенга ўхшаганларнинг касри уриб, қизлар яхши йигитларга ҳам ишонмай қўйишган...

— Рост,—бидирлаб гапга қўшилди Адель.—
Менгаям ҳамма йигитлар «севаман», дейди.
Лекин мен кимга ишонишни билмайман...

Озод қизлар бир-бирининг тарафини олар,
деган умидда Аделга қараб гапирди:

— Бечора Зуҳранинг рангини сиз ҳам кўр-
дингиз-ку, Зоҳирга айтинг, у бирров Ойга бо-
риб келсин...

— Бояги, гавдаси қирқ беш градусли бур-
чак билан оғиб турган қизми?— масхаралаб
сўради Адель.— Жуда ожиз организм...

Булар билан ортиқча гаплашиш беҳуда
эканлигини тушунган профессор юрагида но-
хуш оғриқ сезиб, ўз хонасига кириб кетди.
Сал ўтмай қайтиб чиқди. Столга қапишиб
ўтирган Зоҳир олдидаги тор йўлакда у ёқдан-
бу ёққа юрди. Яна индамай чиқиб кетди.

Зоҳир билан Адель унинг орқасидан қараб,
кулимсираб қолишиди.

— Профессорга неча марта айтаман, юра-
гинизни алмаштириб олинг, деб,— меҳрибон-
лик қилгандай гапирди Адель.— Ҳатто таниш
орқали шундай пухта темир юрак топиб бе-
рардимки, ана ундан кейин ҳеч кимнинг иши-
га аралашмасди...

Зоҳир ҳам ачиниб бош чайқади:

— Ҳа, у кейинги пайтларда фалатироқ бў-
либ қолди...

* * *

Асаблари қақшаган профессор Ozod шу
куни ишлаёлмади. Лаборатория ҳавоси дим-
лик қилиб, юрагини қиса бошлиди. У тенгқур
иккита шогирди — ассистентларга фазовий
акустика қонуниятларидан бирини тушунтир-

ди-да, навбатдаги ишларни тайинлаб, ўзи кўчага чиқди.

Ёмон кайфиятдан қутулиш учунми, суви қуриб қолган Йижил анҳори кўпригидаги қаҳвахонага йўл олди. Кўпrik остида ҳам қаҳвахонани хилватнишин бўлмалари бор эди. Зинапоядан ҳорғин тушиб келган Озодни таниш қаҳвачи чол ҳар кунгидан ҳам юмшоқроқ меҳрибонлик билан қаршилади. Қайфияти ёмонлигини сездими, бошқа сабабданми, чол бугун профессорни баҳслостишини яхши кўрадиган адабиётчи талабалар ёнига олиб бормай, илгари сира кўрмаган бир хонага олиб кирди. Ташқарида ҳали қуёш нур сочиб турса-да, бу ер қоронғироқ эди. Фира-шира ёруғда девордаги ганч нақшлар, қадимий жанг ва ов манзараларининг бўёқлари ярақлаб турарди. Қаердандир тараалаётган нафис куй хонанинг ғаройиблигини янада кучайти-рарди.

Анча ҳаяллаб кетган чол қўлида қандайдир хаёлий қуш шаклидаги қора чинни кўза билан қайтиб келди. У кўзани авайлаб, хонтахта устига қўяркан, муҳим сирни айтиаётгандай энгашиб, Озоднинг қулогига шивирлади:

— Олис сайёралардан келган, қадимий мусаллас... Тайёрланганига беш юз йил бўлганмиш. Мана, ёзувлари ҳам сақланиб қолган. Мен инглиз ҳарфидан бошқасини ўқиёлмайман. Балки сиз ўқиёларсиз буни...

Чиндан ҳам қора кўзанинг «қанотлари остида» «1472» деган этикетка билан шикаста ёзувода битилган байт бор экан:

Балиқ айтур, сувсиз тирикмас жоним,
Сувсиз менга азим дарё керакмас...

— Ие, бу қадимий халқ құшиғи-ку,— никандыр топғандай қувонди профессор. Құшиқда Озоднинг дилига равшанлик солувчи қандайдыр улкан маъно бор эди, лекин уни аниқ сўзлар билан ифодалаш қийин эди.

— Бунинг маъносини шу майдан тотиб кўрганлар билса керак,— кулди чол, иккита балиқсимон қадаҳга ичимликдан авайлаб қуяркан.

— Тотиб кўрамиз,— кулди профессор ҳам ва қадаҳни аста оғзига олиб борди.

— Тўхтанг, буни ёлғиз ичмайдилар,— оқариб кетган қошларини чимирди чол.— Ҳозир ҳамроҳингиз келади...

Йигит ажабланди ва хижолат чекиб, қадаҳни хонтахтага қўймоқчи бўлди. Шу пайт хонага қандайдыр хуш атир ҳиди кирди.

— Қўйманг, мана мен келдим,— қиз болланинг жуда жозибали овози эшишилди.

Жимжимали наботот нақши солинган хонтахтанинг нариги тарафида остоңада пайдо бўлган қирмизи кўйлакли қиз Озодга фариштадай кўринди. Профессор унга қарашга ботинолмай, қадаҳнинг гулини томоша қиласди. Лекин қарашдан ҳам ўзини тиёлмасди.

Озод бу қизни кўришни, унинг овозини эшишишни умр бўйи кутгандай, энди қандайдир мўъжиза билан муродига етгандай эди. Мана энди у ёнгинасида ўтирибди. Тушими бу ё ўнгими? Мабодо туши бўлса, уйғониб кетмасайди...

— Қани, танишганимиз учун,— энг содда ва самимий сўзларни айтиб, Озод журъат билан қадаҳни кўтарди.

— Майли,— жилмайди қиз ҳам қадаҳни фируза кўэли узук тақилган нозик бармоқла-

ри орасига олиб.—Лекин биз танишмиз. Сиз мунажжим, шоир, мусиқа олимі Озодсиз...

— Сиз... Ҳодисасиз,— қызнинг исми қаёқдан дилига келиб қолганидан ўзи ҳам ажабланди йигит.

Ичишди.

Хонадаги шамчироқлар ўз-ўзидан ёнди.

Олисдан кимдир жарангли, ҳазин, лекин мардона овозда құшиқ бошлади:

Гул очилур чамандаким, бұлбул навосидин,

Фамгин күнгил фарақ топар тұти садосидин...

Үйга ғарқ бўлиб, сукут билан тинглашди.

— Ҳа, топдим,— қувониб кетди Озод,— сизни кўрганман. Китобда, Беҳзод чизган суратга ўхшайсиз... Лекин... у қадимий китоб эди...

Қирмизи кўйлакли қиз шўх кулди.

Йигитнинг кўнглида тўфон кўтарилиди. У энди қизга равшан кўнгил билан боқар, Беҳзод қаламига муносиб қалдирғоч қошларга, хумор кўзларни тўсган узун киприкларга боқиб тўймасди.

Озод қизга жуда кўп саволлар бергиси келар, лекин қайси биридан бошлашни билмасди.

— Сиз ҳиротликка ўхшамайсиз, саёҳатга келганимисиз бу ерга?— Қиз уялиб, рўмолини юзига тушириб олган эди, ҳозир чеҳраси кўринмаса-да, овозидан чиройли жилмайиб тургани билинарди:

— Йўқ, домла, мен шу ерликман. Боғи Жаҳонорданман...

— Ҳозир у ерда боғ йўқ шекилли?

— Бор, сиз кўрмагансиз,— кулди қиз.

— Нега күрмайин, ахир мен ўша ерда тураман-ку?

— Күрмагансиз,— эрка овозда такрорлади қиз.

— Кўрсатиб қўяр экансиз-да бўлмаса,— журъат қилди йигит.

— Кўрсатаман,— яна шўх эркаланди қиз.
— Қани, юринг, йигит...

* * *

Тунги Ҳирот осмонида бугун юлдузлар ҳар қачонгидан равшанроқ чаракларди. Негадир магазин ва корхоналарнинг кўзни қамаштирувчи ҳар кунги реклама чироқлари бугун ёнмаган эди. Негадир улар ўрида шохлари осмонга тегай деб турган маҳобатли дарахтлар ўсади. Асфальт йўллар ўрида ҳам ям яшил ўт-ўланлар. Ҳар қадамда безовта қилим, шовқин соладиган автомобиллар ҳам бугун йўқ...

— Коронғиликда шаҳарнинг хунук жойла-ри билинмай кетаркан,— деди Озод таассуротини яширмай.

— Наҳотки Ҳиротни хунук дейишга тилингиз борса,— қиз ранжиб гапирди, овози кишини ҳаяжонга соларли даражада чиройли, оҳангдор эди.— Шаҳримизнинг таърифи етти иқлимга кетган-ку. Айниқса Инжил сувининг шабадаси юзингизга текканда наҳримизнинг қирғонини ўпасиз, роҳатдан маст бўласиз...

— Йўғ-э, Инжил суби қуриганига неча аср бўлган. Үнинг тубида ҳозир занглаган темиртерсаклар ётибди.

Озод гапини тугатмасидан тўлиб-тошиб, ўйноқлаб оқаётган анҳор олдидан чиқиб қо-

лишди. Ѓәмли сабодан сув юзи жимиirlаб, ою юлдузлар раңс этишар эди. Йигит ҳайратдан лабини тишлади.

Анхор бўйида бирпас сайд қилиб, орқага қайтиши.

— Бони Шамолдаги ўғит заводларини, кўп-риклардаги дўкон, омборларни кўрмаганми-сиз? — ажабланди Озод.

— Йўқ, ўн саккиз йил шу ерда яшаб, сиз айтган нарсаларни кўрмаганман, — ажабланди қиз ҳам. — Завод нима?

— Ҳозир кўрамиз, — деди профессор ишонч билан.

— Кўрмаймиз, — деди қиз ҳам эрка қайсар-лик билан. — Чунки Бони Жаҳонорода фақат боғ, гулзор, хиёбон, кўшк, айвон, равоқлар, зилол булоқлар бор...

Профессор бунга ишонгиси келар, лекин бу-гун эрталаб у ерда бошқа манзарани кўрган эди-да. Бугун **эрталабгина эмас, туғилгани-дан бери. Шунинг учун ишонч билан гапирди:**

— Ҳозир Бони Жаҳонородаги фабрикада **учинчи смена ишляяпти, монтёрлар бузилган конвейерни ремонт қўлишяпти.**

Қиз бу сўзларни билмасди. У ҳам ишонч билан тушунтириди:

— Ҳозир у ерда созандалар, ҳофизлар, рассомлар, шоирлар мажлиси қизиган. Бу юришимизда йигинга кеч қоламиз.

— Кўрамиз, — йигитнинг шўхлиги тутди.

— Кўрасиз, — деди қиз ҳам...

Ой ёруғига фонулар ёруғи қўшилди. Ҳар қадамда баланд дараҳтларнинг қалин баргли шохларига жимжимадор шакллардаги фонулар осилган эди.

Йигит қалин дараҳтзорда фариштадай ен-

гил учиб бораётган қизни йўқотиб қўйишдан хавотирланарди.

— Қўлингиздан тутмасам, бир-бири мизни йўқотиб қўяшимиз,— ҳазил оҳангидаги гапирди профессор.

Лекин қиз чиройли кулиб, эътиroz билдириди.

— Бир-бири мизни ҳеч қачон йўқотмаймиз,— қатъий деди у.— Қўлимдан тутишингизга қаршимасман, аммо, афсуски, бунинг иложи йўқ....— Қизнинг шўх овози бу сафар қандайдир оғир дард-алам билан титради.

Озод бунинг сабабини сўрашга бир неча марта оғиз жуфтлади-ю, бироқ қандайдир куч уни тийиб турарди. Йигит шу ёшга кириб, ҳали сира тотмаган изтиробли ва лаззатли ғалати кайфият оғушига чўмиб борарди. Гўё умрида энг катта ўзгариш юз бергандай, унинг ҳаёти, бир вақтлар ўзини бағишлиб, одамларни «суғорган», лекин энди кўлмаклашиб қолган ҳаёти ҳовузига ҳозир бир анҳор янги сув йўғрилган, фамсиз кунлар бошлангандай эди назарида.

Яна сал юриб, улуғвор боғ дарвозаси олдидан чиқиб қолишиди. Дарвозанинг салобатли қанотларидағи рангин нақшлар ой ва фонуслар ёруғида товланиб, яқинлашган одамни чиройли, самовий рангларга бўяр эди.

— Бундай дарвоза йўқ эди-ку?— ҳайратланди Озод.

— Бор эди,— яна шўх кулди Ҳодиса.— Шунча бойлик, шунча нафосатни ҳаммага очиб қўйиб бўладими? Яхши-ёмон, ҳамма кираверса, қадри кетади.

Бу ҳақ гап эди. Шу топда Озод ҳам гулдай яшнаб, ёниб турган Ҳодисани бошқа одам

кўришини истамасди. Гўзалликни қизғаниш табий туйғу. Зотан одам яхши кўрмаганини қизғанмайди. Ҳамма азиз нарсаларни қаттиқ қизғанганимиздагина авайлаб сақлашга иштиёқ туғилади.

— Бу ерга нафосат заргарлари киради,— қизнинг гапини маъқуллади қадимий совут кийиб, қилич осган шоп мўйловли соқчи.— Синглим, меҳмонингиз олис Озруподан келганга ўхшайди.

Қиз рўмолини сал очиб, Озодга «Кўрдингизми қаерлик экансиз?»— деб шўх кулди.

Қиз имо қилиб, дарвоза томон юрди. Озод ҳамроҳини йўқотиб қўйиншдан ҳам, унга тегиб кетишдан ҳам қўрқиб, ёнма-ён ичкари кирди. Шу пайт кўзи олдида пайдо бўлган манзарани кўриб, профессор лол бўлиб қолди.

Бор табиий баланд-паст бўлиб, юқоридан дарахтзор оралаб келаётган анҳор суви ҳар ер-ҳар ерда чиройли шаршара ҳосил қилган, сув ёқаларида ҳам, ундан нариларда ҳам хурмо, ўрик, бодом, сарв, шамшод дарахтлари шохларини қўллардай бир-бирига чўзишган, катта-кичик ҳовузлар ўртасида нилуфарлар очилган, ҳовуз ёқалари ҳам чаманзор эди. Баландликларга солинган кўшк, айвон, шийпон, чодирлар дарахт шохлари орасига кўмилган. Уларнинг атрофида турли шаклларда ўсиб ётган гуллар муаттар ис таратиб, кўнгилни очади. Ой ва фонуслар ёруғида мевазорларда, хиёбонларда кексалар ва ёшлар тўп-тўп бўлиб, ширин суҳбатга маҳлиё. Ёшлиари Ҳодиса билан Озодга салом бериб ўтишарди. Кўпчилик нафис либосда, негадир ҳаммаси қадимий вақтдагидай кийинишган.

Анови шийпонда бир гуруҳ ёшлар шилди-

рсөх хитой қоғозига чизилган мураккаб қаср лойиҳасини кекса меъморга кўрсатиб маслаҳат сўрашяпти.

— Қаср кунгурулари қўшиққа монанд,— уқтиради меъмор,— улар кўкка бўй чўзиб, инсон руҳини парвозга чорламоги керак...

Нариги шийпонда йигитлар, қизлар мушиора қилишарди. Бир қиз юзидаги ҳарир парданни хиёл очгани ҳолда шавқ билан ғазал ўқирди:

Менки ҳар дам дўстлар, бедод этардин зор эсам 15
Дўстлар айб этмасунлар душманимга ёр эсам...

— Буни устод Навоий яқинда битибди,— қувониб гапиради қизча кўзлари ёниб.

Озод ҳайрон бўлиб ўзича фулдуради:

— Нега яқинда битар экан, бу минг йил азвал битилган ғазал-ку...

Ҳодиса кулиб қўйди-ю, индамади.

Шундай фусункор боғда, ойдин хиёбонларда Ҳодисанинг ёнида юриш, унинг эрка, сеҳрли овози, ширин суҳбати Озодни маст қиласар, руҳини аллалар эди. Бу боғда одам дунёга келганидан қувониши мумкин эди, бу ерда ҳар қандай дард-алам ҳамроҳат бағишиларди.

Майли, буларнинг ҳаммаси хаёлот бўлсин, лекин шундай гўзал ҳаёлот билан яшаш, Ҳодисани кўриш, ишқига, меҳрига муюссар бўлиши ҳар кимга насиб қилавермайди-ку. Тўғри бу туйғулар Санъат кибернетикаси институтидагиларга ёқмайди, ҳаёлот ҳар қанча гўзал бўлса-да, ишга халақит беради, дейишади улар. Лекин одам фақат меҳнат учун туғилмайди-ку. Аксинча, иш яшаш учун бир восита. Ишнинг ўзи гўзаллашмаса, яшашга халақит

беради. Демак, гўзал ишлар қилишимиз керак...

— Ҳа, ўйланиб қолдингиз, нечук?—Ҳодиса йигитнинг хаёлини бўлди. Озод оғир ўйлардан қутқазгани учун қиздан жуда миннатдор эди ҳозир. Қани энди, умр бўйи шундай ҳамроҳ билан яшасанг...

Боғи Жаҳоноронинг этаги маҳаллаларга тулашиб кетгани профессорни ажаблантириди. Бу ердаги қаср, кўшк, ҳовлилар ҳам ям-яшил дараҳтзорлар орасига кўмилган эди.

— Вақтинча ажраламиз, энди,— деди қиз бир ҳовлига яқинлашишганда.—Лекин, ташвишланманг, бир-биrimизни кўриб турамиз.

Ҳовлининг ҳаворанг дарвозасидан ўтишгач, Ҳодиса йигитни мезбонларга таништириб, ўзи қизлар даврасига қўшилиб кетди.

Салқин ҳовлидан майин, латиф ва шиддатли, одамни титратувчи мусиқа ва қўшиқ эштиларди. Ҳовлининг ғарби, шимоли ва шарқида баланд пахса ўйларнинг томлари чинор, ўрик ва тут дараҳтларининг қуюқ шохлари билан туташиб кетган. Кўкда сузаётган ой ўроғи шу дараҳтларнинг шохига фонус қилиб илиб қўйилгандай. Ой нури қуюқ шохлар орасидан ўтиб, ҳовли ўртасидаги ҳовузга томлар ва дараҳтлар аксини тушириб, чайқалтиради. Ҳовузнинг шимол томонига ҳамда жануб томонидаги панжарали сўрига тўшалган янги бўйралар ҳам ой нурида ялтирайди.

Шимолдаги уйда ўтирган одамларнинг қўлларида уд, танбур, най ва шу янглиғ чолғу асбоблари кўринади. Ҳовуз бўйида, бўйра устидаги шойи тўшакларда оқ, буғдой ранг, қора, сариқ юзли яктак, чопон кийган ёки

турли рангдаги қалин, юпқа матога ўранган, мажнуңдай соchlари тўзғиган ёки яшил шойи салла ўраган кишилар ўтирибди. Томларда ҳам қора, қизил, кўк, яшил дурра ўрашган, этаги ва енги узун лиbosдаги аёллар. Баъзилари дуррасининг учи билан юзини тўсиб, бир қўли билан дараҳт шохларини ушлаб, созандалар ўтирган уй деразасига қизиқиш билан боқишишади.

Озод эса ҳовузнинг жанубидаги ҳаворанг панжарали сўрида, бўйра устида икки-уч нотаниш одам билан бирга ўтиради. Сеҳрли «Сайқал» куйи поёнига ета бошлади. Озоднинг назарида кўз очиб-юмгунча кўп асрлар ўтиб кетгандай, мана шу ҳовли, баланд иморатлар, чинор ва тут дараҳтларига илинган ой ўроғи, унинг ҳовуздаги акси, уй ва ҳовли, томлардаги созанда ва хонандалар — бариси йуғолиб, улар ўрнида сахро, қумтепалар қолгандай туюлиб кетди. Ёлғиз йўловчи шунга ғам чекаётгандай, фарёд қилаётгандай эди. «Наво» мақомининг янада сеҳрли тароналари янгради. Шимолдаги уй деразасидан куй ва эҳтиросли сўзлар учиб, ҳовлидаги одамларнинг боши узра кантарлардай чарх ура бошлади:

Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландин сўр,
Зулоли завқи шавқин ташнаи дийдор ўландин сўр.
Лабинг сиррин келиб гуфтора бандин ўзгадин сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландин сўр...

Ҳовуз бўйида ўтирганлар янги ғазални бошлашди:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг...

Шу пайт жонон пиёла жарангидай тиниқ ва майин овозлар тўпи қўшиқнинг давомини илиб кетишди:

...хотирин шод айлагай.

Бу — томдаги аёллар овози эди.

Ховуз бўйидаги кишилар иккинчи мисра-ни бошлишди:

Онча борким, Каъба вайрон...

Томдаги аёллар яна давом эттиришди:

...бўлса обод айлагай.

Бу қўшиқ тугагач, бир қизнинг ниҳоятда майин, латиф овози янгради:

Гарчи халқ озодасимен, ёр агар бандим деса,
Андин ортуғ англаким, бир банди озод айлагай...

Озод юраги жиз этиб, титраб кетди. Бу Ҳодисанинг овози эди. Йигит беихтиёр томга, дарахт шохлари орасига қаради. Ҳодиса қона шойи рўмolini сал очиб, йигитга табассум билан нигоҳ ташлади. Озод бу кўрганлари тушими, ўнгими эканлигини ўйлар, айни вақтда умрида сира бунчалик завқ-шавққа ботмаганлигини ҳис қиласар эди. Ҳодиса ва дугоналари буни сезгандай, бекиёс чиройли овоз билан янги бир ғазални бошлишди:

Кўрдим ул ҳуршиди ҳуснин, ихтиёrim қолмади,
Соядек бир ерда турмакка қарорим қолмади.

Ходиса қўшиқ айтар экан, Озодга маъюс табассум билан боқарди. Йигит бу — аламли табассум эканлигини англарди. Улар иккаласи ҳам бир-бирига етишолмаслигини юракдан сезиб туришарди...

Базм авжи қизиб турганда саройга ёнғин тушиб, ҳаммаёқ қий-чувга тўлди.

* * *

Қаҳвачи чол қайтиб кирганида Озод бoshини хонтахтага қўйиб, донг қотиб ухларди. Озод сеҳрли ичимлик таъсириданми ё қадимгиларнинг руҳлари чақирганми, олис асрларга бориб келган эди.

* * *

— Сенсация! Сенсация! — овози бўғилгунча қичқиради газета сотувчи ўсмир. У бир даста «Сабоҳ» газетасини чап қўлтиғига қистирганча, биттасини ўнг қўлида баланд кўтариб, чопиб бораради.

— Сенсация! Сенсация! Ғаройиб касаллик! Профессор Озод тушида қандайдир сирли сайёрага бориб келибди. Ёш профессор бошқа асрда яшовчи номаълум қизни севиб қолибди! Ўқинглар! Фақат икки динор тўлайсизлар!..

Эрта тонгда хизмат жойига шошилмай, ўз вақтида бораётган робот ва ярим робот ишли, хизматчилар бамайлихотир чўнтакларидан икки динор чиқариб, газета сотиб олишар, сенсациялик хабарни ўқишар, аммо ажаблашимас, фақат ярим электрон мияларида турли саволлар туғилар эди: «Озод муаллимнинг руҳи қандай қилиб танасидан ажралиб, номаълум сайёрага бориб келдийкин? Севиб қо-

лиш эскилик сарқити-ку, бу касаллик вируслари йўқолиб кетганига беш-олти аср ўтганку, шундай доно олим қандай қилиб бу дардга учради экан?»

Шу ва щунга ўхшаш муаммоларга ҳамма қизиқар эди-ю аммо, ҳеч ким булардан ҳаяжонланмас, ажабланмас эди. Чунки йигирма бешинчи асрда ҳаяжонланиш, ажабланиш, ҳайратланиш каби ҳоллар одобсизлик, маданиятсизлик саналарди. Аммо шунга қарамай, ора-чора ана шунаقا «одобсиз, маданиятсиз» одамлар учраб турар эди. Шулардан бири «Сабоҳ» газетасининг мухбири шоир Рауф чорраҳадаги светофорнинг кўзи қизил ёниб турганига қарамай, Савдо маркази ёнидаги редакция биноси томон чопқиллаб ўтиб кетди.

«Авваллари ҳам профессор Озоднинг боши ғалвадан чиқмас эди», ўйлади Рауф редакцияга кириб, қоронғи фойедаги диван четига ўтирасар экан. У авваллари ҳам неча дафъа профессор Озод суд қилинганида қатнашган, дўстини ҳимоя қилган эди.

Профессор Озод кўпинча одамларнинг хаёлига келмаган ишлар учун судга тушар эди.

Бир марта судда унинг кучуги масаласи кўрилди. Озод муаллимнинг Қоплон деган қора, чиройли, икки яшар кучуги бор эди. Қоплон одамларнинг яхши-ёмонлигини дарров сезиб оларди. Озоднинг ошлаз укаси Зиёд кўпинча уйга ичиб келиб, жанжал кўтарар, эрталабгача бақириб-чақириб, хотини билан уришиб чиқарди. Айб кимдалигини одамлардан кўра Қоплон яхши пайқарди. Болалар боғчасида ишлайдиган Зиёд ўзи тузук одам эди-ю, хотини совуқ гаплари, нодонлиги, пулмолга ўчлиги билан эрини кўпроқ қинғир иш-

ларга мажбур өтар әди. Зиёд хотинининг жағи тийилсин, деб боғчадаги болаларнинг насибасини қирқиб, ҳамма нарсани уйига ташиб келарди.

У баъзан тозаланмаган хом сүякни Қоплонга ташлаганида хотини югуриб бориб, итнинг олдидан сүякни тортиб олар ва ювиб қозонга ташлар әди. Қозон бошида:

— Шундай яхши гўштни ҳайвонга берасизми? Гўштли сүяк ширин бўлади-я,— деб ғуздирларди.

Буни айвонда ўтирган Озод муаллим кўриб туарар ва баъзи хотинларнинг итдан ҳам қизғанчиқ эканлигини кўриб ҳайрон қоларди. Озод муаллимнинг назарида Қоплон гўшт ва сүякларнинг болалар ҳақи эканлигини тушуниб, улардан ҳазар қилаётгандай кўринарди. Чунки Қоплон пиширилган ва ҳаммадан ошиб қолган сүякларнигина ғажир әди. Озод муаллим унинг товоқчасига сув қуйиб берганида ақлли кўзлари билан миннатдорчилик билдиради.

Зиёднинг болалари Қоплонни яхши кўриб ўйнатишар, аммо, кўпинча овқатсиз қолганида ҳам, қиши кунлари шамоллаб йўталиб, хирқираб ётганида ҳам ундан хабар олмас әдилар. Қаҳратон қишида Озод муаллим итни уйга киритиб юборгани учун хотинидан ва келинидан балога қоларди.

Қоплон хизматини садоқат билан ўтар, кечалари ҳовлига ўғриларни яқинлаштирмас, хуфтонгача базм бўлган кунлари, эгасининг баъзи ўртоқларини уйларигача кузатиб келар әди.

Ҳар баҳорда Зиёд Қоплонни бир неча маҳалла наридаги ветеринария амбулаторияси-

га олиб бориб, қутуришга қарши әмлатиб келарди. Кейин яна дўстлари билан майшатга берилиб, Қоплонни ўз ҳолига ташлаб қўярди.

Шундай баҳор кунларидан бирида профессорнинг ҳовлисида жуда катта жанжалчиқди. Ҳамма, жанжалнинг бош сабабчиси, деб Қоплонни кўрсатишар эди.

Воқеа бундай бўлган экан. Ўтган ҳафта сурункасига ёмғир ёққан. Неча ойлардан бери ювйб-таралмаган Қоплонга қандайдир қасаллик ёпишган. Озод муаллимнинг фикрича, ошпазнинг хотини неча кунлик эски овқатни бергани учун ит заҳарланган. Қўшни болалар кириб, уни ўйнатиш ўрнига қесак отиб, таёқ билан уриб жигига тегишган. Қоплон аввал бунга парво қилмаган. Сўнгроқ, болалардан бири унинг бошига ўрик таёғи билан қаттиқ урганида жаҳл устида болани тишлиб олган. Бола додлаб юборган. Одамлар йифилиб, болани врачга обориб кўрсатишган. Бола бадавлат амалдорнинг ёлғиз фарзанди экан. Боланинг онаси профессорнинг уйига келиб, тўполон кўтарган. «Агар Қоплон қутурган бўлса, ҳаммангизни судга бераман, қаматаман!»— деб дўқ урган.

Профессор бу вақт уйида бўлмаган. Зиёднинг хотини Қоплондан баттар нафратланиб:

— Үзларинг дўхтирга обориб топширинглар!— деб, уни болаларга бериб юборган. Болалар Қоплонни бўйнидаги занжиридан тортиб, ветеринария пунктига олиб боришган. Пункт ҳовлисида итлар кўп экан. Итлар Қоплонни кўриб, унга ташланишган. Қоплон ҳам занжирининг камаридан силтаниб бўшалиб, уларга ташланган. Ветврачлар ва қоровуллар қўлларига сўйил олиб, Қоплонни

ўраб олиб, уни ўласи қилиб уришган. Ит жон аччиғида деворга сакраб чиқиб, қўшни маҳаллага қочган. Қоплоннинг боши ёрилган. Гангиб қолган Қоплон калтаклаётган болалардан яна бирини тишлаб улгурган ва тош, калтаклар зарбидан қонга бўялиб, ҳушидан кетган. Ҳушига келишига йўл бермай, катталар ҳам қўшилиб, калтаклай-калтаклай, уни ўлдиришган. Ўлигини ҳам узоқ калтаклашган.

Қоплон ўлиб кетса ҳам бояги болаларнинг ота-оналари профессорни судга беришган. Воқеанинг тафсилотларини болалардан эшишиб билган Озод муаллим судда қатнашиб, ўлган Қоплонни ҳимоя қилиб, болаларнинг ва уларнинг ота-оналари ваҳшийлик қилганлигини исботлаб берган. Болаларнинг ота-оналари эса, бошқа баҳона топиб, Озод муаллимнинг ўзини жазолатишган.

Бошқа бир куни Озод муаллим университетдаги китобхонлар конференциясида филолог профессор Эсоновни талабалар олдида шарманда қилган. Қайсилир машҳур роман муҳокамаси пайтида талабалар асарни анча чуқур таҳлил қилишган. Профессор Эсонов эса асар ҳақида бир соатча оғиз кўпиртириб гапирган, аммо охирида савол-жавоблар пайтида профессор бу романни ўқимаганлиги билиниб қолган. Шунда Озод муаллим сўзга чиқиб, талабаларни мақтаган ва профессор Эсоновнинг ҳамиша ҳам саводсиз ва аҳмоқ одам бўлганлигини айтганда талабалар қарсак чалиб юборишган. Ўшандан кейин Эсонов пайт пойлаб, кўп марта Озод муаллимга зарар етказишига уринди. У бармоқ орасидан кир қидириб, ёш профессор Озоднинг илмий асарларидан сиёсий хато топишга интилди, аммо

фақат талабаларга баттар шумшук бўлиб кўрингани қолди.

* * *

Ана шу ғалати профессор уйқусида олис асрларга бориб келгач, эс-хуши жойига келмай, бир ҳафта алаҳсираб ётди. Кейин соғайгач, аста-секин Ҳодиса билан ўтказган кечасига алоқадор нарсаларни ўнгидаги ҳам кўра бошлиди. Тушида кўринган ариқлар лаби ўнгидагидай бетонлаштирилмаган, аксинча, ялпиз ва бошқа ўт-ўланларга кўмилган эди. Анҳор суви эса турли корхоналарнинг заҳарли чиқитлари билан аралашмаган, унда болалар бехавотир, яйраб чўмилишар эди. Гулзорлар ҳам муаттар ва тароватли, дов-дараҳтлар бетон, асфальт йўлакларга қисиб қўйилмаган эди. Ҳозирги жазирاما кўчалар четида, темир панжаралар ўрнида сершоҳ чинорлар шовиллар эди... Осмондаги ой ҳам ўша тушдагидай. Аммо негадир ўнгидаги ҳилол, ўша азим тут, ўрик шоҳларига эмас, бир-бирига ўхшаш юз қаватли бинолар томига илашгани учун, ҳовузда акси ўйнамагани учун, бор жозибаси йўқолган. Пишиқ ишланган, узоқ яшашга имкон берадиган механик юрак ва электрон кўз ўрнатиб олган одамларга гулзор нимаю бетон уй нима? Ерда гулзор, кўллар, ўрмонлар бир неча аср илгариёқ жуда камайиб кетган, одамлар бу манзарага, тўғрироғи, манзарасизликка кўникиб кетишган. Фақат Озодга ўхшаш одамлар ҳали табиий юрагини янги, механик юракка алмаштирулмагани учун қадимий одамларга ўхшаб, гулзор ва хиёбонларни қўмсаб қолишарди. Ҳодиса ҳам табиатан шундай эди. Озоднинг Ерда бундай қиз

қолмаган, деб ўйлаб юрганида Ҳодисани ва мангу куй оҳанглар оламини топиб олиши янги сайёрани ихтиро қилишдан кам эмас эди.

* * *

Ширин туш кўраётган одам уйғонганида нималарни ҳис қилиши кўпгина сабабларга боғлиқ. Ҳар қандай одам ҳам ширин тушидан айрилгиси келмайди. Бундай тушдан айрилган одамнинг қувониши учун уни тушидагидан ҳам гўзалроқ ҳаёт кутаётган бўлиши керак. Озоднинг эса қувонишга асоси йўқ эди. Олис, номаълум сайёralарнинг хоссаларини тадқиқ қилиш жонига теккан эди. Назарида гоҳо ҳамма соғу фақат Озод ақлдан озгандай туюлади. Ҳамма яхши одамлар келажак деб меҳнат қиласи, аммо ўзларининг орасида битта яхши одам топилса, йўқотмагунча тинчишмайди. Демак, улар касал...

Озод ўзича қандайдир қудратли мангу куй топиб, шунинг ёрдамида ҳаммани даволайман, деб юради. Бу куйни ўнгида топмайди, шунинг учун тушларида уни излайди.

* * *

Ҳар куни уйқусида Озод ўша қизни излайди, унинг қора баҳмалдай майин оҳу кўзларининг чақнашини, қуюқ ва узун қора киприларини ёпиб, ўйланиб ўтиришини, қалдирғоч қошларини чимириб, аразлашини кўргиси келади. Лекин учратолмайди.

Бир куни Озод тушида қизни яна Бони Жаҳонорода учратди. Ҳодиса ўша-ўша. XV асрда расм бўлган узун, хипча, енгиз қизил баҳмал кўйлакда, қўлида қадимий китоб.

Озодни кўриб, у ҳам қувониб кетди, меҳр тўла кўзларида табассум ёнди. Лекин кўп ўтмай оҳу кўзларига яна ғамгинлик чўкди.

— Сизни кўп изладим,— деди йигит эҳтиросли меҳр билан шивирлаб.

— Биламан,— аста жилмайди қиз ҳам қора шойи дуррасининг учини тишилаб.— Мен ҳам сизни кўп излаганман. Тушимда. Сизга ўхшаб...

Озод ажабланди. Назокатдан бўлмаса ҳам қиз нега ўтган замон феълида гапирганини билишни истарди.

— Ҳодиса, нега «излаганман» деяпсиз?

Қиз сесканди, ибодан қизарган юзлари до-
кадай оқарди. Сўнг аллақандай маълум сир-
ни айтмоқчидай, бир неча дафъа оғиз жуфт-
лади.

— Биласизми, ҳақиқатни айтиб, сизни ха-
фа қилмоқчиман, Озод ака, лекин айтишга
сира юрагим бетламаяпти...

Озод қандайдир фожиани эшитадигандай сесканиб кетди. Ўзини қўлга олди ва қизнинг чехрасига меҳр билан термилди.

— Айтинг, Ҳодиса, айтаверинг. Орамизда қандайдир сир борлигини сезиб юрибман. Хаё-
лимда, сизни жуда олис, бошқа сайёранинг одамига ўхшатаман...

— Бошқа сайёрада, ҳар қандай олис сайё-
рада яшасам майли эди-я,— чуқур ғам билан шивирлади қиз.— Унда бир-биримизни тушда эмас, ўнгда ҳам топа олардик. Ҳамма гап шундаки, мен... мен... минг йил аввал ўтган-
ман. Ўшандаёқ тушларимда сизни кўриб из-
лардим, тополмасдим. Шундан буён ўзим ў-
қолиб кетсан ҳам руҳим сизни излайди. Хай-
рият, охири топдим. Аммо афсуски, энди сиз

ҳам мени фақат тушингизда учрата оласиз...

Йигит оғир ғамга ботиб, бошини чангаллаганича, беҳол ўтиради. У секин бошини кўтариб, Ҳодисага қаради. Қўзнинг руҳи ҳам гўзал эди, кўзларига боқиб тўймасди. Озод қизга яқинроқ сурилди ва уни абадий йўқотиб қўйнишдан қўрқиб, аста елкасидан қучди. Аммо у ҳавони қучоқлади.

Озод ҳайратдан қичқириб юборди ва уйғониб кетди...

* * *

Кўнгилдаги куй шунинг учун ҳам яхшики, уни ҳеч қандай куч сендан тортиб ололмайди.

Лекин куй куйчиси билан азиз. «Куйчизиз, куйсиз яшаш нақадар оғир», ўйларди у изтироб билан. Куйсиз дунё бўм-бўш эди унинг учун.

Мана, энди Озод бир неча йилдан бери ғалати ҳолатга тушиб қолган. У шу йиллар мобайнида қилган барча ишларидан зерикиб, куй излар, лекин тополмасди.

Бир куни Озод шогирди Зоҳир билан ишдан қайтаётган эди. «Ҳа, дўстим, куй йўқолса, яшашнинг кераги йўқ», деди у шогирдига. Сўнг шогирдим тушундими, йўқми деб хавотирланиб, Фузулий ва Машрабнинг кўпгина шеърларини айтиб берди. Шогирди бу қадимий қўшиқларни учалик тушунмади. Назариди, профессор Озод минг йиллар қаъридан келиб қолган жуда қадимий одамга ўхшаб кетди. Шогирди хавотирланиб, газеталарда ўқиганларини эслади: «Айрим одамлар ҳамон «қадр-қиммат», «ишқ», «муҳаббат» каби са-

намларга, эскилик сарқитларига сажда қилишади. Буларнинг ҳаммаси илм-фан тараққиётiga халақит беради...»

Профессор Озоднинг машиналар мантиқига зид бундай хатти-ҳаракатлари институт раҳбарларини ташвишга солиб қўйди. Уларнинг миялари жуда аниқ ишлар ва коллективнинг ҳар бир аъзоси хулқидаги нормага зид заррача ўзгаришларни тез сезишарди. Шунинг учун ғамхўр институт дирекцияси фавқулодда кенгаш бошлаб, Мирриҳдан Энг Муқаммал Ақлни ва оптик электрон психиатр машинани чақириб келди.

Озод зинапоялардан кўтарилиб, конференц залга кирап экан, ярим доира шаклдаги ҳайъатда бир қанча мураккаб машиналар қуршовида турган Энг Муқаммал Ақлни таниди, зеро, бу мўътабар машина ҳақида у илгари кўп эшитган эди. Айтишларича, Энг Муқаммал Ақл ихтиро этган оптоэлектрон врач кўп ўйлаб, ақлдан озган одамларнинг касалини тез аниқлаб, тузатган. Ақлдан озган одамларнинг безовта юрагини бир зумда олиб ташлаб, фақат миясини қолдирган.

Ҳозир ҳам конференц залда ҳайъатнинг чап тарафида «кўз»лари ярақлаган оптоэлектрон врач-психиатр ишга шай ҳолда турарди. Пастда ўтирган айрим олимлар унга қандайдир ноаниқ ташвиш, қўрқув билан қараб-қараб қўйишарди.

Институт директори, юрагининг машина моторига яқинлиги билан мақтаниб юрадиган паст бўйли, тўладан келган, боши ялтироқ киши темирдай жарангли овоз билан Энг Муқаммал Ақлга аҳволни тушунтирди.

— Айрим олимларимиз коинот олдидаги

буюк бурчларини унугтиб, оддий одамларга айланиб қолишияпти. Биласизки, қадимий олимлар фақат одам бўлган, улар аллақандай қадр-қиммат, ишқ-муҳаббат, адолат ва ҳоказо, эслаш ҳам қийин бўлган эски туйфуларга ўралашиб қолишган. Бундай эскилик сарқити билан заҳарланган юракларни ёппасига сунъий юрак билан алмаштириш вақти келди.

Энг Муқаммал Ақл директорни қувватлаб чиқди:

— Бу жуда гуманистик ғоя, ўртоқлар. Маълумки, шундай қилганимизда одамлар турли жисмоний ва руҳий оғир дардлардан қутулишади. Яъни, бу дардларни ҳис этмай қўйишади. Биз яшаётган йингирма бешинчи асрда техника юксак чўққига кўтарилди, одамзоднинг ҳамма ишларини машиналар елкасига юклаганмиз. Бу билан фахрланиш керак, ўртоқлар... Машиналар меҳнатимизни енгил қилгани яхши эмасми? Машиналар дардларимизни ҳам аритгани яхши эмасми?

— Лекин мен дардимни енгил қилишни истамайман! Менинг дардим ўзимга ёқади. Мен ўзим билганча яшашни истайман! — деди Озод.

Унинг куй излаш дардини, тушида бошқа аср қизини яхши кўриб қолиб азобланаётганлигини институт раҳбарлари билишарди.

— Ахир бу жуда ёмон дард,— ачиниб гапирди Энг Муқаммал Ақл.— У ишга халақит беради. Фараз қилайлик, мураккаб бир машинанинг қисмларини мойлаш керак... Лекин бирор сабаб билан машинанинг қандайдир винти мойланмай қолди. Шунда ўша винт қадр-қиммат талашса ёки «бу адолатсизлик», деб аразлаб ишдан тўхтаса, нима бўлади?

Олимга ҳам шунақа қадр-қиммат талашиш ярашмайди. Қадр-қиммат деб, ахир бутун бошли машина ишдан чиқиши керакми? Йўқ, албатта. Бундай винтни олиб ташлаб, ўрнига бошқасини қўя қолиш керак.

— Йўқ, ўша винтни мойлаш керак,— ўтирган жойидан луқма ташлади Озод.

— Мойлашдан кўра янги винт арzonга тушса-чи?

Энг Мукаммал Ақл профессор ўтирган томонга қараб, бопладимми, дегандай истеҳзо билан кулиб қўйди.

Озод яна гапдан қолмади:

— Лекин, кечирасиз, винт бошқа, одам бошқа...

Бу беодоблик эди. Энг Мукаммал Ақл бунга парво қилмай, сўзида давом этди:

— Ҳурматли олимлар! Сизларнинг аниқ ва пухта ишлашингизга айрим касалликлар халақит берялти. Бунинг олдини олиш мақсадида ҳузурингизга Энг Улуғ Врачни бошлаб келганман. Бу киши, йўқ, бу машина, жуда аниқ ишлайди. Ҳозир ўзингиз бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Залга оғир сукунат чўкди. Механик юраклар бир зайлда уриб турарди. Табиий юракли одамларда эса ўзига яраша дард бор эди.

Текшириш бошланди. Бир неча олимлар қатори профессор Озод ҳам оғир касал деб топилди.

Озод шаҳар четидаги уйига келиб, индамай ўз хонасига ўтиб кетди, узун стеллажлардаги китоблардан бирини олиб варақлаб, яна жойига қўйди. Сўнг бирпас дам олиш учун диванга чўзилди. Шу пайт унинг хаёллари тушга

айланиб кетди. Тушида яна ўша мажлис, Энг Муқаммал Ақл тұпланғанларнинг саволлариға қисқа-қисқа жавоб берди.

Сунъий одамларнинг күпчиліги ўзларининг мұкаммал машиналарга яқынлигини күз-күзлаш учун ағайлаб савол беришарди.

— Айтинг-чи ҳурматли устоз, ишқ — юқумли касалликми? — сүради қобилятли ярим машина-олимлардан бири.

Энг Муқаммал Ақл чуқур, маңнодор сукут сақлаб, сұнг жавоб берди:

— Ишқ касаллигини турлича классификация қилиш мүмкін. Аввало, бир йигитнинг бир қызға ишқи. Бу хавфли, заарарлы касал. Бундай дардни тез йўқотиш керак!

— Сизлар эса ҳеч кимни, ҳеч нимани яхши кўрмайсизлар! — қичқирди Озод.

Профессорни ортиқ гапиртирмай олиб чиқиб кетишиди. Тақдиринга тан берганда, иликларигача бўшашиб, боши қуйи солинган Озод рөботга ўхшаш иккни ассистентнинг олдига тушиб, қаршилик қилмай борарди. Институтнинг узун коридоридан профессорнинг ҳоргин қадам товушлари эшитиларди. Зинапоя олдига етганда профессор тўхтади:

— Лаборатория эшиги очиқ қолиб кетибди, ёпиш керак,— деди ассистентларга хотиржам қараб.

Ассистент роботлардан бири бошлиқдан рухсат сўраш учун кетди. Профессор бошлиқ рухсат этмаслигини яхши биларди. У ёнидаги ассистент робот әмас, одамлигини пайқади, шеригининг ортидан қараган пайтида, қулочкашлаб юзига мушт туширди. Зарбни кутмаган ассистент зинапоядан учиб тушди. Озод жон ҳолатда чопиб бориб, коридордаги

очиқ эшиклардан бирига кириб кетди ва де-разадан ўзини кўчага отди. Оёғи тротуар қиррасига тегиб, шилинганига қарамай, тезроқ институтдан узоқлашиб учун бор кучи билан чопарди. У бетон йўлни тарақлатиб, туртиниб-суртиниб югурап, одамлар ажабланиб қараб қолишар эди. Кўчанинг иккала тарафидаги неон чироқлари ёруғида орқадан келаётган роботларнинг кўланкалари янада кўпайиб, бутун олам Озодни қуваётгандай туюларди.

«Улар соғ, мен носоғ эмишман,— алам билан ғудурларди профессор ҳансирағ чопар экан,— э, ўргилдим сендай соғлардан!..» Шу топда у қаёқдан куч пайдо бўлганини билмай, ўқдай елиб борар, юраги қинидан чиқиб, жонхолатда дуч келган ариқдан ҳатлаб, девордан ошиб, ҳар хил белги-тўсиқлардан ўтиб, қаёққадир интиларди.

* * *

Бу оқшом шаҳар биқирлаб қайнаётган қозондай, кимлардир бу қозон остига ўт ёққану энди қачон ўчириши номаълум эди. Одамлар қозондаги кўпикдай кўчага тошарди. Бир-бидан сўраб, воқеани тушунган одамлар ажабланиб бош чайқашар, воқеанинг давомини қизиқиб томоша қилар эдилар.

Озод олис жарликдаги Вақт машинасига етиб олди.

Кўп ўтмай, жарлик тутунга тўлди, қуюқ тутун орасида овозсиз Вақт машинаси келгуси асрларга йўл олганлигини кўпчилик сезмай қолди... Аммо машина ҳавода портлаб кетди...

Озод уйқудан чўчиб уйғонди.

* * *

Озод уйғониб кетганида тонг аллақачон ёришганди. У негадир аввалги, ёқимли тушларини, сеҳр кучи билан қаҳвахонада түнни ўтказганини, узоқ бир сайёрага бориб қолганини, нотаниш, аммо Зухрага ўхшаган қизнинг нозли ва аламли чөхрасини, ғойиб бўлган ранго-ранг бўстонларни, қасрларни эслади. Ва ниҳоят, узоқ излаб топган ажиб, сеҳрловчи куйлар кўнглига оқиб кира бошлади...

Қалбida куйи бор одамлар қайси замонда яшаса ҳам бир-бирларини яхши тушунадилар, қалби гўзалларни ана шу мангудан таниб, севиб ардоқлайдилар ва ёлғиз қолдирмайдилар, деган янги бир тушунчадан Озоднинг дили тонгдай ёришиб, равшанлашиб кетди. Майли, ўта «ақлли» одамлар куйпарастларни, хаёлотга бой одамларни бемор, деб санашсин. Аммо уларга минг тушунтиурсанг ҳам зое кетади, деворга танбур чертганинг билан унда ҳис-туйфу пайдо бўлмайди-ку. Узоқдаги ёрни, мангудан куйни соғиниш дарди Озодни қийнар, аммо бу дард ширин, тотли дард эди...

СИРЛИ ҚАСР.

Жовид Ойдаги санаторийга редакциянинг топшириғи билан борган эди. Санаторийдаги bemорлар оромгоҳнинг ёзда жуда қизиб, қишида жуда совиб кетиши ҳақида шикоят қилган әдилар. «Тонг» газетасининг янги муҳаррири мистер Керн шикоятни текшириш учун Жовидни юборди. Аслида Жовиднинг ўзи Ойга боришга чоғланиб турғанди — оғир хасталикка йўлиққан ҳамкасби — рассом қиз Зебо ҳам шу санаторийда даволанаётган эди. У борганида Зебо анча соғайиб, тўлишиб қолган экан. Беморлигига қарамай, тонг пайтлари ва оқшомлари сайр қилиб, қанчадан-қанча манзараларни чизибди — Жовид бунақа нафис рангларни анча йиллардан бери кўрмаганди. Ойдаги кратерлардан бири кўлга айлантирилиб, атрофиға ердан тупроқ олиб борилиб, гулзор ва боғларга айлантирилган. Ернинг ўзида эса иқтисодий фойда кёлтирмайдиган бундай гўзалликларга ўрин қолмаганди. Санаторий раҳбарларига учрашгандан сўнг Жовид кўл бўйида ўтиришганида Зебодан шикоят хатида кўрсатилган ноҳақликларнинг сабабларини сўраб олди.

— Ҳаммаси тўғри,— деди Зебо маъюс кулимсираб. Унинг катта-катта қора кўзлари

кўлнинг тиниқ сатҳида солланиб сузиб юрган оққушларда, аммо хаёли Жовиднинг саволида эди.— Гап шундаки, бу ернинг ҳавоси қизиб ёки совиб кетиши санаторий хизматчиларига сезилмайди. Чунки ўзингиз биласиз, улар роботлар. Беморлар қизиб кетадими, совқотиб қоладими, ҳатто соғайиб кетадими, ўладими — уларга барибир...

Қизнинг оқиш юзи кўлдаги оққушлар рангидай яна ҳам оқариб кетди. У мажбуран жилмайганича юрагини ушлаб қолди. Жовид қизнинг юраги нозиклигини, оғир гапларни кўтаролмаслигини биларди, шунинг учун нега бечорани ҳаяжонлантиридим, деб ичида ўзини койнди, меҳр билан унинг нозик қўлларини кафтлари орасига олди ва гапни бошқа ёққа бурди.

— Эсимдан чиқаёзибди, Мардон оғайним сизга хат бериб юборган эди...

Мардоннинг номи тилга олингач, Зебонинг юзига бирдан қизиллик югурди, бундан ўзи хижолат чекди шекилли, кўзларини ундан олиб қочди.

Қиз Мардонни севармиди, шунчаки ёқти-рармиди, буниси Жовидга қоронғи. Аммо шундай ғаройиб, нозиктаъб, истеъдодли қизнинг тўнка Мардонни ёқтиришига ажабланарди. Тўғри, репортёр Мардон барваста, келишган, қора қош, қора кўз йигит эди. Аммо дид, фаросат ва истеъдод масаласида у робот журналистлардан унчалик фарқ қилмасди. Зебо шуни билармикин? Ёки Мардоннинг баландпарвоз, қайнаб гапиришини эҳтирос, жўшқинлик, деб тушунармикин? У бу ҳақда қиздан сўраб кўришни хаёлига ҳам келтирмасди. «Келиб-келиб шу тўнка Мардонга ҳасад қи-

ламанми?»— деган түйфу ҳам, «Аслида узумнинг яхисини ит ейди», деган ўқинч түйфуси ҳам Жовиднинг серташвиш кўнглида қоришиб кетган эди.

— Жавобини қачон ёзиб берасиз?— деди Жовид болаларча соддалик билан. Қизнинг чеҳрасига яна бир лаҳза қизиллик югорди, у яна кўзларини олиб қочди. Жовид эса бир тутам кўкатни сувда чайқар экан, қиздан жавоб кутарди.

— Кераги йўқ,— деди маъюслик билан танга гулли чит кўйлагининг этагини рижимлаб ўйнар экан Зебо. Қиз Мардоннинг мажбуран хат ёзганини сезганга ўхшарди. Ахир рассомлар жуда сезгир бўлишади-ку.—Бу жойларнинг ҳавоси яхши, табиати фараҳбахш. Аммо нимадир, жуда муҳим нарса етишмайди. Нималигини ўзим ҳам билмайман...

Шоир Ойда нима етишмаслигини биларди — меҳр етмасди. Беморлар фақат ўзининг соғлигини ва узоқ яашани ўйлар, ўзгаларнинг дилида нима борлигига қизиқмас эдилар. Ўттизинчи аср ахлоқ қондаларига кўра бошқа одамнинг кўнглини овлаш, меҳрибонлик қилиш эскилик сарқити саналарди.

— Жовид ака, янги шеърларингиздан ўқиб бермайсизми?— эркаланиб сўради қиз.

— Яхиси, ўзингиз нималар чизганингизни кўрайлилар,— таклиф қилди Жовид.— Кейин шеър ўқиш қочмас. Қани, альбомни бу ёққа олинг-чи.

Зебо қизғищ ўтлар устида ётган катта узун альбомини қўлига олди-ю, кўрсатишини ҳам, кўрсатмасликини ҳам билмай, иккиланиб қолди.

— Бу ерда нозик сир борга ўхшайди,—

ҳазиллашди шоир.— Рухсатингизсиз кўрмайман...

— Ҳар ҳолда, қандай бўларкин, кўпчилиги чала ишлар... Ҳа, майли, кўра қолинг. Аслида кўрганингиз яхши. Агар кулмасангиз, муҳим бир сирни айтаман,— қиз кўл бетида сузиб юрган чинор япроқларига қаради.— Бу ерда чизилган манзараларнинг ҳаммасини тушимда кўрганман...

Қиз бу гапимга кулмасмикин, деб бошини кўтариб шоирнинг кўзларига тикилди. Жовид кулмас, унинг ўйчан кўзларидан майин, сеҳрли нур тараляётгандай эди.

Жовид альбомни қўлига олар экан, вужудини ҳаяжон чулғаб олди.

Олиса — ложувард осмон билан туташиб кетган, нилий гумбазлари ботаётган қуёш нурида сирли товланиб турган ҳашаматли мақбара. Осмон мангалиги билан бино улуғворлиги уйғунлашиб, одамни ҳайратга солади. Бу улуғворликни кўрганда одам ўзини мангаликка дахлдор сезади. Бундан ўн беш аср аввал қурилган бу меъморлик обидасини Зебо қаерда кўрган экан? Ахир у даврлар ҳақидаги китоблар ноёб осори атиқа бўлиб, топиш жуда қийин эди. Қуёш туркумидаги сайёralарни бундан минг йил аввал ўзлаштириб, ўз ҳукмронлигини ўрнатган миррихликлар бунақа суратларни хом хаёл меваси, дейишади. Чунки уларнинг фикрича, миррихликлар келгунча Ерда ҳеч қандай цивилизация бўлмаган, XX асрда, минг йил аввал эса «Ер одамлари ёввойилик босқичида яшаганлар». Бу гапларга ҳеч ким, Ер одамлари ҳам эътиroz билдиrmас эдилар. Фақат баъзи журналистлар ва ёзувчилар, жумладан, Жовид ҳам илгари Ерда

юксак маданият яратилганлиги ҳақида қизғин мақолалар ёзар эдилар. Ердаги ва Миррихдаги Бадий академияни тугаллаган, Адолат исмини Адага айлантирган, мартабали, машҳур робот — рассомларнинг оғзига тушган дугонаси нима учун Зебонинг устидан кулиб юрганига Жовид илгари унчалик эътибор бермас экан. Қадди-басти Зебодан қолишмайдиган, қирқилган соchlарини елкасига тушириб юрадиган, Санъат институтида расмдан дарс берадиган Ада ҳам аслида истеъдодли санъаткор эди. У Миррихдаги академияда ўқиб юрганида бошқа галактикадан келган қандайдир бир рассомга эрга теккан, бир бола кўрган. Кўп ўтмай, бегона сайёрадан келган куёви ўқишини тугатиб, Адани бир боласи билан ташлаб кетган. Ада санъатга ўзини бағишилаб, кейин эрга тегмаган, бегона сайёраликтан орттирган, ерликларнинг тилини билмайдиган боласини парваришлаб, кўп вақтини роботлар ҳаётига доир суратлар чизишга бағишиларди. Жовид ўзини санъатга бағишилган бу истеъдодли жувоннинг ҳаёти Ер одамлари учун керакмаслигини тушунар, аммо Аданинг ўзи ўз фожиасини тушунмасди. У қизишиб, ҳеч қачон Ерда санъат тараққий этган эмас, деб робот устозларининг санъатига сажда қилишини қўймас эди. Жовид шуларни хаёлидан ўтказар экан, Зебонинг янги расмларини Ада яна масхаралаб кулишини тасаввур қилди.

Альбомнинг қолган варақларида яна ҳам ғаройиб, Аданинг тили билан айтганда — но реал расмлар бор эди. Расмлардан бирида жаниатдай боғ орасида, мармар ҳовуз бўйида соз базми кўрсатилганди. Азим чинор шохлари орасидан тушиб турган ой ёғдусида мар-

мар ҳовуз ўртасидан отилаётган фаввора, оч пуштиранг ҳарир кўйлагининг этаклари ҳил-пираб, икки ўрим узун соchlари ниҳол қоматига чулғаниб, чарх айланадётган раққоса, номи унудилиб кетаётган қандайдир қадимий чолгу асбобларини чалаётган созандалар — бариси сеҳрли кўринарди.

Шоирнинг бутун вужудини ғалати ҳаяжон чулғаб олди. Ахир бу манзараларни у тушларида кўп марта кўрган эди. Ҳудди шоир Жовид сингари, Зебо ҳам табиатни қаттиқ севар, табиатни эса тарихнинг узвий бир қисми деб биларди.

— Бундан минг йил аввал ҳам Ер юзида табиат ва тарихнинг бирлигини тушунган до-нишманд одамлар ўтган,— деди Жовид қизга расмлари учун миннатдорлик билан боқар экан.— Үнинчи асрда Форобий табиатни ҳимоя қилган унга тажовуз қилишни жиноят деб баҳолаган экан.

— Қаранг, ҳамфикр одамлар минг йиллардан кейин ҳам бир-бирларини топиб оларкан,— болаларча қувонди Зебо.

— Гапингиз тўғри,— деди Жовид майса устида иккала қўли билан тиззасини қучоқлаганча кўлга тикилар экан.

Қўёш Ойнинг тоғлари ортига ботиб, кўл юзини қип-қизил «қон»га бўяган, олисдаги оққушлар ҳам қизилга бўялиб, кўринмай кетган эди.

Улар хайрлашишди.

* * *

Жовид космобусдан тушиб, кўприқ томон йўл олди. Кўприкнинг ўнг қирғонида ўттиз қаватли янги бино тушган. Бино олдида бақув-

ват бульдозер төғ-төғ тупроқ уюмини жарлик томон сурарди. Жарлик ёнбағрида неча асрлардан бери яшаб келган бақувват чинор шохлари учигача кўмилиб қолай деган эди. Бундан бир йил аввал унинг қалин шохлари орасида қушлар сайрар, ишхонасига ўтаётган шоир Жовид қадамини секинлатиб, қушлар хонишини узоқ-узоқ тинглар, хаёлга чўмар эди.

Иккинчи қаватида редакция жойлашган кўримсизгина иморат олдида юз қаватли савдо маркази биноси қад кўтара бошлагач, теварак-атрофдаги пастак, яkkам-дуккам ҳовли-жойларнинг аҳолиси аллақайларга кўчириб юборилди. Минг йиллардан бери болаларнинг қий-чувлари, шовқин-суронлари тинмаган баланд-паст кўчалардан, атрофга файз киритиб турган сершох оқ тут, марвартак тутлардан энди асар ҳам қолмади. Савдо маркази биноси узоқлардан ҳам қўриниб турсин учунни, шу орадаги ҳамма баландликлар ўйилди, пастликлар тупроқ-шағал билан тўлдирилди. Ҳаммаёқ теп-текис бўлиб, саҳро тусини олди.

Ариқларда сув жилдираб оқиб турган, болалар оқизоқ ўйнайдиган соя-салқин жойларни энди қуёш аёвсиз қиздирап, билқиллаган асфальтдан қорамой ҳиди анқирди.

Шоир Жовид ой сайин, кун сайин кўмилиб бораётган чинорга маъюс боқар экан, ҳаётнинг барча жабҳаларида баланд-пастликлар, ранг-барангликлар йўқолиб, ҳамма нарса бир хиллашиб бораётганини ҳис этди.

«Тонг» газетасининг саҳифаларидағи материаллар ҳам бир хиллашиб, қиёғасизлашиб борарди. Газетада энди қайсиdir заводда қанча минг янги робот тайёрлангани, бу ро-

ботлар қандай касбга ихтисослашгани, улар бутун Қуёш системасидаги сайёраларга қанча иқтисодий фойда келтираётгани ёзилар эди. Кўпинча, газета саҳифаларида янги роботлар ихтиро қилган инженерларнинг суратлари билан бирга оғир меҳнат қилишга чидамли, кўп йиллар ишлаётган машҳур роботларнинг суратлари босиларди. Инженерларнинг ҳам, роботларнинг ҳам қиёфалари кўпинча бир-бирига ўхшаб кетар эди. Бунинг сабабини тушуниш қийин эмасди. Инженерлар роботларни ўзларига ўхшатиб ишлар эдилар. Бу роботлар шунчалик мукаммаллашган ва одамлар шунчалик жўнлашган эдиларки, гўё улар ўртасидаги тафовут йил сайн тугаб борарди. «Тонг» редакциясида ҳам Жовид билан бирга кўпгина журналист роботлар ишларди. Эски муҳаррир мистер Ивенс Роузнинг кетишига ҳам редакцияда роботларнинг кўпайганлиги сабаб бўлди шекилли. Мистер Роуз редакцияда роботларни ишлатишга қарши эди. Тўғри, роботлар кам гонорар олса ҳам узоқ-узоқ сайёраларга командировкаларга боришар, йўлда ҳеч қандай фалокатга учрамай, эсономон қайтиб келишарди. Аммо улар борган жойларидаги муҳим воҳеаларни бутун мураккаблиги билан тушунишга ожизлик қилишар, шунинг учун нима янгилик кўришса, маъносига чуқур етмай, «ажойиб янгилик», деб мақтаб келаверар эдилар.

Бир куни Са деган журналист робот Зуҳал сайёрасининг тоғли қишлоғида пастликдан дўнгликка қараб қор кураётган роботларнинг ишини мақтаб келибди. Мистер Роуз журналистни қаттиқ уришиб берди. «Сизда Фаросат борми?— деди у дўнг ва ялтироқ пе-

шонасидаги терни шойи рўмолчаси билан артар экан.— Қорни баландга қураса яна эриб пастга оқади, фақат сув бўлиб, буни бошланғич мактабда ўқитишмаганми?»

Бошланғич мактабда роботлар ўқимаслигини муҳаррир хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Робот журналист учун муҳаррирнинг терлагани ҳам, юзи жаҳлдан қизариб кетгани ҳам, ҳансира б гапириши ҳам аҳамиятсиз эди. Чунки у инженер берган программага мувофиқ, ҳар қандай ташқи таъсирлардан заарланмай ишлаши, тўхтовсиз ишлаши керак эди. Бунинг устига у фақат ижобий материаллар ёзишга мослаштирилган эди. Шунинг учун у мабодо бирор ерда одам ўлдирган бандитни учратса, уни ҳам қаҳрамон деб мақтаб келаверар эди. Бош муҳаррир шундай хабар ёзиб келган «216-С» деган робот журналистни ишдан бўшатмоқчи эди, бўлмади. Роботлар Марказий бошқармасининг талаби билан мистер Роузнинг ўзи вазифасидан четлаштирилди. Ҳозир қаерда экан у, ўйларди Жовид. Бош муҳаррир Жовиднинг истиқболи порлоқ, даҳо шоир эканлигини тушунар, газетасида унинг шеърларига тез-тез ўрин берар эди. Мистер Роуз кетди-ю, редакцияда роботлар яна кўпайди.

Жовиднинг шеърлари жуда ихчам, бўёқларга бой, фалсафий руҳда эди. У кўпчилик шеърларида алвон чечакларни, юксак тоғларни, мусаффо тонгларни, атласранг уфқли оқшомларни улуғлар, унинг шеърлари олис сайёralардаги оддий деҳқонларга ёқар, аммо пойтахтдагилар умрида қишлоқни, тоғларни кўрмагани учун уларнинг гўзаллигини ҳис этолмас эдилар. Жовиднинг шеърларини айниқса роботлар тушунмас, идрок этолмас, шу-

нинг учун ёқтирмас эдилар. Айниқса, баъзи замонавий модернистик бўёқли шеърлари роботларни ғазабга келтиради. Бир малакали танқидчи робот, исми шарифи 213 эди шекили (роботларнинг кўпчилиги рақам билан аталарди), Жовидни «кўзларимда суюқ ҳаяжон», деган сатрлари учун роса дўппосланган, бензин, ацетон, нефть суюқдир, аммо нега ҳаяжон суюқ бўлар экан, деб масхара қилган. Роботнинг ҳаяжон нималигини, унинг ранг-тусини билмаслигига ажабланишнинг кераги йўқ эди, шунинг учун Жовид бунаقا танқидга унчалик эътибор бермасди. Зебонинг романтик руҳдаги расмларини ҳам улар найза учига олишлари турган гап эди. Жовид эндиниа портфелида ноёб альбомни — бир яrim минг йиллик тарих манзараларини кўтариб келаётганини эслади ва яна бутун вужудини ҳаяжон чулғаб олди...

Янги муҳаррир, мистер Керн шоирни одатдагидай совуқ кутиб олди. «Қани, Ойдан ни ма янгиликлар олиб келдингиз», деган нигоҳ билан уни диванга таклиф қилди.

— Санаторий машмашасида ким айбдор экан? — одатдагидай, тез асосий масалага ўтди муҳаррир ва олдиндан хулоса қилди.— Ҳар ҳолда роботлар эмасдир.

— Роботларнинг худди ўзи,— гапни чўзиб ўтиради Жовид ҳам.— Ўшаларнинг айби билан кўпчилик беморларнинг ўпкаси шамоллаган...

— Ўжарликнинг оқибати бу,— кескин гапирди янги муҳаррир.— Ўша беморларингиз вақтида ўпкаларини сунъий нусхага алмаштиришмаган. Юракларини ҳам.

— Ахир ҳалқаро қонунга кўра юрак ва

ўпкаларни алмаштириш ҳамма учун мажбурий эмас-ку!

— Ҳа, биламан,— деди муҳаррир қонуннинг шу моддасидан норози оҳангда.— Аммо мен одамларнинг осойишталигини ўйлаб гапиряпман. Мана, роботларни олинг. Улар деярли касалга чалинмайди, одамлардан учтўрт ҳисса узоқроқ яшайди.

— Гап узоқ яшашда эмас. Эркин яшашда.

— Ҳа, биламан. Аммо тез ўлгандан тез ўлмаган яхшироқ. Буни ёш гўдак ҳам тушунади.

— Ҳаммамиз эртами-кечми, йўқликка маҳкуммиз. Руҳий бойликларимиз эса мангу. Шундай экан, руҳий камолотни ўйлашимиз керак. Буни ёши улуғлар ҳам тушунавермайди.

— Менга ақл ўргатманг, ёшлиқ қиласиз,— фазаби қайнади муҳаррирнинг. Урнида бошқа одам бўлса, ранги оқариб, юраги санчиб қолиши мумкин эди. Аммо бошлиқ ўзи мақтаган роботлардай ҳеч нарсадан ҳаяжонланмас, хафа бўлмас, қувонмас эди. Бундай осойишталик, лоқайдлик ўзгаларнинг ташвиш, ҳаяжонлари, ғам-кулфатлари эвазига қўлга киришини Жовид яхши биларди. Шунга қарамай, шеф қўл остидагиларнинг ҳаммаси соглом ва осойишта яшанини, йўқ, ишлашини ўйларди. Чунки унинг ақидасига кўра, ишлашдан ташқари яшаш тарзи йўқ эди. Агар бирор ходим ишлашдан бошқа нарсани ўйлай бошласа, сезгир асбоблар буни дарҳол билиб, раҳбарликка етказишар эди. Муҳаррирнинг хонасидаги назоратчи машинанинг экранларида қайси бўлимда қайси ходим нима билан шуғулланаётгани кўриниб туради. Воқеаларни механик асбоблардай аниқ ва совуққонлик билан акс

эттириш ва ҳар хил мураккаб ҳаяжонлар таъсиридан қутқазиши учун деярли барча ходимларнинг юраклари алмаштириб қўйилганди.

Жовид сұхбатни яна ижодий сафар мавзуига бурди.

— Дарвоқе, мистер Керн, мен Ойдан сенсацион янгилик олиб келдим. Бу — талантли рассом Зебонинг тушида кашф этган табиат манзаралари. Буларнинг репродукцияларини «Тонг»да эълон қиласак, географ-биолог ва тарихчи олимлар ўртасида роса шов-шув қўзғалади. Шундай қилмасак, газетамиз материаллари бир хиллашиб, жуда нурсизлашиб кетяпти. Бунақада ўқувчиларимиздан айрилиб қолишимиз ҳеч гапмас.

Муҳаррир Жовиднинг фикрини диққат билан тинглагач, бир зум ўйланиб қолди.

— Қани, расмларни бу ёққа олинг-чи.

Жовид портфелидан авайлаб альбомни олди ва мистер Кернга узатди. У биринчи саҳифа муҳаррирда қандай таассурот қолдирап экан, деб ички бир ҳаяжон билан тикилди.

Муҳаррирнинг қизил, лўппи юзида, кўзойнаги остидаги жигарранг кўзларида ҳеч қандай ўзгариш кўринмади.

— Қадимги одамларнинг дидига кўра, бу гўзал иморат деб саналгандир, аммо ўттизинчи аср эстетикаси, айниқса, Миррих эрасининг эстетикаси бундай гўзалликни рад этади. Бу ердаги мураккаб нақшларга сарфланган меҳнат, маблағ ва асаблар билан ҳозир мингта юз қаватли универсал магазин қуриш мумкин. Ҳар ҳолда, биз буни газетамизда эълон қилолмаймиз. Мабодо, мен сиздай истеълодли журналист ва шоирнинг гапига

ишенганимда ҳам Миррихдаги матбуот трестининг раҳбарлари мени маҳаллийчиликда, яъни Ернинг ўтмишини севишда, Ер аҳлини улуғлашда айблашлари турган гап.

— Бу расмларни бошқа сабаб билан ҳам бериш мумкин.

— Қандай сабаб билан? — қизиқди мистер Керн.

— Руҳий феномен — «Тушдаги кашфиёт» сарлавҳаси билан берсак-чи? Газетхонларимиз орасида қўлма-қўл бўлиб кетади.

Муҳаррир кескин эътиroz билдириди.

— Ахир тушунсангиз-чи! Ёшингиз ўттиздан ошибди-ю, ақлингиз кирмабди. Биз учун газетхонларимиз фикрининг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Газетхонларимиз бизни сўкса, ҳақорат қилса ҳам майли. Аммо бизни у ёқдагилар маъқуллашса бўлгани.... — муҳаррир кулимсираб, қўлини кўтариб, шифт томонга ишора қилди.

Шоир мистер Керн билан суҳбат тугаганини тушунди ва альбомни авайлаб портфелига жойлади.

Чиқиб кетаётганида муҳаррир, муҳим гапи эсидан чиққандай, шоирни тўхтатди:

— Дарвоқе, янаги борганингизда Зебога тушунтириб қўйинг. Агар газетамиизда бундан буён ҳам ишлашни истаса, бунаقا «дурдона асарлар» яратишни бас қилиб, тушларини фату сувга айтсин, ха-ха-ха...

Жовид эшикни қаттиқ ёпди.

Узун коридорда олисдан Мардон уни кўриб қўл силкитди:

— Яхши келдингми? Қандай янгиликлар бор?

— Ҳаммаси эскича,— қўл силтади Жовид

ва маданият бўлими эшигини очди... Орқасидан Мардон хонага кирди.

— Янгиликлар кўп,— маъниоли шивирлади Жовид— Бир вақтлар Ерда ҳам маданият бўлган экан...

ТЕСҚАРИҚҰЗЛАР САЙЁРАСИ

Галактиканан ташқаридаги номаълум сайдараларга йўл олган фазовий кема иллюминатори олдида серсоқол, аммо күзларида ёшлик учқуни чақнаган Рустам экипаж аъзоларига қизиқ воқеаларни ҳикоя қиласр эди. Унинг қаршиисида қоп-қора сочларини чамбарак қилиб олган қора қош, қора кўз қиз Марғуба, ёнида эса кема командири, ёши юздан ошган ва соқолини тоза қирдирган, дўнг пешонаси ялтироқ Усмон ота ўтиришибди. Улар ёш бўлса ҳам дунёларни кўрган Рустамнинг ҳикоясини қизиқиб тинглашарди.

Кают-компаниянинг бир тарафида экипаж аъзолари ярим айланада ҳосил қилиб ўтиришар, уларнинг қаршиисидаги кенг саҳнада Рустам ҳикояси жонланарди. Буни оддий телевизор дейиш қийин, тўғрироғи, киши тасаввурини ҳажмий суратда моддийлаштириб берувчи голографик қурилма эди у. Кеманинг Бош Электр Мияси тасаввурни экипаж олдида моддийлаштириб кўрсатарди. Бинобарин, Рустам айтмоқчи бўлган гапларини шунчаки хаёлидан ўтказарди, холос. Голографик қурилма эса, табиийки, ниҳоятда катта тезликда ишлар, Рустам кўз олдига келтирган воқеа-ҳодисалар шу лаҳзадаёқ саҳнада намоён бўларди.

Қисқаси, Рустам ана шу тарзда «ҳикоя қилас», экипаж аъзолари эса коинотнинг олис қаъридаги бир номаълум сайдерада юз берган гаройиб воқеа-ҳодисаларни гўё ўзлари иштирок этаётгандай бевосита кўриб туришарди...

* * *

Тоғ олдидаги сайҳонлик. Қип-қизил қуёш баркаши қоялар учларини ҳам қизилга бўяб ботаётир. Сайҳонликдаги ўсиқ ўт-ўланлар орасида қоп-қора, митти одамлар илоҳий бир вазиятда ерга чўккалашган. Ўртада олов чирсиллайди. Хурофотга берилган митти одамларнинг кўзига олов орасидан қандайдир гўзал пари кўринади, у қошларини чимириб, қандайдир имо-ишоралар қилади.

* * *

Узоқда, қоялар ёнида бўйлари булутга етгудай, бошига оқ ипак салла ўраган, ипак чопонларининг олтин камарларига кескир қилич осган улкан одамлар миттиларнинг маросимини ҳайрат билан кузатиб туришарди.

Олов атрофида боши танасидан каттароқ, соқоли белига тушган, жулдур кийимлари йиртиғидан темирдай қорамтири-жигарранг бадани кўриниб турган жодугар жазава билан рақста тушиб, қичқириб дуо ўқийди:

— Ё, шайтони лайн! Бу улкан одамларнинг онгини шу қадар лақиллатгингки, улар ўзларининг бўйлари булут қадар эканлигини билмай қолсинлар! Ё, шайтони лайн! Бу улкан одамларнинг кўзларини шундай туманга ўрагинки, улар ҳамма нарсани тескари кўрадиган

бўлсинлар! Ё, шайтони лайн! Бу улкан одамларга шундай бир дори топгинки, улар буни ичиб, ўзларини митти одамлар деб ҳис этсинлар, менинг миттиларим эса уларнинг назарида улкан одамларга айлансан!

Олов ичидаги пари тилга кирди. Унинг овозини фақат жодугаргина эшитарди.

— Ахир айтганларинг осон иш эмас, эй жодугар! Ўзинг инсоф билан ўйла, ахир, беш аср аввал сиз миттиларни Жанубий денгиз томондан келган гармсел оғатидан шу улкан одамлар қутқарди-ку! Улар сенга ва миттиларингга нима ёмонлик қилишди?

Жодугар бу гаплардан бир оз саросимага тушди. Аммо ўзини тез ўнглаб олди.

— Тўғри, улкан одамлар бизни гармсел балосидан қутқарди. Бўлмаса, миттиларим ҳаммаси куйиб, қирилиб кетган бўларди. Аммо улкан одамлар ўзларининг катталиги билан мақтаниб, бизни хўрлашади. Бизнинг чиройли қизларимизни зўрлашади. Қачонгacha биз уларнинг ерида қисилиб юрамиз, уларнинг хизматини қилиб, югуриб-еламиз? Йўқ, мен, шундай улуғ жодугар, бунга йўл қўя олмайман!— Жодугар олов атрофида айланишдан тўхтаб, тиз чўкди ва қўлларини осмонга чўзиб, илтижо қилди:— Ё, шайтони лайн! Сенга бўлган буюк эътиқодим ҳаққи, сенга бўлган буюк меҳрим ҳаққи, миттиларимни бу азоблардан қутқар! Менга сеҳрли дори тайёрлаш йўлларни ўргат! Майли, бу дори менинг қонимдан ва жонимдан ясалса ҳам майли!

Оловдаги парининг кўнгли эриди шекилли, кўзларидан шодлик учқунлари сачради.

— Майли, эй жодугар, мен сенга ғаройиб дори ҳадя қиласман,— шивирлади у сирли

оҳангда.— Бу дорини зулмат кечаларда, бирор уйғоқ жон зоти қолмаганда, маҳсус қанот ясад, булутларга сепиб тушасан. Бу шундай даҳшатли дорики, у улкан одамлар бошига ёмғир бўлиб ёққанида сеҳрли ўзгариш содир бўлади. Улканларнинг онги тескари тушунадиган, кўзлари тескари кўрадиган бўлиб қолади. Уларнинг назарида сизлар тобора катталашиб, улкан бўлиб борасизлар...

Жодугарнинг кўзларида қувонч, оловдаги парининг кўзларида маъюслик жилваланди.

— Бундай гаройиб дорини ясаш осонмас,— оғир тин олиб, шивирлади пари.— Аслида мени ёндириб, олов қилиб турган ҳам мана шу дори. Уни сенга ҳадя этсам, ўзим тамом бўламан... Мен бу дорини сенинг буюк муҳаббатинг, садоқатинг учун ҳадя қиласман. Негаки, сен олов пурковчи тимсоҳ эканлигими ни била туриб, тоат-ибодатинг, дуоларинг ку чи билан мени миттиларга ҳам, улканларга ҳам гўзал пари қилиб кўрсатдинг, уларнинг бари менга ошиқ бўлишди.

Гулхан алангаси пасая бошлади, пари олов орасида йўқола бошлади... Сўнгги бор:

— Хайр, эй садоқатли жодугарим,— деган тиник, ҳасратли овози эшитилди унинг.

Олов ўчди, жодугар ер қучиб, ҳушидан кетди...

* * *

Чиройли диёр. Тоғлар, дарахтзорлар орасидан булоқлар жилға бўлиб оқади. Булоқлар атрофидаги майсазорда чарақлаган қуёш нурларида қанотлари ялтироқ ранго-ранг капалаклар ғужғон ўйнайди, ўт-ўланлар орасида чигирткалар чириллайди, Дарахтзор орасидан

югуриб чиққан дўмбоқ бола қапалак тутаман, деб устини майса босган ариқчага йиқилди. Орқасидан югуриб келган, пушти ҳарир дурра танғиган чиройли дуркун жувон болани даст кўтариб олиб, юпата бошлади. Уларнинг орқасидан норғул бир йигит бояги дўмбоқ боланинг акаларига аллақандай эртакни гапириб келар эди. Жувон энтикиб, кичкинтоини текис майса устига қўйди. У дарров акалари билан қувлашмоқ ўйнашга тушиб кетди.

Чиройли, дуркун жувон билан болаларнинг отаси жилға бўйига ўтиришди. Майса барглари учida ялтираган шудринг доналари одамнинг баҳри дилини очар эди.

Улардан нарироқда, шу атрофда, тоғ ёнбағридаги уйларидан дам олишга чиққан бошқа оиласлар ҳам сочилиб кетишган эди.

Бирдан кўк юзини кулранг булатлар тўсиб, шамол турди. У осмондан томчилай бошлаган ёмғир зарраларини тўзғитиб юборди. Ҳаммаёқни зулмат босиб, онда-сонда яшин оловли томир ота бошлади. Шамол, ёмғир ва момақалдироқ борлиқни даҳшатга буркади. Шамол бўронга айланди, яшин-чақин, момақалдироқ гумбурлаб, осмон остин-устун бўлиб кетди.

Бўйдор одамлар саросимага тушиб, қаёққа қочишиларини билмай қолишли, болаларнинг қий-чуви, бақириб йиглаши атросфни тутди.

Шу пайт булатлар орасидан момақалдироқдай қаҳқача уриб, тоғлардан ҳам баланд, олов кўзли, кўкимтири бир маҳлук пайдо бўлди. У овозини гулдуратиб, тилга кирди:

— Эй, собиқ бўйдорлар, энди ҳаммангизнинг кунингиз битди! Энди сизлар абадулабад миттиларга хизмат қиласиз! Чунки улар

сизларни Жанубий денгиз томондан келган гармсел фалокатидан асраб қолишиди. Бўлмаса, ҳаммангиз битта қолмай қирилиб кетардингиз! Қани, энди, ҳаммангиз уй-уйингизга бориб, топган-тутганларингизни миттивойларларнинг подшосига — шомонларнинг шомонига келтириб беринглар!

Қоронғи майсазордан бир неча норози овозлар эшитилди:

— Эй, кўк махлуқ! Биз сендан қўрқмаймиз! Биз шомонларнинг шомони — ёмонларнинг ёмонига тиз чўкиб, таъзим қилмаймиз!

Кўк махлуқ ғазабдан қалтираб кетди. У кўзлари баландда, узоқда бўлгани учун энгашиб, майсазорни пайпаслади. Боя норозилик билдирган одамларнинг бир нечасини хунук, улкан панжалари билан тутиб олди-да, нарироқдаги жарликда ҳосил бўлган ароқ кўлидан ҳовучида сув олиб, уларга сепди. Норозилик билдирган одамларнинг овози ғулдураб, маст-аласт хиргойи қила бошладилар. Кўк махлуқ хохолаб, уларни майсазорга қўйиб юборди...

* * *

Чанг-тўзон, шамол-бўрон тинди, аммо водий ўртасидаги сурранг булатлар мангуликка келгандай, силжимай туриб қолишиди. Ҳафталаб ёқсан ёмғир борлиқни намиқтириб, рутубатга чулғади. Заҳарли ёмғир улкан одамларнинг бутун вужудига сингиб кетгандай эди, уларнинг юриш-туришида, кўзларида энди аввалги мағрурлик ва олижаноблик учқунлари сўнган, энди улар ҳар нарсадан ҳадиксирайдиган, митти одамларни кўришса, титраб-қақшаб уларга таъзим қиладиган бўлиб қолишиди.

Миттилар эса, аксинча, улкан одамларни күрганда титраб-қақшамайдиган, уларга таъзим қилмайдиган бўлиб қолишиди. Миттиларнинг кўзларида энди мағрурлик ва нафрат учқунлари пайдо бўлди.

Заҳарли ёмғир ҳаммага тенг таъсир қилмади. Баъзи улкан одамларнинг кўзларида ҳамон мағрурлик ва олижаноблик учқунлари порларди. Бунинг сабаби шуки, даҳшатли тўстўполон бошланган вақтда Олов парисининг кўзлари осмонда порлаб узун қўллари қишлоқ аҳолисини пайпаслаб тута бошлаганида эс-ҳушларини йўқотмай, чаққонлик қилган баъзи улкан одамлар дарров тоғ-тошлар орасидаги ғорларга кириб улгуришган ва заҳарли ёмғирдан қутулиб қолишганди.

Омон қолганлар орасида Она билан Бола ҳам бор эди. Оғзи торроқ, лекин ичи кенг ғорга киришган улкан одамлар фавқулодда қиёмат-қойимдан ҳайратга, саросимага тушиб, нима қилишларини билмай, ташқарида бўлаётган ҳодисаларга даҳшат билан қараб туришарди. Тўс-тўполонда Отанинг қаёқда қолиб кетганини билмай ташвишланаётган Она ғор оғзига яқин жойдаги қора тошда Болани бағрига босганча ташқаридаги қоронғиликка боқиб ўтиради. Дўмбоқ бола ҳам тийрак кўзларини мўлтиратиб, бир фалокат юз берганини ҳис этиб туради.

— Лаънати ёмғир ҳали-бери тинмайдиганга ўхшайди,— деди ақлли кўзлари чақнаб турган дўнг пешонали, соқоли кўксига тушган улкан одам.— Яхшиси тоғ остига тушиб кетамиз. У ерларда ҳам қишлиқ уй-жойларимиз бор-ку. Бу ерга эса навбат билан соқчи қўямиз. Зулмат тарқалиб, ёғинн-сочин тиниб,

офтоб чиқиши билан бизга хабар беришади...

Бу фикр кўпчиликка маъқул тушди. Фақат **Она-Бола** жойидан жилгилари келмади.

Бояги дўнг пешонали улкан қария **Онага** тушунтиришга уринди:

— Боланинг дадасини кутиш бефойда. У маст бўлгани учун фалокатни сезмай, заҳарли ёмғир остида қолди. Энди у одамликдан чиқади, махлуққа айланади. Бу фалокат эски муқаддас китобларимизда ёзилган, эски китоблардаги гапларнинг бирортаси ҳам амалга ошмай қолмайди. Заҳарли ёмғир ҳам, махлуқларга айланиш ҳам кўпдан кутилган фалокат эди.

— Билган бўлсак нега чорасини кўрмадик? — алам билан сўради **Она**. Бошқалар ҳам жавоб кутиб, дўнг пешоналикка қараб қолишиди.

— Заҳарли ёмғир таъсир қиласлиги учун Мехр булоғининг тоза сувидан ичиб юришимиз керак эди. Афсуски, кўпчилик одамларимиз Мехр булоғидан сув ичмай қўйишиди. Улар булоқ суви ўрнига бўза, пиво, ароқ, вино ичиб юришиди. Шундай қилиб, улар заҳарли ёмғир келмасидан илгариёқ махлуқларга айланиб қолишиган, аммо буни ўzlари билишмас эди. Бу дўмбоқ — Эунинг отасини яхши танийман. У ҳали махлуққа айланмаган эди, аммо афсуски, энди заҳарли ёмғир остида қолди...

— Энди нима бўлади? — ташвишли кўзларини катта очиб сўради **Она**.

— Энди чатоқ бўлади,— яшириб ўтирмади дўнг пешонали улкан одам.— Энди унинг кўзлари тескари кўра бошлайди. Ўзини узоқ вақтларгача митти махлуқ деб ҳис қиласди,

миттилар эса унинг кўзига улкан бўлиб кўри-
нади, уларни кўрганда титраб-қақшайверади,
уларнинг югурдагига айланади...

— Эсиз, шундай улкан одам,— деди бирор.

Бу гапларни эшитган Онанинг вужудини
сўз билан ифодалаб бўлмайдиган даҳшат чул-
ғаб олди. Аммо у матонатли аёл эди, ҳозир ни-
ма қилишини билмаса-да, бу фалокатдан ха-
лос бўлиш йўли топилишига ишонардӣ.

* * *

Ҳовли ўртасидаги ишком тагида, чўғдай
гилемлар устига тўшалган атлас кўрпачалар-
да Ота безгакдан қалтираб, гоҳ музлаб, гоҳ
ўт бўлиб ёниб, алаҳсираб ётарди. Унинг боши-
да Она билан Эу парвона бўлиб, беморнинг
қақраган оғзига ҳар замонда сув томизиб ўти-
ришар эди. Бу оиласа узоқ қариндош бўлган
мовий кўзли машҳур табибнинг айтишича, бе-
мор етти кунгача ўзига келолмайди, сўнг ё у
ёқлик, ё бу ёқлик бўлади.

Оқшом чўкиб, осмонда юлдузлар чаракла-
ди. Юлдузлар нури таъсир қилдими, Ота ҳу-
шига келиб, кўзини очди. У шамчироқлар
ёруғида ялтираб турган ғуж-ғуж ҳусайнини
узумларга, сўрининг нақшли устунларига,
ҳовли тўридаги ҳашаматли, баланд устунли
айвонга аланглаб қаради. Кўзларида қандай-
дир нотаниш чўғ ялтиради:

— Ана, эшитяпсизми,— безовталанди Ота.

— Айропилонлар бомба ташлагани келяпти...

— Нега ундей дейсиз?— таажжубланди
Она.— Айропилон нима қилади бу ерда? Бу
ғўнғиллаётган ари-ку, кўзингизга бир нима
бўлдими, дадаси? Қасалмисиз?

— Йўқ, мен соғман, сизлар касалсизлар,—
қўрқа-писа эътиroz билдириди Ота.

— Йўқ, касалсиз,— пиқиллаб йиглай бошлади Она тizzасига бошини қўйиб ухлаб қолган Боласига термилиб.

* * *

Мармар кошиклари қуёш нурида ялтираб, товланиб турган, тош устунларига, деворлари-га дуо ва ҳикматлар нақш этилган мадрасанинг ҳовлисида, ҳовуз бўйидаги супаларда тор почали шевиот шим ва енгиз оқ кўйлак кийган улкан одамлар завқ-шавқ билан минбардаги митти муаллимнинг вазъзини эшишмоқда эдилар. Улканлардай енгил ёзлик кийим кийган, тилла гардишли кўзойнак таққан, ўсиқ соchlari бўйнигача тушган митти муаллим гавдасига ярашмаган йўғон овоз билан ҳовуз бўйида ўсанг минг йиллик адл чинорнинг илдизи осмондалигини ва яқинда экилганилигини исботлар эди. Улкан одамлар унинг гапларини бош иргаб маъқуллашар, бу минг йиллик чинор ҳақиқатан ҳам «муаллимлар томонидан яқинда экилгани» учун миннатдорчилик билдиришар эди.

— Биз — миттилар,— деди рухсат сўраб сўз олган улкан одамлардан бири,— шундай ажойиб чинорни экиб, бошимизга соя қилиб берганингиз учун умрбод сизлардан миннатдормиз...

Улкан одамлардан яна бири — семизлиги-дан пишиллаб аранг нафас олаётган, бети кўпган хамирдай шишган ва ҳар гапида хоҳолаб куладиган бир киши сўз олиб, аввалги нотиқнинг гапини маъқуллади:

— Биз миттилар яна шундан миннатдормизки, бизнинг юртимизда илгари бундай дарахтлар йўқ эди. Ҳаммаёқ қуруқ тогу тошва тақир чўлдан иборат эди...

Орқароқдаги супада ўтирган улкан одамлардан бири, ақлли кўзлари чақнаб турган ёш йигит, «Савол берсак майлим?»— деб қўл кўтарди. Митти муаллим тилла гардишли кўзойнагини сал кўтариб, бояги йигитга қарди ва «майли», деб ишора қилди.

— Ҳурматли муаллим, сиз бу чинорларнинг илдизи осмонда деб исботляяпсиз. Балки мен янгишаётгандирман, аммо ожиз кўзимга бу чинорларнинг илдизи ерда бўлиб кўриняпти...

Яна бир улкан йигит одоб билан сўз сўради.

— Ҳурматли муаллим, сизнинг доно фикрларингиз биз учун олтиндан қиммат. Лекин илм-фандада мунозара деган гап бор. Сизнинг бу чинорлар яқинда экилган деган фикрингиз асосан тўғри, аммо бир оз мунозарали. Негаки, бу чинорлар менинг кўзимга минг йиллик кўҳна дарахтга ўхшаб кўриняпти. Ҳурматли муаллим, кўҳна китоблардан ўқиб билишимча, бу чинорларни бизнинг ота-боболаримиз экишган экан...

— Бас!— деб бақирди жаҳлдан юзи қипқизариб кетган митти муаллим.— Мунозара деб ҳар қанақа куракда турмас гапларни айтивериш фирт нодонлик аломати. Ахир бу ерларда ҳеч қачон чинор бўлмагани маълум-ку! Сезишимча, орангизда нософ одамлар бор. Уларнинг хиралашган кўзларига дарахтларнинг илдизи ерда бўлиб кўринади. Яна бу чинорларни қадимий дейишиганига ўлайми!

Бундай носоғ талабаларга мадрасамизда ўрин йўқ.

Митти муаллим Те Ту бояги икки йигит томонга қараб, жаҳл билан гапирди:

— Сизлар куфрана гапларингиз учун узр сўранг ёки мадрасамизга иккинчи оёқ босманглар...— унинг эсига нимадир тушиб қолди шекилли, гап оҳангини ўзгартириди, узунчоқ юзидағи жаҳл ифодаси йўқолиб, ўрнига такаббурона совуқ табассум пайдо бўлди.— Йўқ, сизларни дарров ўқишдан ҳайдаш одамийлик эмас. Мана шу мадраса мударриси, ўзларингизнинг орангиздан чиққан, санъат ҳақида китоблар ёзган Ни Fo ҳафтада бир марта сизлар билан суҳбат ўтказиб, кўзингиз соғми, касалми эканлигини аниқлаб туради.

Узун бўйли, келишган гавдали, мадраса мударриси эканлигини билдириш учун доимо қовоғини солиб юрадиган, талабаларнинг саломига бирор марта ҳам алик олмайдиган, аммо митти хўжайниларнинг малайи олдида ҳам тиржайиб турадиган Ни Fo тескари кўзли талабаларга ҳам негадир улкан кўринар эди. Аммо Ни Фонинг ўзи оддий тескариқўз бўлиб, миттиларни улкан деб, ўзининг улкан ватандошларини миттилар деб биларди. Ҳозир ҳам у ўзига катта вазифа юкланганлигидан фахрланиб, олдинги супада ўтирган жойидан дарров турди, устозига қараб лабини йиголмай тиржайди, сўнг орқага ўгирилиб, ватандошларига қошлигини чимириб, қаҳр билан қарди.

Талабалар Ни Фонинг санъат назарияси ва тарихи ҳақидағи китобларини кўп ўқишган эди. Бу китобларда Ни Fo ўзи мансуб бўлган ерли халқнинг аждодлари, ота-боболари

ҳайвон бўлганлигини, уларнинг маданияти бўлмаганлигини маҳорат билан исботлаб берган эди. Ана шу сафсatalари учун Ни Foға фалсафа фанлари доктори унвони берилганди. Дарвоҷе, биз ҳикоя қилаётган ўша планетада, ўша даврда сафсатабозлик бениҳоя ривожланиб, энг муҳим фанлардан бирига айланган эди.

Ҳозир ҳам устоз таклифи билан минбарга чиққан Ни Fo эҳтимол мингинчи мартадир, ўзларининг ҳайвонлардан тарқалганлигини моҳирона исботлаб берди.

Мадраса минбаридағи қумсоатнинг қуми тўрт марта у ёқдан бу ёққа «оқиб» ўтгач, талабалар озод этилди. Улар қўй-қўзилардай ўзини дарвозага уриб, ҳар ёққа тарқаб кетишиди. Кўпчилиги ҳаяжондан кўзлари ялтираб, Ни Fo сафсatalарини мақтаб боришарди.

Чинорларнинг илдизлари осмонда эканлигини кўролмай қолган бояги икки талаба эса, Ни Fo суҳбатидан ўтгач, кўзларини даволаш учун маҳсус шифохонага юборилди. Шифохона табиблари бу талабаларни чинорларнинг илдизи осмонда эканлигига, ўзларининг эса ҳайвондан тарқалганлигига ишонтиришга уриниб кўришди. Аммо талабалар чиндан ҳам оғир касалликка учрагани туфайли «шундай равшан нарса»га ҳам ишонолмадилар.

Иккала талаба ана шундан кейин мадраса газетасида «Биз янглишган эканмиз» деган сарлавҳали баёнот эълон қилишди. Баёнотда улар чинорларнинг чиндан ҳам осмонга илдиз отиши, ўзларининг ота-боболари эса ҳайвон ўтганлиги кундай равшан ва аниқ исботланган факт эканлигини айтишган, баёнотни «фа-

қат носоғ одамларгина бунга ишонмаслиги мумкин», деб тугаллашган эдилар...

Орадан бир йил ўтди.

Мадраса мударриси Ни Фо яхши хизматла-ри туфайли бошқа каттароқ ишга кўтарилиб кетди. У Шамоллар водийсидаги барча олий ўқув юртларига мутасадди қилиб тайинланди. Унинг ўрнига мадрасага мударрис қилиб тайинланган Фа Ю ҳар қанча ўткир зеҳн эгаси бўлса ҳам талабаларни эплаштиромай қолди. Талабалар табиатдаги катта-кичик ўсимликларнинг шохлари осмонда, илдизлари ерда деб ҳисоблайдиган бўлиб қолишли. Шу орада ҳар куни ёки кун ора мадрасада жанжал чиқа бошлади. Охири талабалар орасида бирлик ўйқолди, улар бир неча гуруҳларга бўлинниб кетишли. Ҳамон кўзлари тескарилигича қолган йигит-қизлар одатдагидек чинор ва бошқа ўсимликларнинг илдизларини осмонда ҳисоблашарди. Улар ўзларига осмонилдизчилар деб ном қўйиб олишили. Уларга қарши гуруҳлар эса ўзларини ерилдизчилар, деб атай бошлашили. Бу иккала гуруҳга ҳам қўшилмаган учинчи гуруҳдагилар эса ўрта йўлдан боришиб, баъзи дараҳтларнинг илдизи осмонда, баъзилариники ерда ўсади, деган фикрни ўзларига байроқ қилиб олишили.

Буларни осмонилдизчилар ўз томонига, ерилдизчилар ўз томонига оғдириб олишга интилишар эди.

Кечагина ерилдизчилар бўлиб, дўстлари олдида: «Ҳамманинг кўзини ўнгламагунча бу ёруғ дунё менга ҳаром бўлсин!»— деб тантанали қасам ичган икки дўст — Аи билан Уи деган шоирлар кейинги вақтларда бир-бири билан келишолмай қолишили.

Мадраса газетасида Аининг «Яшасин, осмондаги илдизлар!» номли шеъри босилиб чиқди. Уи ўша куни дўстининг юзига тупурди. Аи бунга парво қилмади. Аксинча: «Сен ҳам шу руҳда шеърлар ёzsанг, тез орада бойиб кетасан, дарахтнинг илдизи ерда бўлди нимаю осмонда бўлди нима, сенга барибир эмасми!»— деб уни йўлдан ура бошлади. Уи дўстининг юзига яна тупурди. У «Яшасин ердаги илдизлар!»— деб шеър ёзди. Шеърида илдизларни ҳамиша озиқлантириб, уларга ҳаёт бағишлаётган ерни, тупроқни мадҳ этди. Аи эса унга қарши шеър ёзиб: «Ерсиз осмон бўлиши мумкин, аммо осмонсиз ер бўлиши мумкин эмас, яшасин осмон!»— деб ҳайқирди. У яна бўш келмади. У: «Ота-боболаримизнинг қони тўкилган еримни осмонга ҳам, қуёшу юлдузларга ҳам алишмайман!»— деб ёзди. Аи эса: «Бизга осмон қучогидаги бу юлдуз ҳам, у юлдуз ҳам азиз бўлаверади, бошимиз узра кенг осмон бўлса бас!»— деб ёзди.

Охири бу ғалваларга чек қўйилиб, Уининг ижодий йўли хато деб топилди ва унинг шеърларини матбуотда босиш ман этилди. Уи улкан шоир бўлса ҳам редакцияни ташлаб, хўжалик ишларига ўтиб кетди. Аи эса биринчи шоир деган унвон олиб, барча шоирларга раҳбар бўлиб кетди. Аи душманлар устидан голиб чиққач, матбуотни «осмоний» шеърларга тўлдириб юборди. Унинг ҳамма шеърлари «осмон» деган сўз билан бошланиб, «қуёш» билан тугалланар эди.

Осмонилдизчилар, яъни сарой танқидчилари Аининг бу шеъридаги бадний кашфиётлар ҳақида кўплаб қалин китоблар ёзишди. Улар ўз китобларида шоир Аининг маҳорат чўққи-

ларини эгаллаб, шеърият осмонида ёруғ юлдуз бўлиб нур сочаётганини, ўз асарларида осмонинг баландлиги ва ернинг пастлигини, осмонда эса қуёш борлигини тушунуш даражасига кўтарилганлигини, бу эса шеъриятда катта ғалаба эканлигини исботлашди.

Чинорларнинг илдизи ерда деб ишонувчи олимларнинг китоблари «реал ҳаётни акс эттирмай, уни бузиб кўрсатади», деб ҳеч нашр этилмай қўйди.

Бундай шароитда кўзлари заҳарли ёмғир таъсиридан қутулиб, борлиқни тўғри кўра бошлаган баъзи улканлар ҳам буни ҳеч кимга билдирамай, ўзларини гўё тескарикўз қилиб кўрсатавердилар. Улар, ҳатто, баъзи ҳақиқий тескарикўзлардан ҳам ошиб тушиб, қорани оқ деб, оқни қора деб ёза бошладилар. Ерилдизчилар бу олим ва шоирларни тескаравижданлар, деб аташди. Бундай олимларнинг ҳам кўплаб асарлари босилиб чиқди ва олий мукофотлар билан тақдирланди. Бу китоблар заҳарли ёмғир таъсиридан холи бўлган кўплаб болалар ва ўсмирларнинг ақлини чалкашликларга тўлдириб юборди. Чунки болалар ва ўсмирлар ҳали ҳақиқий ҳаётдан кўра китобларга кўпроқ ишонар эдилар. Шундай қилиб, улар ҳам унвонли олимларнинг китоблари руҳида вояга етиб, оқни қора дейдиган ва қорани оқ дейдиган тескари кўзларга айланиб қолдилар.

Хуллас, Шамоллар водийсидаги ҳаёт мурракаблашиб ниҳоятда чалкашиб кетди ва бу алғөв-далғовда ким тескарикўзу, ким тўғрикўз, ким ўғрию, ким тўғри, ким оқилу, ким нодон, ким ҳалолу, ким ҳаром, ким яхшию, ким ёмон — ажратиш қийин бўлиб қолди.

Бундай шароитда ҳар қандай буюк алломанинг ҳам ҳақиқатни аниқлаб олиши мушкул эди.

* * *

Бу аҳволдан қаттиқ ташвишга тушган баъзи доно одамлар яхши-ёмонни, софдил ва кирдилларни аниқловчи маҳсус асбоб яратиш ҳақида ўйлай бошладилар. Шулар орасида бизнинг қаҳрамонимиз Эў ҳам бор эди. Табиийки, бундай асбобни ҳамманинг кўзи олдида ясаш мумкин эмасди. Чунки одамлар ўзлари ҳақидаги ҳақиқатни эшлишини ва кўришни истамайдилар. Шунинг учун Эу ҳам тоғ этагидаги чакалакзор орасидан бориладиган хилват бир горга кашфиёт учун зарур бўлгани турли-туман китобларни ва ускуналарни йиға бошлади. Эу кундузи шаҳарда ишларди. У Политехника институтида фан-техниканинг фалсафий муаммоларидан дарс берарди. Дарсдан чиқиб, уйда касал ётган онасидан хабар олар, сўнг бирор баҳона топиб, енгил пойга велосипедида ғор томонга ошиқар эди. У ғор ичиди бир неча йил ишлаб, чоғроқ лаборатория қуриб олди-да, ана шу лабораторияда «Дилбин» деб аталувчи телескоп ясай бошлади.

Мана, бугун «Дилбин» қурилиши ниҳоясига етади. уни шу бугун ишга тушириб кўради. Эу велосипедда тоғ йўлида кетиб бораркан, янги асбобни ишга туширганида қандай манзаралар кўринаркин, деб ҳаяжонлана бошлади. Чакалакка етганида велосипеддан тушиб, уни буқлаб олди. Ўзига таниш сўқмоқлардан ўтиб, горга кирди. Лаборатория эшигидаги шифрли

қулғни фақат ўзи билған усул билан очиб, ичкари кирди. «Дилбин»нинг сўнгги мурватларини ўрнатиб, уни ишлашга тайёр ҳолга келтирди.

Мана, кичик телескопга ўхшащ асбобнинг ғилдираклари ҳаракатга келди. У фойдаланиш учун жуда қулай, кўп жойни эгалламас ва айниқса, энг муҳими, суюқ ёқилги ёки электр энергиясини талаб қилмас эди: «Дилбин»нинг ишга тушуви учун энг зарур манба — асбобни ишлатувчи одамнинг қалбидаги энг покиза туйгулар эди. Мана шу ёниқ туйгулар асбобнинг ичида нур ҳосил қилас, бу нур эса турли мураккаб кўзгу-линзалар орқали кучайтирилиб, қаерга йўналтирилса, ўша жойдаги руҳий жараёнларни энг нозик нуқталаригача ёрита олар эди. Мабодо туйгулари тоглардаги булоқдай тоза бўлмаган одам «Дилбин»ни ишлатаман, деб уринса, барча уринишлари зое кетар, асбоб ичида керакли миқдорда қудратли нур ҳосил бўлмас эди.

Шунинг учун «Дилбин»ни ишга тушириш Эунинг ўзи учун ҳам катта синов бўлиб, бу синовда йигитнинг ҳам энг покиза туйгулари синовдан ўтар эди.

Хайрият, Эу асбобнинг асосий мурватини бураши билан унинг ичкарисида қудратли нур оқимлари тугилганини билдирувчи чироқчалар ёниб кетди. Ҳаяжонга тушган Эу «Дилбин» нурини қаерга ва кимга тўғриласам экан, деб шошиб қолди. «Аввало ўзим яхши билған одамларга нур юбориб, асбобнинг қандай ишлашини синаб кўришим керак», ўйлади у. Шу пайт қишлоқ хўжалиги газетасида ишлайдиган новча, қорни қаппайган, сабабли-сабабсиз ҳар доим хохолаб куладиган ва ўзини барча агро-

номлардан устун қўядиган Ма Фу деган журналист таниши кўз олдига келди. Шу заҳоти телескопнинг тиниқ ойнасида семиз бир эшакнинг қулоғи, сўнг боши кўринди.

Эу аввалига бир зум ажабланиб, гангиб қолди, сўнг тасвирнинг маъносига тушуниб, ўзича кулиб юборди ва бирор кўриб қолмасин, дегандай асбобнинг мурватини бураб ўчириди. Сўнг асбобнинг ғилдиракларини айлантириб, у ёқ-бу ёққа жилдирди ва энди кимни кўрсам экан, деб ўйланиб қолди.

Асбобнинг чироғини ёқишдан аввал, бир вақтлар ўзларига табиатшуносликдан дарс берган А Шэ деган олимни эслади. Эу асбоб чироғини ёқиши билан экранда катта бир тўнка пайдо бўлди.

Эу телескопнинг чироғини ўчириб, жуда катта тоғни жойидан жилдиргандай ҳолдан тойиб, бурчакдаги эски никелланган каравотга чўзилди. У Политехника институтининг ректори Зу Ну деган профессорни кўз олдига келтирди. У кўп идораларда раҳбар бўлиб ишлаган ва меҳнатсевар, истеъододли одамларни қўллаб-қувватлагани учун кўпинча ишдан бўшатилар эди. Шунга қарамай, у янги иш жойида яна яхши одамларни қувватлар эди.

Эу ўрнидан сакраб туриб, «Дилбин»нинг кўзгусини ёқди. Экранда чакалаклар орасида салобат билан югуриб бораётган арслон пайдо бўлди. Арслоннинг бутун гавдасидан кучқудрат ёғилиб туар, аммо синчиклаб қаралса, унинг биқинларида ёввойиларнинг камалакдан отган ўқлари кўриниб қоларди.

Эу экранни ўчириб, яна каравотга чўзилди. У бошқа институтдаги яна бир ажойиб устози-

ни эслади ва туриб, яна асбобни ишга туширди. Экранда катта бир арслоннинг кўпгина тулкиларни бағрига олиб ётгани кўринди.

Эу бу тасвиринг маъносини тушунди ва тулкиларнинг афтига синчиклаб тикилди. Эу бу институтда бир неча йиллар ишлагани учун арслоннинг пинжига кириб олган тулкиларни танирди. Эу булар билан боғлиқ таассуротларни эсламасликка уринди. Усиз ҳам аҳён-аҳёнда юраги саншиб турарди. Шунга қарамай, ёмғирдан қочиб, қорга тутилгандай, тулкилар бир ёқда қолиб, «Чақин» газетаси муҳаррири Fa Fuни эслади. Улканларнинг авлодидан бўлган, истеъдодли, нозиктаъ олим Fa Fu нафис ва теран шеърларни нозик тушунарди. Шунга қарамай, у газетада бўш шеърларни кўп босиб чиқарар, теран ва ўткир шеърларни эса газетага яқинлаштирумасди. Бошқа газеталар бундай шеърларни чиқарганида эса, у ўзининг ўткир мақолалари билан гўзал, нозик ва ўткир асарлар ёзган шоирларни бу планетанинг одами эмас, улар бизга бегона, деб тўқмоқларди. Истеъдодли шоирларнинг Азроили эди у. Ўзи ўткир истеъдодли бўла туриб, бошқа истеъдодларга кун бермайдиган бу одамнинг кўнглида нималар борлигини билолмай ҳайрон эди Эу. Мана бугун унинг кўнглида нелар яширганини билиш вақти келди. Эу «Дилбин» нурини Fa Fu яшайдиган томонга қаратди ва экрандаги катта чаёни кўриб, беихтиёр ўзини орқага ташлади. Сўнг шошиб экранни ўчирди.

Эу каравотнинг суюнчиғига кафтини ёстиқ қилганича кўнглига хуш ёқадиган, дилни қувонтирадиган хушманзара жойларни, севгилиси Гул Ойнинг фаришталардай гўзал чех-

расини ўйлади. «Чеҳраси-ку, гўзал,— ўйлади Эу.— Аммо кўнгли мен учун умрбод қоронғи-лигича, сирлигича қолса керак. Ие, нега қоронғи бўлар экан? Шу бугундан бошлаб, энди бу қизнинг совуқ табассумлари замирида нима яширингани мен учун сир бўлмай қолади.» Эу сакраб ўрнидан турди ва қаттиқ ҳаяжонда «Дилбин»нинг чироғини ёқди.

Тиниқ экранда аввал Гул Ойнинг гўзал чеҳраси, сўнг унинг юраги ўрнини эгаллаган каттакон тош аниқ кўринди. Тош мармардай силлиқ ва турли ранглар жилосига бой эди. Эу қизнинг юраги ўрнида тошни кўриб ажабланмади. Ўзи ҳам тош бўлса керак, деб ўйлаб юради.

Эу «Дилбин» экранидаги гўзал тошга узоқ тикилиб қолди. У рангли тошдан кўзини узолмасди. Сўнг хаёлининг қайсиdir хилват бурчакларидан: «Умринг шу тошга қараб ўтиб кетаверадими? Дунёга келиб нима қилдинг?»— деган аччиқ фикр жилғаси наҳрга айланиб, тўлиб-тошиб, бутун вужудини ғарқ қилди. Эу гўё бировнинг қўли билан ўчиргандай, «Дилбин» чироғини ўчирди.

У каравотга ўзини ташлаб, қалин соқолини тутамлаганича отасини, онасини ўйлади. Эс-эс билади, ота-оналари чиройли ва улкан одамлар эди. Аммо Шамоллар водийсига фалокат етгач, отаси тескарикўзга айланиб, кўп ўтмай оламдан ўтди. Онаси эса қандайдир оғир касалга чалиниб, ҳамон ўзига келмайди. Кишлоқдаги тогалариникида ётибди.

Эу ўсиб-улғайган йиллар тескарикўзлар даврига тўғри келади. Улкан одамларнинг кўзлари узоқ йиллар олами тескари кўриб келдилар.

Улкан вақтларида улар ўзларини миттилармиз, деб, улкан ишлар бизнинг ишимиз эмас, деб келдилар. Жодугарлар юборган заҳарли ёмғир уларнинг қон-жонига сингиб кетди. Ниҳоят, улар чиндан ҳам митти одамларга айланиб кетдилар. Йиллар ўтиб улар оламни тўғри кўра бошлаганларида ҳам аввалги — тескарикўзлик вақтидаги одатларидан кечмадилар. Чунки улар оламни тўғри кўриш серташвиш эканлигини сездилар. Улканлар учун завқли бўлган ташвишлар эса миттиларга ёқмас, уларнинг ғалвасиз, жанжалсиз оромли яшашига халал берар эди. Шунинг учун улар бир-биримизни ва ўз-ўзимизни алдасак ҳам, виждоннимизни йўқотсак ҳам оромда, роҳатда яшайлик, деган ақидага ёпишиб олдилар. Виждони сақланиб қолган битта-яримта одам уларнинг ашаддий душманига айланди.

«Мана бу «Дилбин»ни кўриб қолишсами, уни ихтироисига қўшиб тилка-пора қилиб ташлашади,— ўйлади Эу катта қора кўзларини форнинг фируза рангга бўялган шифтларига тикиб.— Еки улар кўнгилларининг қоронғи тубида нималар ётганини кўриб, инсофга келишармикин, кўзлари очилармикин?.. Йўқ, улар очиқ кўз билан ҳам ҳақиқатни кўришмайди, тўғриси, кўришни исташмайди. Э воҳ, қани аввалги улкан одамлар!..»

* * *

Юлдузкезар кема каютасида тўпланиб, кино кўриб ўтирган фазогирлар экрандаги Эунинг сўнгги хитобини эшишиб, оҳ, деб юборишиди. Кема каютасидаги голографик телевизорда барча манзаралар, воқеалар ҳажми,

ранги, реал уфқи билан ростакамдай кўринар ва иродали, совуққон фазогирларга ҳам қаттиқ таъсир кўрсатар эди.

— Диққат! Митти юлдузлар тўпига яқинлашяпмиз! Булар ичида Миттилар юлдузи ёки Тескарикўзлилар сайёраси ҳам бор!— эълон қилди Рустам иллюминатор ойнага қараб.— Бу юлдузлардаги ақлли мавжудотларнинг тарихи ва яшаш шароитини ҳозиргина ҳаммамиз кўрдик.

Ҳамма сеҳрлангандаи бир экранга, бир Рустамга қараб, Миттилар юлдузи қаҳрамони Эу билан Рустам худди бир томчи сувдай ўхшашлигини сезиб қолишиди.

— Ҳа, адашғанларингиз йўқ,— деди Рустам атрофдагиларга кулимсираб.— Тўғри, Эу — менинг ўзим.

Ўтирганларнинг ҳайрати ортиб, бир-бирлашиб савол назари билан қараб қолишиди.

Рустам ўзига ярашиб турган қалин қора соқолини тутамлаб, кулимсираб жавоб берди:

— Қандай қилиб сизларга — ерликларга қўшилиб қолганим алоҳида бир ҳикоя бўлади. Буни фурсати келганда айтиб бераман.

«БИЗ БИЛМАГАН ДҮНЕ» *

Биз яшаб турган куррани аслида Ер эмас, Океан деб аташ түғрироқ бўларди. Зотан сайёрамизнинг 70 процентдан кўпроқ қисми Дунё океанидан иборат. Ана шу ҳад-ҳудудсиз Баҳри Мұхит қаърида соп-саноқсиз жопи-ворлар яшайди.

Теша Зоҳидов,
зоология фанлари доктори, УЗССР ФА
академиги Ҳиндистондаги ҳалқаро зооло-
гия Академиясининг ҳақиқий аъзоси

Тоғлар оралиғидаги қишлоғимизда бир куни ғалати меҳмон пайдо бўлиб қолди. Бу мусоғир кишининг ёшини билиш қийин эди, иягида озгина мош-гуруч соқоли бор, чол бўлиб чолга, йигит бўлиб йигитга ўхшамас, аммо чақнаган кўзларида бир олам маъно бор эди. Ҳар ҳолда, ёши анчага борган бўлиши керак.

Қачонлардир қишлоғимизда етим қолган Асад деган бола олис юртларга кетиб қолган экан. Энди орадан кўп йиллар ўтиб, ўша бола қишлоғимизга Асад бобо бўлиб келибди. Меҳмон Абдуқодир ота деган узоқ қариндошини топиб, унинг ҳовлисига тушган эди.

Ез охири бўлишига қарамай, ҳовли салқин, кўприги кўчага олиб чиқадиган анҳор ва унинг лабидаги якка тут бутун ҳовлига соя ташлаган эди.

Одатга кўра тўп-тўп бўлиб, Асад бобони кўргани келишар, меҳмон эса оғирсингандай муомала қилас, одамларни хуш кўрмаётганлиги қўрс сўзларидан билиниб қоларди.

* Ҳикоя Исҳоқтой Жуманов билан биргаликда ёзилган.

Лекин одамлар бунга аҳамият бермагандай,
Асад бобонинг ташвишини қилишарди.

— Мехмон бизникида тураверсалар ҳам
бўлади, уйимиз кенггина,— деди Абдуқодир
ота Асад бобога эшииттириб. Чол эса индама-
дию ишлатилаверганидан ғалати тус ва шакл
олган трубкасини чукур тортиб қўйди.

— Ўзига бир бошпана бўлгани яхши-да,—
деди Шораҳмат сувчи,— ана, шаҳардан уй-
ли-жойли бўлиб кетган Остонақулнинг уйи
қаровсиз бўш ётибди. Ё шундай яшаб тура-
версинлар, ё савдо қилиб олиб берайлик.

— Нархи қанақа бўлади? Бувада уйга
етарли пул топилармикин,— деди жонсарак
Сирожиддин хуш кўрмай.

— Э, бир қишлоқ одамга бир уйнинг пули
нима деган гап,— деди Шораҳмат ака,— ка-
лити менда. Остонақул «савдоси келса тўрт-
та чол билан бамаслаҳат сотсангиз майли,
қаровсиз қолди», деган эди. Нима дейсизлар?

Асад бобо сўри панжарасига суюнганича
ҳануз индамай трубкасини тортиб зимдан ку-
затиб турарди. Одамлар уни хижолат бўлма-
син деб, атай суҳбатга жалб қилмасдилар.

— Мен санаганман — ўттиз бешта тераги
бор. Яроқли. Ўн икки туп олма, ўрик, шафто-
ли, ҳовлиси ўн беш сўтих, лекин томи қамиш
бўлганлиги учун шу етти минг сўмларга рози
бўлади,— деди Йўлдошбек ака дона-дона қи-
либ.

— Кўпчиликни бўйнига тушар экан. Беш
минг ҳам камлик қилмайди,— деди Сирожид-
дин оғриниб.

Асад бобо эса бир йўталиб, ёнидан пул
чиқариб ўртага қўйди. Бир қанча вақт ҳамма
жим қолди.

— Ана, бу ёғиям бита қолди,— деди Шораҳмат сувчи ва пулни олиб санай бошлади.

Ҳамманинг кўзи пулда-ю, 5 сўмлик, 10 сўмлик, 3 сўмликлар сирғалиб ўтган сари фикран санаардилар.

— 7800 сўм экан,— деди ҳаммадан олдин овозини баландлатиб, чеккароқда ўтирган Сирожиддин. Унинг мамнунлиги овозидан сезилиб турарди.

Шораҳмат пулдан 1800 сўм санаб, Асад бобога қайтариб берди-да:

— Қани, қўлни беринг, бобо, рози бўлинг, яхшиликка буюрсин,— деди дадиллик билан.

— Раҳмат,— деди Асад бобо папиросининг чўғини ўчириб кетга ташларкан.— Раҳмат, қишлоқдошларим. Эллик йил дом-дараксиз кетиб, яккабошлигимча қайтиб келганимда ҳам шунчалик қайғуряпсиз. Мендан қайтмаса, бошқалардан қайтсин. Вақти келиб, ҳаммасини айтиб бераман. Қани, уйга борайлик — меҳмоним бўлинглар.

— Фурсати бўлиб қолар,— деб қишлоқдошлар ҳар нарсани баҳона қилиб бирин-кетин тарқала бошладилар.

Чол уларни дарвозагача кузатиб туриб, гапиришга тараддуллангандай, ўйталди. Ҳамма унга қаради.

— Қаерда эдинг, қаердан келдинг, деб сўрамадинглар ҳам. Вақти келиб, ҳаммасини айтиб бераман,— деди. Унинг бу сўзлари менинг тинчимни олганди. Бобонинг кечмишларини эшитишга маврид излардим.

Бир дам олиш куни эрта туриб, Асад бобонинг уйига келдим. У кўпчилик чолларининг одатига қарши бамайлихотир қаттиқ ухлаб ётарди. Мен уни ботинмайгина уйғотдим-да:

— Ота,— дедим эҳтиёткорлик билан,— район газетасида ёзишибдики, Зармас дарасидан қўшни қишлоқлик подачи бўри ўлдириб топширган экан, бузоқ билан мукофотлашибди. Биз ҳам бир уриниб кўрмаймизми?

— Газетада ёзишган бўлса ростдир, уринсак уринаверамиз,— деди бобо юзини ювиб келгач, матросча телняжжасига артар экан.

Мен ҳеч қандай бўри тута олмаслигимизни билардим, лекин чолни ишонтириш учун қопқон, арқон, қоп ва егулик нарсалар ғамлаб олгандим. Ундан-бундан гаплашиб, Зармас дарасига етиб келдик. Қулайгина жой танладик-да, анжомларимизни саранжомлаган бўлдик. Мен қуруқ чўплардан тўплаб олов ёқдим-да, олиб келган гўшт, помидордан чишиқларга териб, қўлбола кабоб қила бошлидим. Қўрига думбул кўмдим.

Озгина ўтмай, даранинг беғубор, тоза ҳавосини пишаётган кабоб ва думбулнинг иштача қитиқловчи хуш иси тутиб кетди. Қуёш баланд қоялардан ошган, сой сувининг шовиллаши эшитилиб туради.

* * *

Тоза ҳаво, ширин таом, танани яйратувчи шаффоф сув кайфиятимизни кўтариб юборган, мен чол ҳикояларини тинглашдан ҳам кўра шеър ёзгим, қўшиқ тўқигим келарди.

Чол мен кутмаганимда:

— Ишонмайсан-да, хоҳласанг, жуда ғалати воқеа гапириб берардим,— деди жонланиб. Гулхандан қизариб кетган кўзларидан самимият нури томгандай эдӣ.— Ҳарбий хизматдан бўшагач, савдо кемасига матрос бўлиб жой-

лашдим. Деярли бутун дунёни айланиб чиққан эдим. Одатдагидай кемамиз буғдой ва нефть ортиб йўлга чиқди. Исландиядан ўтиб, Гренландияга яқинлашганимизда радиодан қаттиқ тўғон бўлади деб огоҳлантириши. Тажрибали денгизчилар ҳам ҳавонинг авзойида ноқ бўлажак қаттиқ курашдан юраклари чўчиб туришарди. Кема капитани Гренландия ороли атрофидан бирорта қўлтиқ топиб, кутишга буйруқ берди.

Кема кўм-кўк сувлари чайқалиб турган қўлтиққа лангар ташлади. Бу ерда икки ярим сутка қолиб кетдик. Агар матрос учун хизмат фақат океанда сузишдан иборат бўлганида у охиригача сабри етмай бу ишдан воз кечган бўларди. Уларниям кўпроқ янги-янги мамлакатлар, одамлар, ороллар ва жойлар қизиқтиради. Оролларни сайр қилиб келиш учун б соатга рухсат этилгач, тўдаларга бўлиниб, қайнұларга ўтирдик-да, оролга сузиб кетдик. Шерикларим оролга сузиб боргунимизчаёқ ҳафсаламни тушириб, навбатчиликни менга юклашди. Наҳотки мен б соатгача сувнинг чайқалишидан кўнглим айниб ўтирсам, яна хушомад учун эллик грамм ром беришганига ўлайми. Аччиқ қилиб ичмадим... Улар эса куйиниш ва хафалигимни назарларига ҳам илмай тантанали оҳангда қайиқни менга, мени эса худога топширганликларини эълон қилишиб, ҳатто муғамбир Пётр мени ўпиди, ёлрондакам йиғлаб олди-да, қояларга ўрмалашди. Улар кетгач, мен ўзимни ёлғизликдан қамоқда ўтиргандек ҳис эта бошладим Улардан ўч олишнинг турли усувларини тузабошладим. Лекин жаҳлим чиқиб турганиданми, тузукроқ фикр кела қолмади. Қайиқни улар

келадиган жойдан олиб кетиб, бошқа биронта жойга яширмоқчи бўлиб, суза бошладим. Каттагина қайиқни бир ўзим бошқаришим қийин, у менга эмас, тўлқин домига бўйсунарди. Юришга юриб қўйиб, ваҳимага тушиб қолдим, қайигим билан очиқ денгизга чиқиб кетсан-а. Тўлқин аксинча қирғоққа урмоқчи бўларди. Тўлқин билан курашиб, икки соатча вақт ўтиб кетди. Қирғоғи жуда паст камарга кириб қолган эдим. Атрофимни илиқлик ўрагандай бўлди, сувга қўлимни тиқсам, жуда илиқ экан, яқин-атрофда катта булоқ чиқиб, сувларни иситаётган бўлса керак. Қирғоққа яқинлашдим. Шу пайт сувда сузиб юрган жуда ҳам ялпоқ балиқни кўргандай бўлдиму синчиклаб тикилдим, йўқ, балиқмас, лекин балиққа ўхшайди, ялтираб нур қайтаряпти. Қайиқни ўз ҳолига қўйиб, тикила бошлаганимда негадир баҳтим бароридан келиб ноёб топилма учратгандай юрагим шув этиб кетди. У нарса сувда бир ярим метр чуқурликда сувга чўкмай, юзига ҳам қалқиб чиқмай муаллақ турарди. Ўйлаб ўтирмай сувга шўнгидим, эсим қурсин, ҳатто кийимларимни ечиб бемалол шошилмай олсам ҳам бўларкану олиб чиққач, ҳўл кийим билан қайиққа чиқиб олишим қийин бўлди. Ўлжани сувга тушириб юбормай деб қайиққа ташлаб, ўзим қайиққа чиқмоқчи бўлсам, қайиқ оғиб кетар, ичига сув кириб мен чиқиб ололмасдим. Барин бир бўлмади, қайиқни тўнтариб, чўктириб юбордим. Мен учун ҳақиқий даҳшат бошланган эди. Қайиқ тўнтарилиб, сувга тўлаётганде топилма қалқиб чиқиб кетган экан, кўзимга фалокат бўлиб кўриниб кетди. Шундай бўлса ҳам уни олиб қирғоққа қараб суза

бошладим. Чиқиб олгач, кийимларимни сиқиб тошга ёйдим-да, совуқда қалтираб, топилманы кўра бошладим. Агар бу буюмни безаб турган баъзи ялтироқ безаклари бўлмаганида, бирорта фалокатдан чўккан кемадан қолган чарм ёстиқ деб аламимдан улоқтирган бўлардим. Кўздан кечира бошладим. Бу нарса китобга ўхшаган бўлиб, нотекис варақлари балиқ пуфаги пардаларига ёзилган эди. Муқоваси балиқ терисидан бўлиб, турли гавҳарлар билан безатилган эди. Қизил сиёҳ билан «Биз билмаган дунё»,— деб ёзилганди. Ёзувлар ҳинд алифбесида эди. Менинг қайси бир мамлакатга борсам, шу миллат тилини ўрганиш одатим шу жойда фойда берди. Океанинг узоқ кема йўлларидаги бекорчиликдан ўтказган машғулотларим, мана, лоақал шу ерда қўл келди.

Лекин бу менинг ҳозирги ҳолатимга таскин беролмасди. Ҳамроҳларимни топиш ва улар ёрдамида қайиқни сув остидан олиб чиқишишимиз, кемамизга етиб олишимиз керак эди. Уриницларим яна беҳуда бўлиб чиқди. Қояли тошлардан тик бўлганлиги учун ўтиш мумкин эмас, ягона йўл — сузиб ўтиш керак. Ҳозирги шароитда эса сузиш ҳаётга қасд қилган одам учунгина ярашади. Энди мени қидириб топишларини кутишдан бошқа чорам йўқ эди. Қоронғи тушиб қолганди. Ҳали қуримаган кийимларимни кийиб олиб, мени фалокатга гирифтор қилган китобни бошимга қўйиб, букчайиб ётиб олдим. Соат тунги 23лар эди. Ухлаёлмай ётганимда чироқ кўриниб, қирғоқ бўйлаб кела бошлади. Ҳам умид, ҳам ташвиш билан шайлана бошладим. Кема прожекторлари билан қирғоқни ахтариб келар-

ди. Улар яқинлаша бошлаганларида томоғимни йиртгудек бўлиб бақира бошладим. Улар ҳам узоқ қидирмай топиша қолишибди. Етиб келишай дейишганда, энди нима дейман, деган савол ўйлантириб қўйди. Нима десам ҳам барибир айборман, қайиқни қутқаролсак яхши, ололмасак, катта пул тўласам керак-да. Қайиқдагилар ҳаммаси шерикларим эди, уларниям қидириб топишган шекилли. Уларни-ку, тез топишгандир, чунки улар ҳеч бўлмаса, гулхан ёқишгандир ахир.

— Нима бўлди, қайиқ қани? — деди старший матрос Макар.

— Фалокат юз берди, ағдарилдим.

— Қандай қилиб? Сен хавфсиз жойда әдинг-ку!

— Сизлардан яшириниб, қидиртирмоқчи эдим. Тўлқин суриб кетди. Кейин ағдарилдим.

Китоб ҳақида индамадим. Унда китобдан айрилиб қолишим мумкин эди. Ҳар ҳолда, ундаги безакларга бўлган қизғаниш мени ушлаб турарди. Ҳозир тергов қилишнинг мавриди эмасди. Катерга чиқдигу мен қайиқ чўкиб кетган жойни мўлжаллаб кўрсатдим.

Матросларнинг бир нечтаси ипак арқони белларига боғлаб, фонарлар билан шўнғидилар. Ярим соат фурсат ўтгач, ипак арқонларда шатакка олинган қайиқ сув бетига чиқди. Ёнидан туриб сувларини сепиб ташладик-да, кемамизга шатакка олинган ҳолда судраб кетдик. Энди мен жуда ҳам ўнғайсизланар, гапларим самимий эмаслигини ҳис этиб, жаҳлим чиқарди.

Шундан кейин то ҳиндча луғат топиб китобни инглизчага ва инглизчани русчага ағдариб мағзини тушуниб олгунимча жуда кўп

воқеалар бўлиб ўтди, эшитсанг арзигулик. Лекин мен сенга асосий гапни айтганим йўқ, фақат сени ишонсин деб, исботу далилигача узоқроқдан бошладим. Кемага келгач, қулай фурсат топиб безаклари бор муқовасини кўчириб олмоқчи бўлдиму виждоним чидамади. Ҳар ҳолда, саккиз синфлик маълумотим бор эди. Армия хизматини кўрганман, дафтарни ҳалиям яшириб юрганимнинг ўзини катта жиноят ҳисоблардим. Хуллас, ҳозиргacha ҳеч кимга билдирамай, ватанимизга қайтгач, ё музейга, ё бирон илмий муассасага топширмоқчи бўлдим:

Кемада ҳаёт одатдагича давом этарди. Устингда зангори губорсиз осмон, атрофингда тўлқинлар. Дунё фақат сув ва осмондан иборатми, деб ўйлайсан. Бундай пайтларда биз матрослар учун деярли иш бўлмасди. Кўпинча эртадан-кечгача бирор эрмак топиб вақт ўтказасан. Баъзан юрагинг сиқилиб, ичингни нимадир тирнаётганга ўхшайди. Шундай пайтларда гўё битмас-туганмас бойлигим хаёлан арши аълога олиб чиқар, шуҳрат тоғларида қудратли ҳайкалдек савлат тўкардим. Ё газеталарда помимни ёздириб оламга довруқ солгим келарди. Ақлнинг чегараси бор, аммо аҳмоқликнинг чегараси бўлмайди, деганларидек, баъзан шу арзимаган аллақандай чўқкан кеманинг чириндисини табаррук қилмай безагини кўчириб ол-да, айш-ишратга ўч бирорта хонимнинг бўйнига илиб қўй, деган фикрлар ҳам келди. Балки намунча қизиқиб қолдингиз, шу нарса икки тилдан лугат ахтариб юрганингизга арзирмиди, дерсан. Агар тасодифий очган варақлардан мен қандайдир йигитнинг океан остига тушиб қолиб,

Робинзондек ҳаёт кечирганини билиб қолмаганимда...

Мениң тентак деб ҳисоблашларини сезмайди, деб ўйлайсанми? Ҳаммасини, ҳатто озгина тентакнамо бўлиб, савдойи бўлиб қолганимни ҳам сезаман, ҳаммасига сабабчи шу орол ва шу дафтар. Балки у бирор ёзувчининг эълон қилинмаган асаридир. Унда нега у балиқ пурфакчаларига ёзилган? Дафтарда ёзилишича, илмий-текшириш экспедицияси Тубуан оролларида бўларди. Топиб олган жойим дунёнинг бутунлай тескари чеккаси. Қандай қилиб дафтар учта океанини босиб ўтди экан?

Балки дафтарнинг ўзида шу саволларга жавоб топилар? Луғатлар ёрдамида кўп машиқатлар билан дафтарни варақлай бошладим...

* * *

«Энг аввало, сиздан сўрайдиганим бу ёзганларимни қандайдир эртак, ёки фантастик ишқибозлик деб эмас, ўн тўққиз ёшлик ҳинд йигитнинг самимий нидоси деб билинг. Буни ёзиш осонлик билан бўлмади. Агар қоним билан ёзишга тўғри келганида буни осонроқ деб билардим. Сиз барча орзу-интилишларингизни амалга оширишга қодирсиз. Қудратингиз чексиз, осмону фалакни, коинотни кўрасиз.

Вақти келиб, қуёш ҳам измингизда бўлар, балки ўз қуёшингиз бўлар. Унгача ҳам сиздан минглаб, миллионлаб кўп жаҳонни сифдиришга, боқишга қодир бўлган океанларда шаҳарларингиз дунёга келади. Бу шаҳарларда одамлар яшайдилар ва ишлайдилар. Сиз оддий океан сувини кислородга айлантирувчи жажжи аппа-

ратлар ясайсиз, бу миллиардлаб инсонларни сувда ҳам ердагидек ҳаёт кечиришга имкон беради. Сув остида жуда катта гигант заводлар, комбинатлар комплекси қурилади. Идрокингиз, қудратингиз чексиз. Шундай замонлар келарки, океандан Ойга, бошқа сайёralарга бориб келиш имкони бўлади. Ўнда эса одамзод барча касалликлардан халос, умри эса туганмас бўлади.

Қандай қилиб шундай хулосаларга келганимни, нимага хаёлпаст бўлиб қолганимни сизга тушунтиришга уринаман. Агар мен бунинг учун қанча-қанча онгли мавжудотларни қурбон қилиб, юраклари пардасини қофоз ўрнига ишлатганим ҳаққи, бу ёзилганлар сиз инсониятга қандайдир тасодифлар билан бўласям етиб борилса эди, юқорида ёзганларим албатта амалга ошади... Етиб боролмаса, табиатнинг мен воқиф бўлган бу улкан сири сирлигича қолса керак.

Эндигина шуҳрат ёя бошлаган орзуманда йигит эдим. Вилоят газеталарининг бирида мен ҳақимда ёзиб чиқишибди. Унчалик шуҳратпаст эмасман-ку, лекин ёзишгани ёқди. Тўғриси, ёзишга арзигули ишлар қилиб, одам оёғи етмаган жойларга, ҳатто бирорта ҳайвон, қуш чиқолмаган чўққиларга чиққан эдик. Бир куни хат келтириб беришди. Машҳур япон океанографи профессор Ёсано мени ишга таклиф қилибди. Контракт тузишни сўрабди. Маоши ҳозир топадиган пулимдан иккни ярим марта кўп бўлиб, қиладиган ишим — маҳсус скафандрлар кийиб, океан остидан имкон борича чуқурроқ тушиб, ўсимлик ва ҳайвонлардан коллекция йиғиш керак экан. Мени бу таклиф қувонтиришидан олдин озгина ўй-

лантириб қўйди. Ахир мен тоққа, баландликка чиқиши бўйича шуғулланган бўлсам, қандай қилиб, энди пастликка, сув остига тушувни лозим кўришибди? Хуллас, розилигимни билдирган хатни (ҳинд тилида) ёзив, Японияга жўнатдим. 20 кунлардан кейин менинг номимга пул ва чақириқ қофози келди. Идорамиздагилар «Сизни маълум муддатга командировка тариқасида Японияга жўнатамиз», дейишди. Энди тайёрланиб турганимда профессор Ёсанодан телеграмма олдим. Унда мени Японияга боришимнинг ҳожати йўқлиги, қидирув ишлари Австралия ороллари атрофида бўлишини ва тезда ўзлари етиб келишларини ёзишибди.

Тез орада янги қизиқарли касбимга ўрганиб олдим. Экспедициямизда мендан бошқа иккита бақувват япон йигитлари — Кондзё ва Нидзё, негр йигитлари Том билан Жим ва мен — беш киши эдик. Профессоримиз ҳаммамизни ҳурмат қиласар, озгина ишлаб, кўпинча дам олардик. Лабораториялар билан безанганд мўъжазгина кемачамизда яна ошпазлик вазифасиниям бажарувчи ассистентдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Фақат ёқилғи олишга гоҳида шаҳарга борардик. Сув остига тушиш ҳам баланд тоққа чиқишидек инсондан жисмоний куч, катта чидам талаб қиласарди. Ишлай бошлаганимизга қўп вақт ўтмади. Мен толеимдан мамнун, ҳатто бир умр шу жойда сидқидилдан ҳалол ишлашга рози эдим.

Жисмоний чидамлиликда бошқаларга нисбатан кўпроқ имкониятларим борлиги учунми, чуқур зоналарда менга ишонишарди. Ўзимдан хотиржам эдим.

Якшанба куни дам олаётган эдик. Радио-

грамма олдик. Профессор Ёсанони халқаро олимлар кенгашига таклиф қилишибди. Душанба куни соат 12^{oo} да вертолёт раҳбаримизни Японияга олиб кетди. Биз кундалик машғулотимизни тұхтатып, зерикіб ҳам қолдик. Үнчә кучли бўлмаган шамол кемамизни тебратар, лекин мотор ўчирилган, тўлқин ихтиёрида эдик.

Кислородларни тежаш борасидан ўзимизча сув остига тушиш ҳуқуқимиз йўқ эса-да, офтобда товланиб ётганимизда қора танли Том Ўолнинг чифаноқлар териш орзуси бизни ҳам қизиқтириб қўйди. Ўзбошимчалик билан кийиниб, жиҳозландик-да, сувга шўнғидик. Кемада Кондзё ва Нидзё билан асистент Раж қолди. Турган жойимиз анча чуқур экан, босим пастроққа тушишга имкон бермасди. Имоишоралар билан сув ости тоғларини қидиришини таклиф қилган эдим, шерикларим дарҳол рози бўлишди. Тарқалдик. Бу жойлар ҳали ўрганилмаган бўлиб, профессор Ёсано кўрсатмалариға асосан изланишимиз керак эди. Ярим милчаям сузганим йўқ эдики, кўзим ниҳоятда ялтироқ, қизларнинг ялтироқ тақинчоқларидек нур берувчи ғалати жониворга тушди. Қизиқиб қолиб, эҳтиёт шартлигини унутдиму гўё янги олам кашф этгандай, қичқириб юбордим, негадир, овозим чиқмади. Уни аввал металл деб ўйладим. Йўқ, тирик мавжудот экан, аъзолари бор, маълум жойларида безаклар. Шу пайт у мени ўзига торта бошлади. Жон-жаҳдим билан типирчилар, лекин ўзимни тобора ўнглаёлмаган ҳолда бошим пастда, оёғим баландда, орқам билан унга сурилардим. Унга яқинлашган сарим тезлик ортиб борарди. Ниҳоят унга баллон-

ларим бориб урилди. Назаримда менинг уришларимдан кучлироқ магнит майдони мени ўзига жипслаб олган эди.

Ток берувчи денгиз илонлари борлигини билардиму аммо ўйлаганим түғри бўлса, бу жуда кучли магнитли ҳайвон эди. Негадир унинг олдида ожиз эдим. Мавжудот ҳам чамамда ўзи истамагани ҳолда жипслаб қўйганди. Баллоним билан бориб урилишим уни чўчитиб юборган бўлса керак. Мен ақл-хўшигаям келолмай, жуда катта тезликда қаёқладир отилдигу сузиг кета бошладик. У ўзини мендан ажратиб олмоқчи бўлиб, шундай силкинардики, сув ичидаги бўлсаям, ҳозир бутун аъзойим узилиб кетади, деб ўйлардим.

Баллонлар билан танамни жипслаб турган тасмаларни узиб юборишга уринсанда, эплолмадим. Сув ичидаги бўлишимга қарамай, қайноқ сувдагидек қизиб кета бошладим. Қизиқ, шундай катта тезлик қаёқдан пайдо бўлди экан? Шу вақт баллоннинг қалпоғи нимагадир урилиб, жаранглаб кетди. Биз унча катта бўлмаган туннелдан кетардик, ўша тезликда деворларга сирғалиб, кўп марта бурилишларига дуч келдик. Туннелнинг чеки йўқка ўхшаб туюларди. Асабларим ниҳоятда толиқкан, тириклигимнинг сўнгги минутларини ўтказаётгандай ҳис этардим.

Ниҳоят қандайдир балчиқ — лавага ўхшаш, лекин тиниқ суюқлик ичидан ўта бошладигу тезлигимиз сезиларли камая бордида, бирдан атроф ёришиб кетди. Биз қандайдир пардани йиртиб ўтганимиздай, баллонлардан бири мендан ажраб, эргаштириб келган мавжудот билан кетди. Мен гоҳ оппоқ, гоҳ зангори, гоҳ яшил, камалакранг булутларда су-

зиб юрардиму эркин, ҳеч қандай босим кучини сезмасдим. Агар ер юзига чиқа олганимда учинчи, юзинчи, ҳатто мингинчи оламнинг борлигини исботлардим. Таажжублардан мияларим ёрилиб кетай дерди. Толиққан асабларим озонли ҳавода учеб юргандагидек ором олиб, фикрларим тиниқлаша борди. Кислородим аллақачон тугаши лозим эди, лекин ҳануз bemalol, тўйиб-тўйиб нафас олардим. Сувнинг ниҳоятда мулойимлигидан баллонни ажратиб кўрганимдаям негадир эркин нафас олавердим. Озгинагина сув ичсан, у ҳавога айланниб, бурнимдан пуфакчалар чиқар, лекин кўтарилимай сувга айланарди.

Эҳтимол олимлар бу ҳодисани аллақачон очгандирлару мен хабарсиздирман? Шунгаям қарамай, эҳтиётдан яна кислород баллонни билан жиҳозланиб олдим. Аммо кўп ўтмай, қизиқсиниб, яна баллонни ечиб кўрдим. Гўё ҳаво сийрак чўққида нафас олаётгандай эдим. Таажжубдан теримга сифмасдим. Нега ҳавосиз ҳам яшяпман? Нега фавқулодда зич босим, кислород зарраларининг чиқиб кетишига йўл қўймаган босим мени эзиб ташламайди? Бу мўъжизавий жумбоқни тушуниб етишга ақл бовар қилмасди. Чамамда бу ерда суюқ ҳаво зарралари бор эди. Шу ерга келгунимча неча бор ана ўлдим, мана ўляпман, деб ҳадик олишларим тарқаб, ҳаётни ўйлай бошлиладим. Оз вақт ўтмай, атрофимни бу олам эгалари қуршаб олишди. Уларни бир кўришда сув парилари деб ўйладим. Аммо улар дельфинларга ўхшаб кетишарди. Мен ҳар лаҳзада бирор фалокат кутиб, лол турадим. Шу пайт мавжудотларнинг деярли ҳаммаси менга яқинлашди. Баданим оғриқ кутиб, жон ҳо-

латда ўзимни ҳимоя қилмоқчи бўлиб типирчилардиму бефойда эди. Лекин мен кутган оғриқ ўрнига танамни қандайдир парилар қитиқлаётгандек туйғуни ҳис этдим. Улар оғизларидан пуфакчалар чиқариб, лабларини турли шаклларда ўзгартириб сўзлашаётгандарини ифодалардилар. Кейин заарсизлигими ни ҳис этишди шекилли, ўз ишлари билан кетишиди.

Бутунлай бошқа муҳитга тушиб қолишим, озон эритмасида сузиш иштаҳами очиб юборди. Аввал ҳалиги «аҳолидан» бирортасини ушлаб есаммикан, деган хәёлга келдим. Лекин юрак дов бермади. Юзимдаги ғаввослар ниқобини олиб ташладим-да, товланаётган ранг-баранг ленталар ва арқонларга ўхшаш ўсимликлардан тотиб кўрдим. Ёқиб қолди. Уларда чала пиширилган тухум сарифининг, балиқ икраларининг мазаси бор эди. Чанқаганимда тўйиб сув ичдим, гўё сув ошқозонда ҳавога айланиб кетарди. Шундай қилиб, номаълум оламдаги ҳаётим бошланиб кетди...

* * *

Дастлабки кунлардаёқ бу ажойиб, лекин одам учун ўрганилмаган жойдан қутулиш чораларини ўйлаб, изландим. Мени эргаштириб келган мавжудот жуда катта тезликда сузгани учун жуда олис масофани босиб ўтган бўлсак керак. Бу ердан чиқиб кетиш учун куч ҳам етмаса керак балки. Нима ҳам дердим, ҳар ҳолда тирикман-ку. Яна бирорта мўъжиза кутиб қутулишни умид қилишдан бошқа чора йўқ эди.

Кунлар ўтиши билан мени қийнаётган ёл-

ғизликтан қутулишни үйларканман, атрофимдаги мингларча сув ўсимликларини то-тиб, синааб күрардим. Шундай ўсимликлар бор эдики, таъми ва мазаларига қараб мен уларга жұжа, бўрсиқ гўшти номларини қўйган эдим. Чамамда бу таомлар шу қадар баланд калорияли эдики, тўйиб овқатлангач, ғайратим жўшиб, қудратимни нимага сарф қилишни билмасдим.

Орадан уч-тўрт ойлар ўтгач, гўё бўйим ўсиб, суякларим йўғонлашгандай бўлди. Тирноқларим ўсиб кетган, бу тезроқ сузишимга ёрдам берарди. Кунларнинг ўтишини ухлаб-ўғонишимга қараб ҳисоблардим.

Ажойиб ҳодисалардан яна бири шуки, сув ости чуқур бўлишига қарамай, қоронғи эмас, тиник, шаффоғ ёғдули эди.

Неча марта бирорта қирғоқ — чеккага етиш учун сафар қилдим, лекин фойдаси бўлмади. Сув тубига қараб ҳам бир неча бор сафар қилдим. Қоронғилашардию тагига етолмасдим. Юқорига сузиш эса жуда қийин, гўё остидан кучли магнит тортаётгандай. Шундай бўлса ҳам мен кўп уринишлардан кейин, қиялаб узоқ сузиб, жуда улкан сув ости тоғининг остида эканлигимни чамаладим. Сув ости тоғи балки минглаб квадрат километрdir. Мен физика қонунлари билан унчалик таниш эмасман. Агар улкан тоғ сувни қисган бўлса, сув қисилиб у ҳам қарши таъсир кўрсатган бўлса, балки шунинг учун муаллақ, бемалол юргандирмиз? Одамзод одамлилигини қиларкан-да. Мен тоғнинг остини синчиклаб ўргана бошладим. Биринчи кўрининг жойлариёқ ёруғлик тарататётгандек бўларди. Мен тоғ ости бўйлаб кўп суздим, аммо охирига етолмаганим учун

орқага қайтдим. Ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Уран рудалари нур чиқарип, мени заҳарламаётганмикан, деган ваҳимали хаёллар келарди. Куч билан пастга ва орқага суздим. Шу жойлардаги сувнинг мазаси қорамой аралаштирилганга ўхшарди. Мени бўғиб қўяй дерди. Ниҳоят енгил сувларга чиқиб олдиму, ниқобларни ечдим. Энди кислородли баллонни бекорга кўтариб юрганимни сездим. Баллонни қўйиб юборган эдим — ў ҳам муаллақ, эркин сузиб юрарди. Энди фақат юзимда ниқобнинг баллонга уланган найчалари қолганди. Нафас олиш енгиллашди. Иккала найчадан нафас оляпман шекилли.

Энди вақт жуда тез ўтиб бораётганга ўхшарди. Янги-янги жойларни кашф этиб, маконимни ўзгартириб юрардим. Шундай катта имкониятларни кўриб ҳам суюнардим, ҳам куюнардим. Ахир бу беҳисоб табиат ноз-неъматлари билан неча асрлар бутун инсониятни таъминласа бўларди. Таъминлагандаям ўрни узлуксиз тўлиб турадиган манбадан таъминлаш мумкин эди.

Кейинчалик бориб, бу ерда яшовчи сувхайвонларининг ниҳоятда онглилигини ҳис этдим. Балки буларни ҳайвон деб аташ хотүғридир. Мен ҳис этганларимни тафаккуримда шарҳлаб, ҳайратларимни кимга баён этишини билмасдим. Бир куни уйқудан уйғонганимда менга тикилиб турган, биринчи марта бу ерда кўрган зотни кўрдим. Назаримда у тикилибмас, термилиб турарди. Аввали, менга зиён етказмоқчими, деб эҳтиётландим. Қандайдир хавф кута бошладим, у фирузадек ялтираган чиройли кўзларини менга қадаганди. Унинг кўзларида онгимга, «Кўрқма сенга ҳеч

қачон ёмонлик қилмайман», деган фикр қу-
йилгандай бўлди. Биз бир-биризни тушу-
ниб, ёнма-ён сузиб кетдик. Бирор нарсани
дилимдан ўтказсан, ҳамроҳим дарҳол тушу-
нарди. Мен нонушта қилмоқликни ўйлаб, би-
рор ўсимлик ейиш истагида аланглагандим,
у мени чорлагандай қаергадир бошлади. Унга
эргашиб йўл-йўлакай лентасимон япроқлар-
дан узиб ея бошладим. У эса кўзларини биз
кулганимизда бўладигандай чақнатиб, буни
ема, деб ишора бергандай бўлди-да, пастроқ
щўнғиб лавлагига ўхшаган, лекин олма маза-
сини берувчи ўсимликни оғзи билан суғуриб
чиқариб менга тутди. Мен хурсанд бўлиб, то-
тиб кўриб, ея бошладим.

Кўлимни чўзиб унга ҳам бердим, чиройли
офизчини очиб ея бошлади. Бу ҳаётимдаги
ўзгаришнинг бошланиши эди. Сув остида ол-
дингидек ёлғиз эмасдим, жуда онгли ҳамроҳим
бор эди. Унинг фикрларимни кучли телепатдай
уқа олиши ва бора-бора менда ҳам бу ноёб ис-
теъдодни уйғотиб ривожлантира бориши ден-
гиз оламининг менга қоронги томонларини ёри-
та бошлади. Турли фантастик романларда
тасвирланган коинотдаги ғоят онгли мавжу-
дотларнинг ақл бовар қилмас хусусиятлари
ҳақида ўқигандим улар орасига тушиб қола-
ман, деб сира ўйламаган эдим. Ҳали бу олам-
дан муфассал кўникма ҳосил қилмаёқ — у
менга йўл бошловчидек, эргашишга ундаёт-
ганлигини ҳис этдим. Бора-бора эртаклар
оламининг ҳайратомуз манзараси ичida биз
билган-кўрган ранглардан ҳам бошқа, бой
ранг-баранг табиат кўрки ичida муаллақ бо-
рардик. Йирик-йирик фирузалар — гавҳар
тошларга ўралган ва ўзидан ёруғлик чиқарув-

чи, сайқал берилган нақшларга ўхшовчи мавжудотлар — ранг-баранг юлдузли шаффоф осмонни эслатарди. Йўл бошловчи мени қандайdir имо-ишора билан ўзига ўхшаш мавжудотлар тўдасига эргаштириб келди. Қизиқиш ва озгина хавотир билан кузатиб, нимадир юз беришини кутдим. Ҳамроҳим тўда орасидаги кўркам ва йирик мавжудот олдига бориб тикилганича бир зум жимиб қолди. Қолганлари ҳам унинг гапини тинглаётгандек жимиб қолишиди. Майдароқлари мени ўраб олиб, ҳидлаб кўришгандай баданимга бир-бир тегиб-тегиб олишиди. Гарчи менга хавф туғдиришмаётган бўлса-да, акулалар тўдасига тушиб қолган ожиз балиқдек иложсиз ва лол эдим. Ҳалиги улкан жим турганлари энди доира, тик вертикал доира ясасиб, бир неча қатор сафга тизишиди. Ҳамроҳим мени ҳамма доиралардан олиб ўтди. Бу доиралардан ўтиб борганимиз сари конус ичига яқинлашгандай доира кичрайиб бораради. Ниҳоят йўл бошловчим ҳали маслаҳатлашган кўркам йирик мавжудот олдига бордим. У кўзларимдан бутун фикримни тортиб олмоқчидек синовчан тикиларди. Чамаси, мен унда шубҳа, қўрқинч туйғусини уйғотмадим. Аслида фикрлай олиш даражасида эмасдим. Бир зумда конуссимон доирали саф бузилиб, мен билан яна бошлаб келган ҳамроҳимгина қолди. Қўринишидан улар тўдасида хавф туғдирмаганимдан ва менга қизиқиб қолишишганлигидан ҳамроҳим мамнунга ўхшарди. Ҳаёлимга буларнинг тўдасида ҳам онгли ижтимоий қонун-қоидалар бўлса-я, деган фикр келди. Бизга яқинлашаётган ва ҳамроҳимнинг пинжига эркалангандай яқинлашган мавжудотлар хаёлимни бўлди. Болалари шекилли,

бирмунча вақт улар мени турли муқомлари билан лол қилди. Уларни қолдириб, бу нотаниш дунёга түзукроқ күникиш истагида ҳуш-әрлик билан суза бошладим. Ранг-баранг тиник, шаффофф сув гуллари ва дараҳтлари юрагимни сиқаётган ёлғизлик, құрқинч, умидсизликни қувиб, мени чалғитиб борарди. Мусаффо, озонлашган суюқлик ақлимни тиниклаштириб, кайфиятимни күттарған, үзимни яхши ҳис этардим. Мен учун ақл бовар қилмас мүъжизалар таърифини ҳозир шарҳлай олмайман, балки вақтлар ўтиб, бирмунча аён бўлар.

Эҳтимол, сув оламининг қайси бир чеккасида чексиз катталиктаги вакуум ҳосил бўлгандир. Босимлари ҳар тарафлама баравар бўлган кенгликда инсонга сувнинг катта босим кучи хавф солмасди. Қандайдир мен билмайдиган куч чуқур сув остидаги босимни мўътадиллаштириб туради. Қандай қилиб чуқур сув остида шунчалик улкан ғовак ҳосил бўлган экан? Балки илгари бу ерларда катта газ запаси бўлгандир, кейин гази чиқиб кетгач, қаттиқ жисмлар билан йўл бекилгану вакуум ҳосил қилган, бўшлиқ бора-бора сув буғлари ва ўсимлик оқсиллари билан тўла борган. Турли томондан таъсир қилаётган босим ўзига хос ҳаёт шароитини яратган бўлиши мумкин. Ёруғлик, ранг-баранглик, шаффофлик ҳам табиат мўъжизаси бўлиб, бу ерда осмондаги юлдузлар мисол жонли ва ақлли ўсимликларнинг галалари ҳаёт кечиришарди. Ҳисобсиз ўсимликлар ўрмоннинг тараққиёти — қатлам-қатлам хом ашё запасларини ҳосил қилиб, қатлам устидан яна ўсимлик вояга етар — мевалар етилиб, жипслашгандай ғана

қатламга қўшиларди. Демак, ерга қадар қатлам-қатлам ўсимлик тоғлари ҳам мавжуд бўлиши керак.

Кўп вақт ўтган бўлишига қарамай, ухлай олганим йўқ. Қуруқликда инсон икки-уч кун ухламаса, ҳолсизланиб, гарангсиб қолади. Мен эса вақт ҳисобидан янглишган бўлсам ҳам кўп вақт тинимсиз фикр ва ҳаракатдаману руҳим тетик эди. Хавотирланишлар ҳам иродамга ирода қўшдими — уйқу ҳақида ўйламасдан қўйдим.

Ниҳоят, бу оламда биринчи кечани ухлаб ўтказишга журъат этдим. Тириклигимга таҳдид солувчи сабаб учратмаганимданми, руҳим бўшашиб, кўзларимни уйқу торта борди. Уйқуга кетишим билан шундай ажойиб туш оғушида бўлдимки, бундай тушни фақатгина шу муаллақ оламда кўриш мумкин эди. Гўё мен эртакларда тасвирланган жаннат оламида бекаму кўст, баҳтли ва фароғатда эдим. Мен парилар назорати ва кўмагида сут кўлида чўмилар ва бундан бениҳоя лаззатланар эдим. Атрофимда дилимга қўрқинч солаётган улкан ва ақлли беҳисоб илонсимон сузувчилар менинг беозор эркалашарди. Шу топда боши танасидан ҳам катта бир йирик сузувчи яқинимга келиб, оғзидағи таажжубли қопқоғини кўтарганида мен унинг қизил ва ҳаворанг ички аъзоларини кўрдим. У мени чорлагандай, оғзи очиқ ҳолда кутиб туради. Мен жон-жаҳдим билан тиришиб тўлғанар ва ғулғулали таҳдиддан ўзимни қутқаришга интилардим. Ҳаракатларимни илонга ўхшаш сузувчининг кўзларидан тўсатдан оққан ёруғлик чилпарчин қилди. Ёруғлик таъсирида кўзларимни юмдиму иложсиз мени ундаётган оқим комига йўналдим.

Еруғлик тиниб, күзимни очганимда илон тиллари икки қўлимдан ўраганча мени айлантиради.

Одам қўрқинчли туш кўраётган, алаҳсираётган, босинқираётган пайтида баъзан ҳушёр тортади-ю, даҳшатли воқеалар туш эканлигини ҳис этиб, ўзига таскин беради. Мен ҳам бу гирдобни туш деб ўйладим, лекин қанча уринмай уйғониб кетолмас эдим.

Ниҳоят улкан сузувчи мени тили билан бўғзига йўналтириб қўлларимни бўшатди. Лекин мен ҳали на таналаримга ботирилган заҳарли тишлар азобини, на бўғилиш азобини татидим. Бўғзида ётган бўлсам-да, парқуда ағанаётгандай эдим.

Эндиғина қуёш уфққа яширинганда бўладиган ғира-шира ёруғликда мен янги маконимни кўздан кечирдим. Кишига завқ берувчи ғоят нафис, ранг-баранг аъзолар, ичаксимон ўсимликлар аста-секин оёқ-қўлларимни ўрадию ғувиллаган овоз эшитилиб, ниҳоятда катта тезликда кетаётганимизни ҳис этдим.

Баъзан шунда қайрилиш, қисилишларга дуч келардимки, бу бир вақтнинг ўзида ҳам хавотирли, ҳам гаштли эди. Шундан кейин мен юқорига ва яна тўғрига кетаётганимизни ҳис этдим. Синчиклаб қарасам, қора суюқлик ичиди кетаётибмиз. Бу сафар жуда узоқ вақт давом этди. Тўхтаганимизда мен бу толиқтириб қўйган узоқ тушдан силтаниб уйғонишга интилиб кўрсам-да, бўлмади. Шу пайт сузувчи аввал газ, сўнг суюқлик чиқарди-да, яна тезлик билан орқага қочди. Уч юз метрлар нарига бизни қаттиқ шамол тўлқини силтаб итқитди ва гумбурлаш эштилди. Яна орқага суза бошлаб, суюқлик ва газ қолдирган жой

мұлжалыға етиб келганимизда ёйилиб кенг-ликка оқаётган суюқлик ва ёруғ оламни ҳисэтдім.

Мени олиб келган халоскорим шу зумдаёқ эригандай шиллиқ суюқликка айланиб қолди. Мен эса ёруғ оламда әдим! Лекин құмга ташланған балиқдек ҳаво етишмасди — ўпкам-димогимни аччиқ чангли ҳаво ачитиб, нафасим қисиларди. Атрофимда оқаётган қора суюқлик — нефть экан. Бир соаттар чамаси түлғаниб ётганимда, вертолётларнинг овози әшитилди, сүнгра пастлаб учиб келаётган вертолётлар күринди.

Ёруғ дунёда, инсон ёруғликсиз ҳаёт кечиролмайдиган дунёда әдим. Лекин саҳренинг жазирама иссиғи, ҳаво етишмаётганилиги, ташналиқ мени ҳозир ҳалок әтадигандай әди.

Үйланиб ўтиришга фурсат йўқ, ҳозир вертолётлар қўнади-ю, авария юз берган жойни ямашади, мен эса бу иссиқ ҳавода бўғилиб ҳалок бўламан. Қандай қутулиш керак?

Ана, қулоқларимни гаранг қилай деб вертолёт қўниб, овозини ўчирди. Ичидан чиққан одамлар яшикларда асбоб-ускуналарини тушира бошладилар. Мен мажолсиз — кўзимни яrim очиб ётибман. Улар инглизча сўзи-лари билан бақиришиб, яқинлаша бошлашди. Сариқ сочлиси мени кўриб қолиб мен томонга бурилган әди, оғзига сигара қистиргани жеркиб тўнғиллади. Улар нефть булоғи ёйилиб чиқаётган қудуқ оғзидек ёрилган темир қувурлар олдида тўхташди, кимдир вертолётга югуриб кетди — учувчи бўлса керак. Вертолёт овози яна қаттиқ әшитилиб, учиб кетди. Шундан кейингина менга қизиқсаниб тенамга

келишди. Сариқ сочлisisи қувонч билан қич-қириб юбордию, устимга энгашди. Күкрагимда жүхоридек катталикда қимматбаҳо тош ёпишиб қолган — киши күзини оларди. Сигара чекаётгани пружинали пичогини чиқардиди, тошни ушлаб атрофни ўйиб-кесиб ола бошлади. Наркозсиз қилинганды операция оғриғидан ҳушимдан кетаёздим. Төшни бир одам олган бўлишига қарамай, шовқин солишар, баравар тақсимлашни таклиф қилаётганды бўлишса керак. Сигарали киши шовқинни босиб, менга ишора қилди. Менинг мажолим йўқ. Жон-жаҳдим билан қочиб қутулишга талпинардим, лекин фақат онгим ишлаб, оёқ-қўлларим жонсиз эди. Мени биринчи сезган сариқ сочлisisи болға билан бошимга тўрт марта қаттиқ-қаттиқ урди. Синган бош суюгимдан қон оқиб юзу кўзимни қоплар, даҳшатли оғриқ ва азобда ҳатто ҳалиям тириклигимда, бир умр қийноққа ҳукм қилингандай ҳис этардим. Бундан олдинги барча яшаганим ҳамма-ҳаммаси ўрнига фақат шу оғриқ бор эди. Улар оёғимдан ушлаб судраша бошлашиди. Пачоқланган бош ерда судралиб тортилмоқда эди — нефть булогини менинг жасадим билан бекитмоқчилик ботиришди-ю, гўё сўнгги нафасни чиқардим...

* * *

Кўзимни очганимда яна ўша ям-яшил қатлами дунёда, лекин уйқуга кетган жойимдан бошқа жойда эдим. Мени бошлаб келган биринчи кўрганим сузувчи мавжудот қўлимдан бир қанотига қистириб, ўзига эргаштириб юради. Кўзимни очишм билан менга меҳ-

рибонлик қилғандай, атрофимдан айланарди. Даҳшатли туш кўрганимга ишонсанда, бошимни ушлаб кўрдим. Хаёллар оғушида, ёйилиб ётган сув ўсимликларидан тотиб кўришга тутиндим. Дастлабки узган кенг қалин япроғим шакарқамиш мазасини бериб, ширали эди. Чўчинқираб озгина едиму кўнглимга уриб қолди. Бошқаси, семиз ўтга ўхшаган ўсимлик — қора икрага ўхшаб шўртанг ва ейишли эди. Озгина еб, шу билан кифояланишга қарор қилдим. Ҳамроҳим мевали ўсимликлар олдига келиб мени ейишга ундаётгандай қараб турарди. Шу маҳал иккита сузувчи ҳамроҳим олдига келди. Наҳотки болалари бўлса? Биринчи кўрганимда улар кичкинароқ эди. Ё уйқудан тургунимча шунчалик ўсишдими? Таажжуб! Наҳотки бир уйқудан уйғонганимга қадар шундай тез ўсишган бўлса? Ё узоқ ухладими? Ё кўрган тушим ҳақиқатми? Бу олам сирлари ҳали мен учун мавҳум бўлганидек, ҳозирги ҳолатим ҳам мавҳум эди.

Мен ҳали бу бепоён дунёни кезиб чиққанимча йўқ. Атрофимдаги қатламли сув ўсимлиги ўрмонларидан атиги икки хилини тотиб кўрдим, холос. Қани энди бу чексиз оламга инсоният эътиборини қаратса — изласа, қидирса, топса — ўз меҳнати самараси, яратувчилигини борлиқни яксон қилиш, қириш, куйдириш, вайрон қилишга сарфламай — бу чексиз манбани ўзлаштиrsa. Ер юзида нафас олаётган уч ярим миллиард тирик жон бутун кучларини фақат яшаш, яратиш, қурилишга, ноз-неъматлар этиштиришга сарфлаганда оч-наҳор миллион-миллион одамлар тўқ ва фаровонликда яшаган бўлардилар. Бу ҳақда орзу қилмаган онгли одам бўлмаса керак. Мени замонавий

Робинзон аҳволига солиб қўйган бу сув ости ороли бутун-бутун оламни ўзига сифдирадигандай эди. Лекин қандай қилиб? Инсоннинг чексиз узоқликдаги юлдузларга етиб бориши нақадар мураккаб ва қийин бўлгани каби менинг ҳам бу ерга етиб келишим қийин эди. Қани энди, қандай қилиб бўлса ҳам инсониятга шарпа билдира олсам. Бу кўраётганларим тушми, ҳақиқатми? Қарама-қарши фикрлар оғушида бепоён маконимни кўздан кечиргани сузив келдим. Онда-сонда учраб қолган турли шакл ва катталиктаги сузувчилар менга бир муддат тикилишиб қолишар, сўнг сузишда давом этардилар. Катта, чиройли гиламлардек — қалин япроқли улкан ўсимликларнинг орасидан баъзан айланиб, сузив ўтишга тўғри келарди. Ажиб ва яна ажиб. Ойнадек тиниқ ва кумушдек ялтироқ хумларга ўхшаш ўсимликларният тотиб кўрдим. Назаримда ерда, бу сув ўсимлиги ўсганида уни ғоят қимматли безак ва дори-дармон олинувчи дараҳт сифатида кўпайтиришган бўларди.

Оёқни секин қимирлатиб қўйиш билан каттагина тезликда узоқ сузиш мумкин эди. Агар эҳтиёт қилинмаса, катта тезлик билан улкан ўсимликка бориб урилиш мумкин. Мен кенг ва тоза деб ўйлаган жойда худди шундай бўлди. Завқ билан оёқларимни уч марта тез силкитдиму сирғалиб ўзимни ўнглай олмай, шундай катта тезликда сузив кетдимки, ўзимни тўхтатаман деб бошимни бурдиму ёним билан тез айланишда марказдан қочган жисм синғари тез учив бориб, бир шаҳарни ўз ичига сифдириши мумкин бўладиган тўрдек ўсимликлар ёйилмасига бориб урилдим. Анча жойгача сузив кетганим билан давоми йўқ

дек. Чиқиб кетишим жуда мушкул әди. Түрли ўсимлик осонгина узилар, лекин тезда чиқиб бўлмасди. Ўсимликдан еб кўрдим. Қовурилган қўзиқориндай хуштаъм әди. Озгина еб, ўзимни тўқ ва тетик ҳис этдим. Катта буғдорзордаги сичқондек бир чекқадан еб ётаверсам ҳам бўларди. Лекин мен яна сузишни — бу сув олами ниҳоясига етишни, кўришни истардим. Орқага қайтиб қутулиб чиқиб кетишини ўйлаш ҳам бефойда, чунки қайси тарафдан келганимни аниқлаб бўлмасди. Бир тарафга қараб, бир-бирига чалкашиб кетган соchlардек ипли ўсимликларни узиб қутулишга интилишда давом этдим. Узлуксиз ишлаб уч марта тамадди қилдим — ҳар сафар ўтхўрлардек ҳузурланиб иштаҳа билан ер ва тўйгач, гайрат билан эринмай йўл очардим. Икки марта ухлаб олдим. Ўсимликларни узарканман, гулларни топтаётгандай кўзим қиймасди. Лекин чиқиб кетишим керак әди.

Учинчи марта ухлашга тараддуланаётганимда, елка тарафимда инстинкт — чақириқ ҳис қилгандай бўлиб ўгирилдим. Хоҳиш-иродамга бўйсунмай, турли ўсимликлар ёйилмасидан очган одам сигарли туннслимдан орқага қайтдим. Турли ўсимликлардан қутулиб чиқишим билан халоскоримни — сув ости дўстимни кўрдим. У менга самимий қувонч билан қаарарди — ақлли, товланаётгандай порлаган кўзлари ахволимни билиб тургандай әди.

— Раҳмат, азизим! Сиздан миннатдорман,— дедим. У кўзларимга диққат билан тикилиб турди-да, битта доира ясад айланди. Фикрни уқа олиш хусусияти туфайли гапиришимдан олдин у миннатдорлигини маълум қилган әди.

— Энди қаерга борсак экан-а, вақтингиз бўлса, мени саир қилдира олмайсизми?— Мен бу гўзал мезбондан шаффоф оламни тезроқ кўрсатиши илтимос қилдим. Овозимни шаффофлашган муҳит майнин қилиб таратарди. Бу оламда биринчи марта инсонча гапирдим. Шу пайт мен яна ҳам воёб хусусиятнинг гувоҳи бўлдим. Йўқ, бу хусусият эмас,— мўъжиза ёки... нега мен ақлдан озмаяпман — қаердасиз, одамлар, қаердасиз, олимлар, сизни чексиз имкониятлар манбай — сувдаги ҳаёт олами кутмоқда, эшитинг, мен эшитяпман — сув париси гапиряпти! Ҳа-ҳа, гапирди, худди менинг овозимдай майнин гапирди. Аввал у «Раҳмат, азизим, сиздан миннатдорман»,— деди. Сўнг «Вақтингиз бўлса саир қилдира олмайсизми?»—деди. Ҳа-ҳа, худди шундай деди ёки овозим акс садо бериб қайтиб ўзимга шундай эшитилдими?

— Сита! Мен сизни Сита деб атайман, менинг энг севимли қаҳрамоним — «Рамаяна» достонидағи маҳбубанинг исми бу. У кўзларимга қараб туриб, худди меникидай овоз билан ва ҳар сўзга урғу бериб гапирди:

— Сита! Рамаяна достони,— деди. Сўнг: «Раҳмат, азизим», деб қўшиб қўйди. Мен уни қучоқлаб ўпдим, кўзларидан, қанотларидан ўпдим. У эса ҳаяжондан ўзини қўйишга жой тополмаётгандек севинчдан тўлқинланиб сузиб кетди. Мен ҳам эргашдим.

Янги-янги таассуротлар ва ниҳоятда мўъжизали ранг-барагн олам мени тобора инсоният мезонидаги таассуротларимдан узоқлаштириб борарди. Сита хаёлга берилгандек индамас, гўё мени унутгандек эди. Анчагина масофани сузиб ўтганимизда мен ниҳоят чанг-

түзөндөн күринаңыз қуәш нуридек хира
ёруғ берувчи учбұрчак жисмни пайқаб қол-
диму Ситага мурожаат қылдим:

— Сита, менга анави ёруғ чиқараётган ни-
ма эканлигини айтиб беролмайсизми?

Чамамда ўзиям мени шу ёруғлик томонға
бошлаб келяпти. Яқинлашганимиз сари ёруғ-
лик гоҳ равшанлашиб, гоҳ хиралашып борар-
ди, шу билан бирликда учбұрчакли ёруғлик-
нинг бир жойда турмай, ҳаракатда эканлигини
ҳам сездим. Энди биз ҳар қанча тезликда ин-
тилмайлик — орадаги масофа бир хилда эди.
Агар бизни жалб қылған бошқа сабаблар бўл-
маганды — биз яна ёруғликка интилишда кўп
уринган бўлардик. Ниҳоятда улкан денгиз
чиғаноғига ўхшаш мавжудот кенг ва катта
қопқоқларини очиб-ёпиб бизни чорлаётганга
ўхшарди. Сита кўзларимга далда берувчи маъ-
нода қараб қўйди. Яқинлашганимизда мен
қопқоқлар очилганда — чамамда инсоният
асрлар бўйи бир-бирининг қонини тўкишга са-
баб бўлған катта бойликни, ниҳоятда нодир
ёқутлар, ферузаларни кўрдим. Бу улкан чиға-
ноқ эмас, ер юзида катта бир давлатнинг бой-
лигига teng бўлған қимматли, асл тошлари
бор жонли музей эди. Асл тошлардан тара-
лаётган нур мени барча иллату касалликлар-
дан даволаётгандай эди. Мен гўрим шу бир
дунё бойлик ичида бўлиши мумкинлигидан
хавотирланиб, ўзимни четга олдим, лекин Си-
та хотиржам, йўлини ўзгартирмай, товлана-
ётган жисмлар томон йўналди. Ҳам бойликка
интилиш, ҳам Ситани қутқариш ҳисси бир
зум мени ҳам қопқоқларга ундали — лекин
журъат қила олмадим. Сита шу пайт гўё эшик-
дан чиққандай ёнимда пайдо бўлди. Оғзида

ер юзида энг бой одам бўлишим учун етарли бўлган йирик асл тош бор эди. Сита бу тошлар олдида эсанкирашимдан улар менга қувонч бағишлишини ҳис этиб, олиб чиққан эди.

* * *

Бу ёзаётганларим ҳаммаси эртакка ўхшаб кетяпти — қандай ёза олганларим тафсилотини кейинроқ баён қиласман. Ёзишга интилиб, биринчи сўзларни ёғли ва қизил рангли сув гиёҳлари билан ёза бошлаганимда нима демоқчи бўлганларим, ўзимнинг ярим озон, ярим буғ оламида муаллақ юрганимдек, хаёлим ва тасаввуримда муаллақ мавҳум эди.

Мен фикрга тўлган пайтларимда Сита ўзидан ғойиб бўлар ва бирор муаммога дуч келсам, гўё онгимдаги фикру ўйлар уни чорлагандек — бир зумда ёнимда пайдо бўлар эди. Кетаётуб, айсберг музларидек шаффоғ товланувчи улкан-улкан сув тоғларини кўриб қолдим. Тоғ ниҳоятда катта бўлишига қарамай, ҳаракатда эди. Бориб урилишдан эҳтиётланиб яқинлашган сарим шаффоғ тоғ қатламларидан сайқалланган олмос нурларидек ёруғ нурлар тараларди. Нақадар ноёб гўзаллик! Мен сеҳрлангандек тобора тоққа яқинлашардим, агар бахтсиз фалокат юз бериш хавфи бўлганидаям мени ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмасди. Узокроқ масофада сезилмайдиган енгил машина сиғарли чиғаноқ оғзидек шаклни эслатувчи бир нечта ўйиқларни кўрдим. Лекин яқинлашганим сари зичлашган ҳаво ва сувни ёриб ўтиш мушкуллашгандек — қийинликни ҳис этардим. Деярли қўл чўзса, шаффоғ тоққа етадиган масофа қолганида ўтиб

бўлмас ҳаво деворига дуч келгандек тўхталдим. Ҳатто назаримда бурним ойнага куч билан босилганда ялпаядигандек ялпайди. Зич ҳаво девори бўйлаб ҳар томонга интилиб кўрдим — ўтиб бўлмади. Ҳаракатларимдан чарчадимми — тамадди қилгим келди. Лентасимон қалин сув ўсимлигидан тотиб кўрдим, апельсин мазасини бераркан. Тўйишим учун кафтдеккина узиб ейиш кифоя қилди. Чамамда кўпдан бери ухламай қўйгандим, лекин руҳим тетик. Яна шаффоф тоғининг ҳамма ёғини кўриб чиқиши истардим.

Сита... бу ном менга қачонлардан бери ташна бўлганим аёл зотига интизорликни эслатарди. Вакуумдан чиқиб, айланиб, «Сита, Сита, Сита!»— деб чақира бошладим. Овоз тўлқинларини Сита қабул қилгандай, етиб келди. Мен унга қиз болага қарагандай қарай бошладим. Дарҳақиқат, инсондан қаери кам — ахир у ҳам гоят нодир, гўзал мавжудот-ку. Балки инсон-инсонлигига, онглилигига етгунча миллион йиллар ўтгандай, буларнинг ҳам нодир хусусияти ўз жараёнларини ўтагандир. Ҳаёт чанг зарралари ва сувдан бошланган-ку. Балки инсон ўрмаловчилик ҳолатида эканлигига булар ижтимоий муносабатга ўргана бошлагандир. Шундай ҳаёт шароити буларни шударажага солгандир. Сув париси — Сита мен билан энг азиз кишиси билан кўришгандай сўйкалди.

— Азизим! — деди у бир зум тикилиб туриб, сўнгра оёғимдан бошлаб ўрала бошлади. Вужудим ёқимли латифлик ва жозибани ҳис этди. Мен кўзимни юмиди, гўё биринчи марта жудаям нозик ва келишган қиз томонидан эркаланадгандай ҳис этардим ўзимни. Сув па-

ғиси менға чирмашыб борар, ундағы ҳарорат-нинг кучайиб борганини ҳис этардим. Тұсатдан Сита ўзини тортди-ю, қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўлди. Мен инда-ёлмай қолавердим. На истаган нарсамни билолдим, на қизнинг бундай меҳрибонлиги учун миннатдорчилик билдира олдим.

Инсон — бу номни эслаганимда хотирим-нинг қаерлариридир хиралашиб қетгандаи туйғуни ҳис этардим. Агар одам бошқа муҳит ва шароитга тушиб қолса, энг муҳим тушунчаларни ҳам унтиши мумкин эди. Бу оламда яшаётганимга қанча бўлса — ҳамиша ҳар бир таассуротидан инсоният учун қандай катта наф келишини ўйлар эдим илгари. Энди эса бутун оламни унуган эдим.

Вақт ўтиб, ўзимни қаерда эканлигимни билгач, ҳар бир эслаганим-кўрганимни одамзодга қандай қилиб бўлсаям етказишни ўйлай бошладим.

О, она табиат, нималарга қодирсан, муаллақ чанглардан ерни, буғлардан сувни ва жонлиларни, энди эса ўзингни ҳам бўйсундира оладиган онгли инсонларни яратгансан. Бағрингда сирларинг чексиз, уларнинг поёнига етиш мушкул.

Муаллақ сув дунёсидаману хаёлимда асрий проблемалар.

Мулоҳазаларга берилмай, дарҳол кечинмаларни жамлаб, таассуротнома тариқасида қуёш дунёсига етказиш кераклиги, виждон оғриғи мени ғамга буркарди. Мен бу оламда умрим ниҳоясиздай ёки ўзимни минг йиллар яашаш қобилиятига эгадай ҳис этардим. Чунки бу оламда юрак уришини тўхтата оладиган ёки аъзойи баданимни қарита оладиган ҳеч

қандай сабаб йўқ эди. Ер юзида, одамлар орасида эса бундай сабаблар тўлиб-тошган. Бу муаллақ ҳаёт — табиат неъмати, сув олами эса жаннатга ўхшайди. Фантаст ёзувчиларнинг асарларидағи океан тасвири қанчалик ошиб-тоширилиб тасвир этилган бўлмасин, мен уни ҳақиқат ёки энди юзага келадиган ҳақиқат деб тан оламан.

Мушоҳада қилишда давом этиб, бир йўналишда тезлик билан кетардиму баъзан янги тафсилот ва ажойиботлар фикримни чалгитар ва яна инсоният учун фойда етказиш-ҳақида мушоҳадага берилиб кетардим. Йўлим давомида тезлигим камаяётганини ҳис этиб, аҳамият берсан, тиниқ мумсизон, ялпиз ҳидидан ўткир ҳидли суюқликка интиляпман. Йўналишни ўзгартиб яна сузиб кетдим.

Кўрганларимнинг ҳар бирини тасвирлаб бера олсан кўп томли энциклопедия яратиш билан баравар иш қилган бўлардим. Мен ўзидан ёруғлик таратувчи улкан ёйилган ўсимликларни ҳам, ғоят ғалати шаклдаги сузувлчиларни ҳам, доимо рақсга тушаётгандек товланувчи дараҳтларни ҳам кўрдим. Дараҳт ва ўсимликларнинг илдизи нима билан озиқланишига қизиқиб, узундан-узун илдизларни топганимда улар ҳам эркин силжувчи эритмалардан озиқланса керак, деган хулосага келдим. Хом қовун мазасини берувчи йирик, йўғон ўсимликдан қанча кемириб есам ҳам дарҳол ўрни тўлиб, олдинги шаклини олаверарди. Томирдай узунчоқ мевалар эса сумалак мазасини берарди. Узун-узун толалари илонлардек эшилиб, буралувчи ўсимлик жуда ваҳимали эди. Мен эҳтиётқорлик билан қараб туриб, кўз ўнгимда бу ўсимликнинг жонлилар-

дай урчиганининг гувоҳи бўлдим. Бир тўп йирик ўсимлик толалари аввал товланиб жуфт қидирав, учратганда иккала йирик жуфт турли муқомда ҳаракатланар ва бир-бирига интилиб, бир йирик толага айланар — оз муддат ўтгач, йирик толадан ингичка тола ажралиб чиқар ва ўса бориб, ўзига лойиқ тола ахтарарди. Бу ҳол узлуксиз давом этарди. Мен гарчи қўрқсам-да, узиб тотиб кўришга жазм қилдimu шу заҳоти саккизоёқлилар сингари ўсимликлар менга эргашди. Бутун танам бўйлақ толалар ғимирлаб, гўё мени қитиқлай бошлиди. Одамни ҳолдан кетказувчи қаҳқаҳа билан ўзимни қутқаришга тиришдим. Лекин бефойда. Оёқ-қўлим боғлангану беҳисоб қўллар тинимсиз қитиқлаётгандай эди. Умрим тугади, деб ўйладим. Лекин қитиқланиб ўлиш ҳам даҳшатли ўлимлардан бири бўлса керак. Мадорим кета бошлаганида Ситанинг боласи билан тез сузиб келаётганини кўрдим, Сита ўзини тўпламга урди. Ва мён ниҳоятда енгил оромни ҳис этиб бўшашдим. Лекин менинг ўрнимга Сита занжирбанд қилингандай, қимирилай олмасди. Гарчи бу қитиқловчи ўсимлик Ситани қитиқламаса-да, қўйиб юбормас эди. Энди сув парисини қутқармоқчи бўлганимда, у менга қараб, «кет» дегандай, ишора қилди. Барibir узишга ҳаракат қилиб, қўл чўзганимда ток ургандай, қўлларим қалтираб кетди. Сув парисига фикр билан ҳам, сўз билан ҳам мурожаат қилдим:

— Сита, сени қандай қилиб қутқариш мумкин? — У кўзларимга хотиржам тикилиб, анча муддатдан кейин ўсимлик ўзи халос этишини уқтирди. Ситанинг боласи билан сузиб кетдик. Беш-олти марта тун билан

кун алмашгандан кейин ҳам Сита келавермади.

Овқатланиш маҳали одатим бўйича тотиб кўрилмаган янги денгиз кўкатларидан тановул қилиб юриб шундай ўрамга дуч келдимки, қайноқ сувга теккандек қўлимни тортиб олдим. Дарҳақиқат, бу олов оқими эди. Таажжуб, шу ўрам бўйлаб кўп марта баланд-пастладим. Қувурдан оқаётгандаи, қайноқ сув пастдан баландга йўналганди. Узун шохли (номини билмайман) қаттиқроқ ўсимликдан синдириб, ўрамга яқинлаштирсам, эгилдию ичкари кирмади, лекин қайнатилган ўтдек шалвираб қолди. Эҳтиёткорлик билан пастга туша бордим. Ниҳоятда пастликда муаллақ ўрамга тасодифан келиб урилган ёш денгиз ҳайвонлари пишиб, уйнилиб ётарди. Тажрибали, катта ёшдагилари бу жойга яқинлашмаса керак.

Бу жойларни яхшилаб ўрганиб олдим. Бир куни хаёлимга қабиҳ бир фикр келди. Бу — сув ости ҳаётимдаги энг ёвуз аплаҳлигим эди. Бу инсонга нисбатан қотиллик қилгандан ҳам ёмон эди. Менда ўша онгли ҳайвонлар гўштини тотиб кўриш иштиёқи уйғонганди, кўп вақт иккиланиб юрсам-да, бир куни Ситанинг олдинга келган кичик мавжудотни учратиб қолдим, уни шу қайноқ ўрамга бошлаб келдим. Ҳеч нарсадан хабарсиз ўйноқи жониворлар менга тегиб қочиб ҳазиллашарди. Мен эса уни олдинга йўналтирдим-да, орқарорида эҳтиёткорлик билан секин суза бошладим. У яна қайтар, менга суйкалиб шўхлик қилиб, гоҳ баданимга оғизчасини теккизисб қўярди. Шунда мен йигит-қизнинг инсоний муносабатидагидек ҳис-туйғуни сезардим. Мен

құлларимга әрк бериб, гүзәл маҳбубани бағримга босгандек уни қучоқлаб олдим. Ү эса буни кутиб турғандек товонимдан пешонам-гача шундай ялай бошладики, мен ҳушимдан кетиш даражасида әдим. Сув остидалигимни бутунлай унугандым. Мен жинни бўлиш даражасида бўлиб, ўзимни ўлгану жаннатдаман, деб ҳисоблардим. Уни ейиш ҳақидаги фикримни унугандим. Лекин әҳтиёткорликниям эсимдан чиқариб қўйгандим. Мендан олдинроқда кетаётиб, у боши билан ўрамга урилди, ўзини орқага олмоқчи бўлдию танаси ҳам тегиб кетди. Мен уни тортганимда вақт ўтган әди... ёвуз ниятим, әҳтиёtsизлигим туфайли ҳали неча юз йиллаб яшаши мумкин бўлган навқирон сув соҳибасини қурбон қилган әдим.

Мен уни шу жойда қолдирдим-да, ўзим бутунлай тескари томонга, ҳатто ҳали текшириб кўрнлмаган тарафга жаҳл билан сузиб кетдим. Қайноқ хаёл, қарама-қарши фикрлар билан бўлиб, атрофимдаги янги-янги нарсаларгаям аҳамият бермасдим. Мени виждон азоби қийнар, бундан ташқари, Ситанинг кўзларига қандай қарайман, деган азобли ўйлар ҳам тинчлик бермасди. Ахир минг яширмай, у бир зумдаёқ кўзларимдан телевизор экранидай, бўлган воқеаларни кўриб олади. Нимага буни олдин ўйламадим-а! Агар қуруқликда бўлсам, бундай воқеага ғам чекавериб, чарчаб, бир оз унутишим мумкин әди. Лекин бундай муҳитда на фикрлашдан тўхтар, на ўзимга тасалли бера олар әдим. Агар каттакон сув ости ўрмонига кириб қолмаганимда ўша мудҳиш воқеа учун ўзимни ўлимга ҳукм қилишдан тия олмасдим. Олдинда чексиз

масофада қадимий ўрмонларни эслатиб, ба-
ҳайбат сув ўтлари барқ уради. Шундай йў-
ғонлигига қарамай, бу дараҳтлар ўтлардек
юмшоқ, қўл билан bemалол эзиш мумкин экан.
Бўлинган тарвузга қўл тиқиб, гўштини узиб
олгандай йўғонроқ сув ўтига қўл тиқиб юм-
шоқ таналаридан узинб олдим-да, тотиб кўр-
диму, мазасини шу вақтгача еб кўрган таом-
ларимга таққослай олмадим. Адашиб қолиш-
дан қўрқсам ҳам анча сузиб юрдим.

Вақт ҳисобидан аллақачонлар адашган-
ман. Сузиш жуда қийинлашиб қолгач, юқори-
пастлай бошладим. Сув ўсимликлари ўсгани
билан бу улкан ғорлар одатдаги денгиз ости
эмасди, балки поғонали кўлларга ўхшаш бў-
либ, жудаям чуқурликда яна сув ва ўзгача
олам бор эди. Мен сув ўсимликларининг ўсиш
манбанини билишга қизиқиб, ҳар қанча интил-
май, ниҳоятда қалинлашган чакалакзорлар-
дек чатишиб кетган лентали ўсимликлар аниқ
кўришга имкон бермасди. Юқорилашаётганим-
да яна бир ғоят улкан сув ости тоғига дуч
келдим. Юқорига чиқиб нимаям қиласдим, ях-
шиси, тоғни тафтиш қиласман, деган фикрда
саёҳатни бошладим. Лекин озгинаям сузмай
нур таралиб турган жойни кўриб, яқин бор-
дим. Эҳтиёткорлик билан кўздан кечирдим,
нур чиқараётган нарса пўлатга ўхшаш қаттиқ,
лекин жонли ҳайвон, таваккал қилиб, ушлаб
кўрсам, ҳеч қандай қаршилик сезмадим. Уни
ушлаб олдим, оғир экан, уни ёритгичдай тутиб
атрофни кузата бошладим, бўри уясидан
каттароқ, одам әмаклаб кира оладиган горча-
ни кўрдим. Киришга юрагим дов бермай су-
зишда давом этсам, яна шундай уялар учрай
бошлади. Эндигисига албатта кириб кўраман,

деб аҳд қилдим, лекин айланиб юриб, олдинги күрганим олдидаң чиқиб қолибман.

Мулоҳазага берилсам, қўрқиб воз кечишим мумкинлигини ўйлаб, ёруғлик берувчи ҳайвонни олдимга тутиб форга кира бошладим. Озгина юргач, уйдек кенгликка дуч келиб, ҳайвон қўлимдаң чиқиб, лип этиб ўтиб кетди-ю, орқасидан мен ҳам кучли шамолда итарилгандек совуқ бўшлиққа кириб қолдим.

Хушимни ўнглаёлмаёқ тишларим такиллай бошлади. Ҳайвон янада ёруғроқ нур чиқара бошлади. Мен тушиб қолган жой ҳаво қамалиб қолган бўшлиқ экан. Кенг уйдек жойда қисилган ҳаво вакууми ҳосил бўлган экан. Мен совуққа чидаёлмай ўзимни думалоқ тешикка урдиму муаллақ сувга пўкакдай отилиб чиқдим. Қайтиб келиб, синчиклаб қарадим. Вакуум деворлари ялтироқ бўлиб, ҳайвон нурида жилоланаарди. Совуқлигини ҳисобга олмаганда, бу жой менга жудаям ёқиб қолди. Лекин бу нам ҳавони олавериб одатланиб қолган эканман, муздек ҳаводан нафас олишим ҳушидан кетган одамга нашатир спирти тутилгандай бўлиб таъсир қилди.

Совуқ бўлмаганида жон-жон деб бу жойни макон қилиб олган бўлардим. Табиийки, сув остида ёзиш мумкин эмас. Мен шу даврга қадар кечирган кунларимни, ҳеч бўлмаса, илмий таърифламасдан, шундайлигича ёзишни ўйлардиму, иложини топиш қийин эди. Мана энди шу қийинчиликни енга олсан, қайтадан ёруғ оламга чиққандек бўламан. Ниятларимнинг биринчиси — ёзадиган ва ёзиладиган жисм топиб, мана шу совуқ хонада ёзиб чиқиши эди. Иккинчиси — магнитли ҳайвон қачонлардир мени бу оламга эргаштириб келган

горни топиб, унинг қалин лавасини тешиб ўтишим зарур, учинчиси — энг қийини бўлиб, бунда мен ҳаётимдан ажралишим мумкин эди. Чунки шўр скеан сувида мен нафассиз сув бетига етолмайман. Ҳуллас, икки ишнинг ваҳимасини хаёлдан қочиришга интилиб, биринчисини бажаришга киришдим. Ўсимликлардан ранг қолдириб ёзадиган «қалам» топишим осон бўлди. Бир қизил ўсимлик шохлари ёзишга қулай бўлиб, ёғли из қолдирап, бу нарса ёзувларнинг сувда ўчиб кетмаслиги учун айни муддао эди.

Ёзишга қофоз топиш эса жуда кўп вақтими ни олди. Улкан япроқсимон сув ўтлари ёзишга яроқсиз экан, фабрикада қайта ишлансанку, балки бундан аъло қофоз бўлмас. Лекин менга ҳозир наф беролмасди. Қадим замонларда бузоқ териларига ёзишар экан-ку. Мен ҳам бирорта ҳайвон терисига ёзсам-чи?

Шундан сўнг қайноқ ўрамда ҳалок бўлган япалоқ балиқлардан олиб келиб йиға бошладим. Териси ёзишга иокулай экан. Яна уни ажратиб олиш учун менда қиррали ҳеч нарса йўқ эди. Бир амаллаб пуфагини суғуриб олиб ўзини ташлаб юборардим. Пуфакларни осонгина йиртиб тахладим.

Ҳаволи «бўшлиққа» олиб кирилган томчи сувлари оз вақт ўтмай буғлана бошлади. Керагидан ортиқча қилиб йиғиб қўйган ёғли «қаламларим» шундай қулай чиқиб қолдики, сувда ҳам ёзиш мумкин эди. Китоб бетларини жуфтлаштириш учун ҳам бир неча сузувчиларнинг ичагини олиб, эшиб, ип тайёрлаб тикишга тўғри келди.

Ҳуллас, ғалати дафтар саҳифалари тайёр бўлди. Муқовасини эса балиқ терисидан яса-

моқчи бўлдим. Лекин унинг терисини пичоқ-сиз ажратиб олиш қийин бўлиб, фақат ўсиқ тирноқларимдан фойдаландим. Энди уни бе-заш ва ёзиш қолди. Безашдан мақсадим, унинг ялтироқ безаклари агар океандами, дengизда-ми бирор кемага дуч келиб, кимнингдир кўзи тушса, тез қўлга киритилишига сабаб бўла-ди. Яна катта шов-шув бўлиши мумкин. Ле-кин шундай безак топишм керакки ҳам ял-тироқ, ҳам енгил бўлиши керак. Токи сув юзига қалқиб чиқсин. Буни кейинроқ ҳам қилиш мумкин эди. Хонада узоқ туролмасдим, тез-тез ташқарига чиқиб, исиниб келишга мажбур әдим.

Хуллас, дафтарнинг даслабки саҳифалари-даги сўзлар ёзилдию тўхталиб қолди. Энди китобчи қандай қилиб ёруғ дунёга чиқаришни ўйлашим, ҳеч бўлмаса, ўзим кириб қолган фор оғзини топишм керак эди. Аввало бу жойлар-ни кейин янгишмай топа оладиган қилиб мўлжаллаб олдим, кейин дафтар ва қалам-ларимни белимга боғладиму яна сузиб кет-дим.

Бу ерда яшаб, сув ўтларини еяверганим-данми, мен ўтмишни ҳечам эсдан чиқаролмай-диган, лекин ўзини бу оламга ҳам ўрганиб қолган онгли сув ҳайвонига айлангандим. Узоқ сафардан чарчамасдим, уйқум келса, кўзимни юмганимча оёқларимни енгил ҳара-катлантириб сузиб кетаверардим.

Шундай ухлаб кетаётганимда нимадир зарб билан урилди. Чўчиб кўзимни очсан — Сита! Беҳад изтиробли ҳис-ҳаяжонини босол-мас, ёлғизликда кўп йил қолган қиз ўз маҳ-бубини юракни эзувчи соғинч ва қувонч йи-ғиси билан қарши олгандек, у мени ялаб-юл-

қарди. Мен ҳам худди қиз болага муюмала қылғандай уни әркалаб, құчоқлаб:

— Азизим, жоним,— дердим.

У феруза күзларини менга тикиб, мени қанчалик қидирганини ва бир боласини йүқотганини фикран уқтира бошлади. Шу заҳоти қабиҳлигим эсимга түшди. Күзларимдаги маънени унинг нигоҳларидан яшира олишин мумкин эмасди. Менинг ўша машъум воқеани эсламасликка тиришишим беҳуда әди. Масала ойдинлашди. Ўз фарзандининг қотили учун шунча инсонлардек жафо чекиб кутиб, қидириб юрган экан. Сита баттар қайғу-алам билан ўзини ҳар ёққа уриб сузиб кетди.

Лекин озгинаям ўтмай менинг ёнимда пайдо бўлиб, ниманидир қаттиқ талаб қилди. У боласининг хунини талаб қилаётган әди. Кейин билишимча, буларнинг биологик ҳаёт қонунларига кўра ота насл қолдиргач, ҳаётдан кўз юмишга маҳкум экан. Балки бу ерда оталар фарзандларга ўзининг бор қонини берар. Шундан сўнг у сувда эриб, хотину оналари ва фарзандлари истеъмол қилаётган әритмали сувга айланаркан. Бир сув парисининг ҳаётда биттагина жуфти бўлиб, у ҳам насл қолдириб, қурбон бўларкан. Она мавжудот баъзан ўғил кўрса ва ўз фарзандидан ҳам насл қолдиришга уриниб кўрса, бу эса она-ниям, боланиям эриб кетиши билан тугаркан. Фоят гаройиб табиат қонуни. Сита мендан ўша ўлган қизи ўрнига фарзанд талаб қилаётган экан. Ота бўлмаган эркак агар бирор она-га бирорта жабр ўтказса, она қасос учун эркакдан насл талаб қиласкан. Буни мен кейин кузатиб ўргандим. Яна она мавжудотларда әритиб юбориш хусусияти мавжуд экан. Мен

нинг ҳам эриб йўқ бўлиш хавфим бўлиб ўтган экан. Лекин мен эримагандим...

Кейинги пайтларда Сита яна ўзгариб қолди. Олдингига ўхшаб, ўзини ҳар хил шаклга солиб қувнаб ўйнамас, эҳтиёткор сузиб юрарди. Ухлаган пайтларида эса менинг ёнимдан жилмас, мендан уни қўриқлашимни сўраётгандек бўларди. Мен яқин кунларда катта бир воқеанинг шоҳиди бўлдим. Уни қўриқлаб, ўзим ҳам ширин мудраб кетибман. Ўйғониб кетганимда эса Сита йўқ эди. Овора бўлиб қидиришларим бефойда бўлди. Аксинча, муаллақ кислородли сувдан фарқ қилувчи шаффоф камарни кўзим илғаб қолди. Бирорта ғормикин, деб яқинлашсам, қуюқлашяпти.

Топдим! Топдим! Бу мени номаълум оламга киритиб қўйган эшикчанинг ўзгинаси ёки номаълум оламни океан билан боғловчи туннель оғзи! Бу ерда суюқлик шаффоф бўлишига қарамай, қотиб қолган асалдек уни сузиб ўтиш foят қийин эди.

Бир неча кун шу жойда қолиб кетдим. Мени эргаштириб келган ҳайвон қандай қилиб бу ердан сузиб ўта олдийкин? Ё бу тўсиққа таъсир этувчи эритма чиқарадими ё электр магнит майдонлари таъсирида юмшатганми кан? Дарҳақиқат, шу жойга келганимдан бери ўшанға ўхшаш ҳайвонни ҳеч учратмадим-а.

Сув ости дунёсида ҳаётимни давом этти-рарканман, тиниқлашган ақлим доимо улкан улкан проблемаларга йўл қидирар ва топарди ҳам.

Менинг физика, математика қонунларидан ўнчалик хабарим йўқ. Лекин табиат шу қадар буюкки, биз инсонлар шу вақтга қадар

онгсиз деб ҳисоблаган мавжудотларга ҳам олий сифатлар ато қила олади. Бу мавжудотлар айрим маънода биздан устундирлар балки. Яшаш муҳитининг ўзи уларга устунлик бергандир. Инсон онгли бўлиш учун ҳам минглаб йиллик жараёнларни бошидан ўтказганку. Сита, менга «кўзларимга қара» деган маънони уқтириди ва шунда ақлдан оздирар даражада тан қолдирган воқеанинг гувоҳи бўлдим. Ситанинг кўзларида ҳамроҳлари билан гўё саф тортишиб, машқ қилаётган сув парилари аксини кўрдим.

Сита менга узоқлашишни буюрди. Мен узоқлаша бошлишим билан унинг кўзлари каттая бориб, тасвир ҳам аниқлаша ва каттая бошлади. Энди мен саф тортишиб юрган сув парилари ёнидаги ўтларгача аниқ кўрардим. Шу пайт тасвир йўқолди, демак Сита кўрсатувни тўхтатди. Демак, у истаган пайтида бу кўрсатувни кўрсата ва идора қила олади.

Бу ҳам энг буюк ажойиботлардан бўлса керак. Агар инсон шу воситага эга бўлса-чи, йўқ, мен бунинг натижасини ақлимга сифди ролмайман. Инсониятни кўп йиллардан бери қийнаётган кўп проблемаларнинг ҳам ечилишини шу мен яшаётган жойдан топиш мумкин, деган ишонч билан яшардим. Ҳадеб мулоҳазаларга берилмай, дарҳол кечинмаларимни совуқ форга кириб ёзиб қўя бошладим...

Мен ўзимни сув ости Робинзони деб номласам балки янгишмасман. Лекин менинг тасфилотларга тўла ҳаётимда Робинзон ҳаётига ниҳбатан қулай шароитлар бор эди. Бундай ҳаётим қанча давом этишини билмайман. Лекин мен ҳам бундай муҳитда балиқлар ту-

рига айланиб кетсам-а, деган хаёлдан чўчиб ҳам қўярдим.

Олимларимиз океанология соҳасида жудаям улкан самараларга эришган. Лекин бу ҳали ўрганилиши ва забт этилиши керак бўлган океандан олинган бир челяк сув, холос. Фантаст ёзувчилар ўзларининг фантастик орзуларини энди реал деб тан олишга ҳақли-дирлар.

Фикрлар билан банд бўлиб, ухлаб қолибману тиниқ тасаввуримда ажойиб туш кўрибман. Тушимда — мен муаллақ яшаётган муҳитим туб-тубини аниқлашга бел боғлабману ниҳоятда пастликка тушганмишман, йўл чексиз эмиш. Пастга тушган сарим олам ўзгариб, муаллақ кислородли сув ўрнига мумсимон ялпиз ҳидини эслатувчи суюқлик қалинлашиб борармиш. У ерлардан ўтиш оғирлашиб, тушиб боришим секинлашармиш. Мен у суюқликдан тотиб кўриб, вужудимда енгиллик ва ҳаловат сезибман-да, нисбатан тезроқ пастлай борибман. Гарчи бошқа нарсага айланиб қолишдан қўрқсан-да, суюқликни ичишда давом этиб, яна пастлай бошлабман. Сўнг эса фақат онг заррасининг ўзигина бўлиб, пастликка ёруғлик тезлигида отилибману яна аслимга қайтибман. Пастликда яна кўз кўрмаган нарсаларни кўриш мумкин эмишу мен пастга тушишни бас қилиб, юқорига интила бошлабман. Ниҳоят, кўзимни очганимда бу ғалати воқеанинг бўлганлигига шубҳа қилдим...

* * *

Асад бобонинг хотира кучига, қувват ҳофизасига тонг қолиб, унинг ҳикоясини тинглардим.

Романлар ўқиганимда, айниқса Фарбий Европа ва Америка ёзувчиларининг саргузашт романларини ўқиганимда қаҳрамонларнинг ҳаёти турли хил олди-қочди воқеаларга бой бўлишига баъзан шубҳаланардим. Мен — қаҳрамон, ҳаётим — китоб эмас-ку, лекин ҳинд йигитининг бошидан кечганлари менинг ҳам ҳаётимни ларзага солди.

— Канададан орқага, ватанимизга келаётганимизда кемамиз радисти «SOS!» сигнали қабул қилиб қолди,— сўзида давом этди Асад бобо трубкасини тортиб,— бизга яқин районда балиқчиларнинг унча катта бўлмаган кемаси ёрдам сўрамоқда экан. Кемамиз ўзиям шу районга йўл олди-ю, тезюар категлар билан бизни олдинроқ жўнатди. Мен ҳам ўша ёрдамчи матрослар ичидаги бўлиб, китоб ёнимда эди.

Ўша пайтдаги ношудлигим ё омадим юришмаганлиги яна юрагимга азоб бермаслиги учун уни эслашни истамайман.

Ёрдамга кетяпмизу тўлқинлар бизнинг ўзимизни ёрдамга муҳтоҷ қилиб қўйди, бизни қандай чирпирак қилиб ўйнаганлигини тасаввур қилолганингда эди. Қуюн ичига тушиб қолган хасдай эдик. Бирданига мен тўлқиндан қутулишга чираниб қочган категимиздан учиб кетдим. Китобни тушириб юбормай деб бир амаллаб ўнг қўлимга ушлаб олган эдим. Бу вақт ичидаги имконияти бўлган барча давлатларнинг қутқарув вертолётлари ҳозир бўлишган, вертолётлар нарвонларига дам берилган камералар боғлаб пастлаб учиб юришар, тўлқинлар эса гўё уларга ҳам ўрганишиб ўз қаърига тортмоқчилик, уларга оти-ларди.

Океан инсоннинг сўнгги ироди, матонати, бардошлариниям узиб ташламоқчидек қутурди. Шунда мен ўнг қўлимда қаттиқ оғриқни сездим, гёё қўлимни сандонга қўйиб, гурзи билан ургандек эди. Чамамда қўлимдан қўймай ушлаб турган китобга урилган сув зарби қўлимни синдириб, китобни яна тортиб олди. Қўлимга ачинмадим ҳам, балки зўрбазўр ушлаб турган китобимни тўлқин олиб қўйганидан юрагимда қандайдир бир қон томири узилиб кетгандай бўлди. Қиммати бутун умримдан қимматлироқ ноёб топилмани гёё яна ушлаб оладигандай қўл-оёқларимни ёйиб, тўлқин қаърига киришга, фарқ бўлишга интилар эдиму чамамда ҳушимдан кетдим.

Шундан кейин қандай тирик қолганимга ҳеч ким, ҳатто ўзим ҳам ишонмайман. Шу ой ўзи энг алғов-далғов, тўлқинларнинг авжига минган вақтлари эди.

Мени ким ва қандай қутқарган, қачон ва қаерда, ҳаммаси менга қоронғи. Ҳушимга келибоқ, «Китоб! Китоб!»— деб денгизга интилар эмишман. Ўпкамни жуда ёмон шамоллатибман. Даволашганларидан кейин менга яшаш жойимни ўзгартиришни, иссиқ ўлкаларда яшашимни маслаҳат беришди. Мен ўжарлик қилиб, узоқ вақт тентираб юрдим. Китоб ҳақида озгина ичиб олиб, бир-икки идораларга бориб, роса жаврабман. Ичкилик инсонни қанчалик тубанлаштиришини мендан қиёс қилишинг мумкин. Бу ичкилик мени ишсиз, обрўсиз дайдига айлантирди. Дуч келган жойда юз грамм ароқ учун қандай иш бўлса ҳам бажаардиму яна эски ҳолимга тушиб қолардим. Мен жамиятнинг бир чиқиндисига айланниб қолдим. Ўзим болалар уйида катта бўл-

ганман. Ўқиб, тарбияланиб тузуккина оёқقا турган эдим...

Сирли дафтарнинг йўқолиши менинг ҳам узоқ ўлкаларда қолиб кетишинг сабаб бўлди. Чунки ватанимга қайтсан, барибир гапларимга ҳеч ким ишонмайди, деб ўйлардим. Нега десанг, одамлар ғаройиботларга, сирли ҳодисаларга ишонмай қўйишган. Улар кўзи очиғу, лекин кўрларга ўхшаб, фақат ушлаб кўрган нарсаларига ишонишади. Масалан, пулга. Баъзиларни табиатнинг ноёб мўъжизалари қизиқтирумайди. Афсуски, руҳан бой, романтик одамлар камайиб кетди. Хайрият, қишлоғимизда сенга ўхшаган завқли, таъсиричан йигитлар бор экан.

Ўша вақтда балиқ пуфагига ёзилган китобни нега охиригача ўқиб олмадим-а?! Сув ости оламининг одам оёғи етмаган хилват қатламларида ақлли мавжудотлар билан яшаётган ҳинд йигитининг кейинги тақдири не кечган экан? У балки бирор сув ости фалокатига учраб, ўлиб кетгандир? Бизга номаълум бўлган ҳайбатли махлуқлар, денгиз аждарига дуч келиб қолгандир? Ёки ваҳший махлуқлардан ўзини асраш учун қандайдир қурол ясад олгандир? Балки у ақлли сув ости мавжудотлари орасида яшаб, ўзи ҳам уларнинг бирига айланиб кетгандир? Балки у ҳали ҳеч ким кашиб этмаган сирли оламда абадий ҳаёт манбанинни топиб олгандир? Балки у ҳозир ҳам, келажакда ҳам, узоқ асрлар яшар ва ер юзидаги минг йилдан кейинги ҳаётни ҳам кўрар? Ҳозир қаерларда, тубсиз чуқурликларнинг қайси бурчакларида, сув ости тоғларининг қайси бир ғорида яшаётганийкин?

Китобнинг у ёғида, янглишмасам, ҳинд йигитининг учар тарелкаларда бошқа дунёдан келган меҳмонларни учратгани ҳақида гап борар эди. Меҳмонларнинг нур тезлигидан неча минг баробар тез учадиган тарелка кемалари сув остининг чуқур жойларига ҳам туша олар экан. Сув ости оламининг биз билмаган сирларини балки ўшалар очишар? Сув ости оламининг ақлли мавжудотлари билан бошқа сайёралардан келган ақлли мавжудотлар ўртасида балки қандайдир боғланиш бордир? Йўқолган китобнинг охирида балки ўшалар ҳақида ҳикоя қилинар?

Денгизчи чолнинг бу сўнгсиз саволлари менинг ҳам кўнглимни ларзага келтириди. Ҳинд йигитининг китоби бутунлай изсиз йўқо либ кетмас ахир? Уни кимдир топиб олиб, эълон қилар балки...

Ботаётган қуёш қояларнинг учларини алвон рангларга бўяди. Айқириб оқаётган дарё тубларида не сирлар борикин! Балки дарёнинг қайсиdir ғорлари ва камарлари жаҳон океанига бориб тулашар?..

Салқин шабада димоғимизга ёввойи төррайҳонларининг, ялпиз ва гулхайриларнинг ҳидларини олиб келди. Фақат мана шунаقا осмонўпар тоғлар, даралар орасида, ҳайбатли қоялар остида оламнинг поёнсизлигини, чексизлигини ҳис этасан одам.

Аллақаерда ит ҳуриди, қўй-қўзиларнинг маъраши эшитилди. Чўпон қишлоққа қайтаётган бўлса керак.

Биз ҳам тупроқ ҳиди, ўт-ўланлар ҳиди анқиб турган сўқмоқ йўллардан юриб, дарадан чиқдик...

ТАРИХИЙ ҲИҚОЯЛАР

ШАКЛАР МАЛИКАСИ

Неча минг құл теккан бу Шарқнинг күхна девори,
Уннинг ҳар бир тошида неча шоҳлар гарди бор.

Бу қасрға соқчилик қылған Бобил тождори,
Тинглагил, о, Туркистан, жаңғ бонгини наъравор.

Афзалиддин Хоқоний

Түрт томони гумбазли қасрлар билан ўралған қалъанинг темир дарвозаси ланг очилиб, мулозимлари қуршовида малика Исфара чиқиб келди. Қалъа ичидаги катта майдонда түпланган халойиқ ғала-ғовурдан тұхтаб, севимли маликани күриш учун у томонга ўгирилди. Шаклар маликаси ярим ҳарбий либосда, жуда гүзәл, виқорли эди. У зарҳал пешонабоги остидан узун, қора соchlарини орқага ташлаган, кенг елкаси ва күкрагидан садоқнинг кумуш камарини ўтказиб олған, олтин сопли, нақшин қинли қиличи болдирларини ёпиб турған узун этикчасига тегиб туради. Суғдлар баҳодир, енгилмас подшоҳлари Омирни қанчалик яхши күрсалар, ёш ва гүзәл, донишманд маликаларини ундан ортиқ севардилар...

Чоркунж қалъанинг ҳар тарафи бир неча чақирим узунликда бўлиб, деворларининг қалинлиги тўққиз газ келарди. Бу қалъа ўртаси теп-текис яйлов эди. Фақат айрим жойларда кекса дарахтлар майдонга соя ташлаб

туарди. Аслида одамлар қалъа деворининг ўзида, девор орасидаги уй ва қасрларда яшар, болалик орзулари, ёшлиқ ҳаяжонлари, шодлик ва қайғуларига шоҳид бўлган шу деворни ватан, деб эъзозлашарди.

Малика ана шу девордаги уч қатор гумбаз шифтли, кенг йўлакларнинг ўртасидан шиддат билан чиқиб келди ва ёлқинли қўзлари билан ўнгу сўлга сўzsиз салом бериб, қалъа ўртасидаги ўтлоқ-майдон сари йўл олди. Малика уч юз йиллик, қулоч етмас дараҳт остида, гулхан атрофида ўзи учун ҳозирланган тахтиравонга аста ўтиреди. Бу ерда подшоҳ Омирнинг яқин одамлари, қўшин бошлиқлари маликанинг гулханга биринчи мевани ташлаб, базм бошланишини кутишарди¹. Кўркам бир канизак ов лавҳалари тасвирланган катта кумуш патнисда олма, узум келтирди. Малика олов тангрисига мурожаат қилиб, шак халқига осойишталик тилади ва енгил бир ҳаракат билан олмалардан битта қип-қизилини гулханга ташлади. Сўнг гулхан атрофида кичик тахтларда ўтирган жангчи аёлларнинг тўда бошлиқлари, малика оиласига яқин йигитқизлар ҳам бирин-кетин тантанали равишда оловга мева ташлай бошлашди. Руҳга енгиллик бағишловчи, дилни маст қилувчи аллақандай нордон ҳид димоққа урилди.

Бугун маликанинг меҳри тушган, унинг ҳимоятидаги Оққиз бўлғуси куёви билан куч синаяшарди. Оққиз ўтган ой малика билан бирга жангларда қатнашган. У жангда душманнинг катта тўдасига талафот етказиб, энди суйган

¹ Қадимда суғдлар, хоразмийлар шароб ичиш ўрнига мева ёқиб, ҳидига қайф қилишган.

Йигити Иланфарс билан куч синашиш учун келган эди¹.

Тантанали ўйин бошланди. Ана, қиз беҳи новдасидан ясалган камонини қўлига олди ва осмонга қараб ўқ узди. Қамонини ҳозирлаб турган йигит қизнинг ҳавода ғизиллаб бораётган ўқини нишонга олди. Йигитнинг камони шу қадар таранг тортилган, гўё ҳозир қарсиллаб узилиб кетадигандай эди.

Болалар ўқ парчалари билан бирга Иданфарсга бахт, Оққизнинг бошқа ошиқларига рашк ва изтироб олиб келишди.

Малика куёвнинг ўқтамлигидан завқланатганини яширмасди. У Оққизнинг шундай баркамол йигитга тегаётганидан ҳасад қиласди. Негаки, Иданфарс ҳар қанча ўқтам бўлмасин, шаклар ютидаги йигитлар орасида норгулликда, куч ва фаросатда, эпчилик ва мерганликда подшоҳ Омирга тенг келадигани йўқ эди. Ҳа, йигитлар орасида. Негаки, тўй олдидан олишувда малика Исфара куёвни енгишига сал қолган.

Ҳозир Исфара ўша бахтиёр дамларни эслаб, чуқур хўрсиниш билан жилмайди, ҳаяжондан гул юзлари яна ловиллаб ёнарди. Нене жангларда қилич ўйнатиб, тулиорининг туёғидан ўт чақнатиб, ёвларининг юрагига вахима солган Исфара, негадир Омир олдидা бўғинлари ипакдай эшилиб, бутун вужуди сувдай оқиб кетаётганга ўхшарди. Буни одамларга сездирмаслик учун Исфара ёввалига қилич солища ҳушёр турди ва Омирнинг қу-

¹ Қадимий шакларнинг одатига кўра, ватанининг бирорта ёвни ўлдирмаган қиз турмушга чиқишга ҳаққи йўқ эди.

ролини қўлидан учирив юборди. Лекин дарҳол бу зайлда севгилиси Омирнинг халқ олдидаги обрўйига сал птуретишни, бошқа тарафдан, уни енгса, яна ҳижронга йўлиқишини сезган қиз анча бўшаши. У энди камонни тортаётгандаги ҳам, найза отаётгандаги ҳам шутуйғу таъсирида кучини аяшга интилди. Шунда ҳам куёв билан келин отган найзаларнинг учи икки ерга санчилса ҳам дасталари тебрангандаги бир-бирига қарсиллаб урилган эди. Камон ўқлари эса кўз илғамас олисдаги доира нишон ўртасига, бир нуқтага санчилиб қолганди. Ҳамма бир лаҳза нафас олмай турди. Маликанинг ишораси билан бир қиз Оққиз ва унинг қаллиғига мевали патнисни тутди.

Оққиз билан Иданфарс ҳаяжонли тантана билан оловга мева ташлаши. Даврада суҳбат қизигандан-қизиб борарди. Сочлари оқарган, соқоли кўксига тушган баҳши шакларнинг қаҳрамонликлари ҳақида қўшиқ бошлиди. У шакларнинг душмани Қайхисравни таърифлашга ўтганда даврадагилар яна ҳам қизиқиб, баҳшига яқин келиб ўтиришди. Унинг ҳикоя қилишича, Мидия подшоси Астиаг бир неча кун қаторасига бир хил нохуш тушкўрган эмиш. Тушида Форсга узатилган қизи Мандананинг баданидан ток новдаси ўсиб чиқиб, Астиагни чирмаб бўғиб қўйган эмиш. Ток новдаси ҳар дақиқада ўсиб, бутун Осиёни эгаллаган эмиш. Шоҳ Астиаг бу тушнинг таъбирини ким ёчади, дебди. Донишманлар бу тушнинг таъбирини чақиб, шоҳга: «Қизинг бир фарзанд кўради, у ўсиб-улғайгандаги сени ўлдиради ва бутун Осиё ўлкаларини фатҳ қиласди», дейишибди. Шоҳ Астиаг таҳликага тушиб, қизи туфиши билан болани ўлдиришни

буюриб, бир чўпонга берибди. Лекин чўпон болани ўзининг ўлиқ түғилган фарзандига алмаштириб олибди. Бола ўсиб, улғайиб шоҳ Астиагни ўлдирибди ва тахти эгаллади... Бу Қайхисрав — Куруш экан...

Кўшиқ ниҳоясига етгач, жангчи қизлар олтин нақшлар билан безалган қиличларини ўйнатиб, рақсга тушиб кетишиди. Ҳамма мева ҳидига маст бўлиб, қийқириб, раққосаларни мақташарди. Лекин бу умумшодлик орасида малика негадир ғамгин, ҳар кунгидан ўйчан, ташвишли кўринарди. Мана, қалъага қайтганига ҳам бир ҳафта ўтди. У Яксартнинг нарёғида аҳмонийлар билан урушаётган лашкарбоши эри шоҳ Омирдан бир ойдан бери хабар келмаётганидан хавотирда эди. Икки дарё оралиғидаги барча шаклар ўртасида мардлиги, баҳодирлиги билан донг таратган шоҳ Омир ҳеч бир жангда енгилмаган, малика бугун шуҳба қилмасди. Лекин буғун Исфаранинг тушида Омирнинг қиличи синиб, отидан йиқилган эмиш. У аллақандай қайфу келишини сезгандай, эрталаб ибодатхонага кириб, меҳроб олдида олов тангрисига илтижо қилди...

Қалъа деворлари томонидан эшитилган шовқин маликанинг хаёlinи бўлди. Белларига узун қилич ва ханжар осган, бошига учли қалпоқ кийган уч киши от чоптириб келарди. Учаласи олтин бошвоқли, оғзи кўпикланиб кетган, белига кигизга ўхшаш мато ёпилган¹ отлардан сакраб тушиб, малика пойига тиз чўкишиди.

— Ноҳуш хабар келтирдик, маликам!—

¹ У вақтларда ҳали эгар йўқ эди.

ҳансираб деди улардан бири, кенг яғринли, соқол-мўйлови ўсиб кетган йигит...— Бизни тор-мор этишди... Абам шоҳимиз тирик.

Маликанинг тоқати тоқ эса-да, сабр билан тингларди. Бу не маъно дегандай, ёндирувчи кўзларини суҳбатдошига қадаб турарди.

— Эронийлар шоҳи, Аҳмоний наслидан Куруш айёрик билан шоҳимиз Омирни асир олди... У шоҳимизнинг жони бутун Суғд бўй-сунганидан сўнг омон қолади, деяпти...

Малика виқор билан ўрнидан туриб, тўплангандарга мағрур назар ташлади.

— Халойиқ,— босиқлик билан гап бошлиди у.—Ҳар йили Бобилдаги пойгаларда кимнинг ўқи энг узоқ мўлжалга уради? Шакларнинг! Кимнинг оти маррага энг биринчи келади? Шакларнинг! Пойганинг энг қимматли совринларини ким олади? Шаклар! Куруш буни яхши билади. Лекин у жуда маккор. У тож учун бобосини ўлдирган. Мана, энди ҳамма яхшиликларимизни¹ унутиб, еримизга кўз олайтиряпти. Шоҳимиз ҳар қанча азиз бўлса-да, ватан ундан азизроқ! Енгсак, шуҳратимиз бутун олами тутади. Улсак, мардларча ўлиб, шармандаликдан қутуламиз...

Малика гапини тугатганда қалъа майдони ва қалин деворлар атрофи эркак ва аёл сүғд жангчиларига тўлиб кетган эди. Бу аёллар ва эркаклар ўтган жангда ўлган оталари, акукалари учун қасос туйғуси билан ёнарди.

Маликанинг жанг анжомларини келтиришибди. У жанг лавҳалари зарб этилган кумуш қалқонни қўлига олди. Қоп-қора соchlарини

¹ Куруш ғолибона юришларида шакларнинг ҳарбий ёрдамига таянган.

турмаклаб, бошига олтин дубулғасини кийди. Унинг ҳузырига тўртта асов от қўшилган, икки ғилдиракли ичи учқур жанговар аравасини келтиришди. Катта жез ғилдираклар орасида малика учун олтин таҳт ўрнатилганди. Малика бир қўли билан ғилдирак тошини ушлаб, жанг аравага енгил-чаққон чиқди. У таҳтига ҳам ўтирумай, кумуш тизгинларни жаранглатиб силтади — учқур отлар кишинаб, оёқларини баланд кўтарганча, олдинга интилишди.

Қалъа дарвозаси ортда қолди.

Маликанинг ортидан қўзғалган уч юз минг эркак ва икки юз минг аёл¹ суворининг отла-ри туёғидан бутун дашт гумбурлаб чанг-тў-зонга тўлди...

* * *

Малика назарида, балки барча шаклар назарида шоҳ Омирнинг асир тусирилиши душманнинг бутун Хоразм бетига туфлагани эди. Бу ҳақоратга ҳеч қачон чидаш мумкин эмас, заррача қадрини билган одам бир со-ния вақт ўтказмай, ҳақоратга жавоб қайта-риши зарур эди.

Шунинг учун Исфара қўшинлари қуюндай ёпирилиб, Ўкуз²га яқинлашган душман билан юзма-юз келди.

Аммо буюк Куруш қўшинлари билан оли-шиш, бу очиқласига юзга тупуриш эмас, бу — доно олим билан сатранж ўйнашдай гап, бу бутун ақл-фаросатни ишга солишни тақозо қи-ларди. Жанг олдидан, Исфара қўшиннинг мингбоши ва юзбошиларини чодирга чақириб,

¹ Тарихчи Ктесийнинг маълумоти.

² Амударё.

эски, синалган усулни — чекиниб олишишни
таклиф қилди. Бу усулнинг моҳиятини душман пайқаб қолганда ҳам барибир уни ўзлаштиrolмайди. Негаки, дунёда фақат шаклар билан массажетларгина бундай жанг қила олади.

Шаклар эронийларнинг ўнг қанотига қаттиқ ҳужум қилиб, кейин чекинишга қарор қилишди. Ҳужумни ким бошлайди, деб тортишиб қолишди. Чек ташланди. Шунга кўра Исфара бошчилигидаги минг аёл ҳужум бошлади.

Оққиз вақтинча бош қўмондонлик вазифасида қолди.

Эронийлар «тасодифий» ҳужумдан дастлаб эсанкираса ҳам шакларнинг озлигини кўриб, дарҳол ўзларини ўнглаб олишди. Исфара жангчиларининг ҳужумидан қаттиқ яралангани душман шердай ғазаб билан ҳамлага ташланди. Шаклар ўз вақтида чап берниб, қочиб қолишмаганда бу «панжа» остида эзилиб кетишлиари турган гап эди. Эронийлар жанговар қийқириқлар билан жизавага тушиб қувлашарди. Шак аёллари эса, тулпорларини аймай, учирив қочарди. Қочаётган жойларида орқага ўгирилиб душманга камон ўқларини ёғдиришарди. Эронийлар ажабланишарди: қочаётган Исфара жангчилари эмас, балки қувваётган ғолиб қўшин тутдай тўкиларди. Бир неча чақиримга етганда сийраклашиб, машоққа ўхшаб қолган «ғолиб»лар отларини орқага буриб қоча бошлашди. Аммо энди шак ўқларидан қутулиш мумкин эмасди.

Шу зайлда ҳар иккала томондан тобора кўпроқ қўшинлар жангга аралашиб борарди. Ҳамманинг қийқириғидан еру кўк ларзага

келган. Ҳатто жанг қизиғида дўст қаерда, душман қаердалигини ҳам ажратиш қийин эди.

Ана шундай саросималик пайтида Исфара отидан сакраб тушди ва ўқдай учиб, буюк ҳукмдор, шоҳлар шоҳи Курушнинг чодирига бостириб кирди. Чодир олдидаги посбонларнинг қий-чуви Исфара қиличи билан ўчиб қолди, энди бу қилич тахт устидаги шоҳ бошида машъум ярқиради. Аммо шоҳлар шоҳи Курушнинг заррин чопони камариға осилган қиличига қўл узатмай хотиржам ўтиргани уни ажаблантириди. Қурол кўтармаган одамни ҳеч қачон ўлдирмаган Исфара уятдан юзла-ри қизариб, асабийлашиб, қиличини қинига солди.

Бу орада Курушнинг лашкарбошиларидан бири жангчилари билан кириб, воқеага тушунмай, шаҳаншоҳга қараб қолишиди. Куруш ақлли ва кибрли кўзлари билан маликага жой кўрсатди. Исфара шоҳлар шоҳи кўрсатган жойга эмас, қуйироққа, аммо ғолибларча виқор билан ўтириди. Шу пайт чодирга мулозимлари билан шоҳ Омир кириб келди. Исфара уни кўриб, ҳаяжон билан ўрнидан қўзғалди. Шоҳ Омир эса, хотиржам кўришди, маликанинг иккала қўлини ушлаб, аста бағрига босди.

Малика шоҳ юзида ва кўзларида қаттиқ изтироб, хижолат излари ўрнига яна ўша хотиржамликни кўрди. Унинг буюк Куруш олдида ўзини тутиши ҳам асирга хос эмас, балки иттифоқчиларга хос, дўстона эди.

— Ҳа, ажабланма, азизим,— тушунтириди шоҳ Омир маликага мулойим боқиб.— Мен — асир эмасман. Мени асир деб ўйлаб қутқарга-

иа келганингдан ғоят миннатдорман. Аммо ҳозир аҳвол ўзгача. Сен билан биз энди етти иқлим ҳукмдори, буюк аҳмоний Курушнинг яқинларимиз, энди биз биргаликда мағрибу машриққа ҳукмронлик қиласиз. Олдинда биз фатҳ этишимиз лозим бўлган кўп эл-элатлар бор...

Омир «биз» деган сўзни чертиб айтди.

Ҳозир Исфара севиклисини буюк Куруш олдидаги тенглардай мағрур кўришдан кўра аянчли асир ҳолида кўришни жуда-жуда истарди. Негаки, ҳозир у — шаклар душманинг дўстти, демак, шакларнинг душмани эди.

Исфара бу ҳолга ортиқ чидаб туролмади. Севикли эрига чексиз нафрат ва алам билан қараб, чодирдан отилиб чиқди ва отига сакраб минди-ю, шакларнинг ғолибона қичқириқлари эшитилаётган тарафга ўқдай учиб кетди...

* * *

Шиддатли жанг давом этарди. Малика Исфара ҳамон қайғусини ҳеч кимга айтмай, унсиз фарёд чекар, ғазабли кўзлари ёнарди. Унинг дубулғаси бошидан учиб тушган, тўзғиган қора соchlари елда ҳилпирав, юзидан оқаётган қонга парво қилмай, ўнгу сўлга қилич соларди. У уста қиличбозларга дуч келиб қолганида, иродада кучи билан ҳушёр тортиб, вазмин жанг қилас, рақибини йиқитгач, бошқасига дуч келарди.

Жанг қизигида Исфара рақибларининг юзига қарамасди. У бир пайт эроний либос кийиб олган эрини ҳам танимай, у билан жон аччиғида олишиб кетди. Аммо негадир бу баҳодирни бир зарб билан ағдариб бўлмади.

Аксинча рақибининг қаттиқ зарбидан қалқо-
ни жаранглаб, уни ҳушига келтирди. Исфара-
нинг жавоб зарбига моҳирлик билан чап бер-
ган Омир уни таниб қолди ва қичқирди.

— Маликам, торт қиличингни! Ахир мен
душман эмасман. Эронийлар ҳам бизга душ-
ман эмас! Биз энди содиқ дўстлармиз! Биз...

Шоҳ Омир гапини тугатолмади. Бошига
тушган қилич унинг овозини абадий ўчирди...

Бу Исфаранинг яқин дўсти, севикли эри,
доно раҳбарига жавоби эди...

ХИӨНАТ

Мөхр күп күргүздим, аммо мәхрибоне топмадим,
Жон басе қилдим фидо, оромижоне топмадим.

Алишер Навои

Сирдарёning ёйилиб оққан жойидаги оролча атрофи қамиш-қиёқлар билан ўралган. Иккига айрилиб оқаётган дарё суви кичик гирдобрлар ҳосил қилиб, янги чиққан ой нурида ялтираб, жимирлайди. Енгил шабада қамишларни шитирлатиб, учларидаги попилдириқларини сувга учиради.

Янги ойнинг ўроғи булутлар орасига кириб, атрофни зулмат чулғаб олди. Энди фақат дарёning шилдираши ва қамишзордаги бақаларнинг қуриллаши эшитиларди. Сал ўтмай ҳилол булутлар орасидан чиқди...

Мана, шу зим-зиё тунда дарёning иккала қирғоғидан икки сувори чиқиб, орол томонга яқинлашиши. Булардан бири Вахш ва Панж оралиғидаги Хутталон вилоятининг ҳокими, амир Хусравбек. Иккинчисининг ёши ўтизларда, шериги каби пўлат тўр совут кийтан, бошида дубулға, белидаги кумуш камарига Исфаҳон қиличи осилган. У шарпа чиқармаслик учун отининг ёлига эгилганича, жиловни тортиб, сувдан аста сузиб ўтди. Оролнинг тошлоқ жойида отидан секингина тушиб, нариги соҳилдан келган йигит ҳузурига сал оқсоқланиб, бир неча қадам ташлади.

Иккаласи юзларидаги пұлат түрни дубулғалари тепасиға ошириб, унсизгина, лекин күп йиллардан бери энди учрашган дўстлардек, құчоқлашиб, бир-бирларининг елкаларига бош қўйишиди. Сўнг сувдан чиқиб, совуқдан жунжикиб, силкинаётган тулпорларининг жиловини шу ўртадаги буталарга боғлаб қўйгач, ой нурида қирраси ялтираётган, устини майса босған катта тош устига ўтиришиди.

— Иним Хусравбек,— қисиқ кўзларини ўртоғининг кўзларига тикиб гап бошлади ғарбий соҳилдан келган сувори.— Амир Хусайн меним зиммамға қандай мушкул юмуш юклагонидан хабарингиз бор чиқар?

Кенг жуссали, бутун гавдасидан шижоат ёғилиб турган Хусравбек вазмин жавоб берди:

— Сизға дўстингизни ўлдириш ёхуд тириклий қўлға олиш топширилғон. Бу номард ҳокимдан нени ҳам кутар эрдим.

— Ёдингиздами,— деди оқсоқ ўртоғи.— Самарқанддаги хешлар амирга қарши исён кўтарганларида, ҳайҳот, тангри аларға ёр ўлмади. Амир дўстларнинг кўпчилигини дорға тортди. Қолғонларига оғир солиқлар солди.

— Ёдимда бор,— жавоб берди. Хусравбек.— Қолғонлар аранг жон сақлаб қолдилар.

— Сизга ҳали айтмаган эрдим. Самарқандда енгилган дўстларим у қадар катта солиқ тўлашга қўллари қисқалик қилиб турганида қайноғам Хусайнга унинг синглиси, менинг хотуним Улжой Туркон оғанинг олтин билагузукларини ҳам топширтириб юбордим. Қайноғам билагузукни таниб, хижолатға тушиб, қайтариб берар, деб ўйлаган эрдим, аммо ул номард хижолатликдан кейин туғилғон эркан. Қайтариб бермади. Эҳтимол, бизни ёмонотлир

**қилиш учун билагузукларни мүғулларга кўр-
сатгандир.**

— Балки кўрсатган чиқар,— маъқуллади
Хусравбек, бусиз ҳам Ҳусайнни ёмон кўрар
экан.

— Ҳайтовур шундан сўнг қайноғам Ҳу-
сайндан кўнглим совуб кетди. Кейин кўп ўт-
май, тангрининг иродаси бирлан умр йўлдо-
шим — Улжой Туркон оға дардга чалиниб,
ёлғон дунёдан чин дунёга сафар қилмиш эр-
ди. Буни дағи Ҳусайн бирлан беклари мендан
гумон қилиб юришди. Баъзи қариндошдан
бегоналар яхши эркан, тангрига шукурким,
оғир пайтларда сиз каби дўстларим жонга
ора кириб, кўп зафарларга эришдик, кўп
қалъаларни фатҳ этдик.

— Тангри ёр бўлса, яна фатҳ этажакмиз,—
маъқуллади Хусравбек.

— Қариндошлиқ ҳурмати учун Балх, Ҳи-
сор, Шодмон вилоятларини амир Ҳусайнга
қолдирғон эрдим,— деди оқсоқ бек.— Бироқ
у меним бир қилғон яхшилиғимнинг қадрига
етмади. Мени ҳам йўқотиш учун неча турли
макр-ҳийлалар ишлатиб кўрди. Менга бўлғон
фатҳ нусратни кўролмай, ҳasad томирлари
қўзғолиб, ёмон ният бирлан қасдимға тушди.
Мовароуннаҳр улусини мендан олишға, мени
ўлдириб, тахтга эга бўлишға бел боғламиш
эди. Хабарингиз бор — ўртамиизда неча қайта
савашлар ўтғон, ҳар бирида енгилғон бўлса
дағи яна кўзи очилмади. Мана энди, дўст би-
лан дўстни уриштириб, икки душмандан қу-
тулмоқчи. Амир Ҳусайн сиздан хавотирда —
бир кунмас бир кун амир Хусрав инисининг
ўчини олғусидир, деб сиздан қўрқади.

Хусравбек иниси Қайқубоднинг амир Ҳу-

сайн фармони билан қандай қатл **этилганини** өслаб, муштлари тугилди, күзларида **ғазаб олови** қақнади.

— Мен, албатта, ундан үчимни олмай қўймагайман,— жавоб берди у беихтиёр қўлини қиличининг сопига узатиб.

— Мен бу ерга келиш олдидан пирларим бирлан, дағи баҳодирларим бирлан кенгашиб, бир тадбир ўйладим. Ҳозирча Ҳусайн сиз билан менинг дўстлигимиздан хабар толмасун. Бу жангда мен енгган бўлай, сиз қочган бўлинг. Кейин, тангри таоло қўлласа, пайти келиб бирлашурмиз, дағи у қасамхўр номардни орадин кўтарурмиз. Шу маслаҳатга не дерсиз?

Ҳусравбек қаршисида турган лашкарбонининг, кўп савашларда оз аскари билан неча минг кишилик қўшинни енгган, неча-неча мустаҳкам қалъаларни тадбир билан эгаллаган, душманларга номи биланоқ қўрқув солган лашкарбошининг ақлига яна бир карра ичида таҳсин ўқиди.

— Мен рози. Озроқ саваш қилғонимиздан сўнг аскарларим бирлан Олой томон йўл олурман. Сиз қайтиб амир Ҳусайннинг кўнглини тинчтинг. Аммо уни таҳтда узоқ кўришга тоқатим йўқ. Қасос нори кўнглимни ўртамоқда.

— Содиклифингизга ишонурман,— чайир қўлларини узатди қисиқкўз сувори.— Шул, дамдаги булжарини унутқон одам — одам эрмасдур.

Икки дўст ўринларидан туриб, ҳаяжонли вазиятда исфаҳоний қиличларини қинларидан чиқариб, лабларига босишди ва пичирлаб, дуо ўқишиди.

— Худо шоҳид! — деди қисиқкўз бек.

— Худо шоҳид! — қайтарди Ҳусравбек.

Сўнг иккаласи шамширларини қинларига яширдилар, ҳўл майсаларни қиртиллатиб ея-ётган тулпорларнинг жиловини буталардан ечиб олишди ва узангиларга оёқ қўйишиди.

— Хайр, хуш қолинг, Хусравбек! — отини сувга солди қисиқ кўзли бек.

— Хайр, хўш боринг, Темурбек! — дея қўл силтади Хусравбек.

* * *

Темурбек оти билан дарёдан сузид ўтиб, қирғоққа чиққанда янги ой яна булутлар орасига кириб, сўқмоқ йўл қоронғида йўқолиб қолди. Йўлнинг бир ёғи ловия, мosh экилган дала, бошқа ёғи олмазор, анжирзор боғлар эди. Дараҳтзорда амирни кутиб турган бешолти нафар навкарлари унга келиб қўшилишди.

Амир дарёдан кечиб ўтиб, ким билан учрашиб келганини навкарларига айтмади. Амирнинг феъл-авторини яхши билган навкарлар ҳам бу ҳақда оғиз очишмади.

Улар хира ой ёруғида отларини бир маромда йўргалатиб боришарди. Ҳамма ўз хаёли билан банд. Баъзиларни мудроқ босган. Амир эса отнинг жиловини бўш қўйиб, Шаҳрисабзни, ўзининг болалик ва ёшлиқ чоғларини ўйлаб борарди. У болалик чоғларидан қилич соҳиблари орасида ўсди, саваш, чопқинларни кўрди. Ўсмирлигига ёқ қилич тутишни, камон отишни ўрганди. Шаҳрисабзда Чигатой хонларидан Қозонхоннинг асосий саройи — ҳашматли, жимжимадор қилиб Рум ва Фаранг усталари ишлаган Занжирсарой атрофини сон-саноқсиз ясовуллар қўриқлаб туришарди.

Унинг бобоси Кўчувли баҳодир кўп қаҳрамонликлар кўрсатиб, Чифатой хонларига хизмати сингган киши эди. У бобоси билан бир неча марта Занжирсаройга кирган ва қаср пештоқларидағи рангин нақшларга маҳлиё бўлиб қолган эди.

Бобоси унга: «Сен ҳам улғайиб, катта бўлсанг шу саройда хизмат қиласан, отанг Тарағай сингари баҳодир бўласан», дер эди.

Орадан йиллар ўтди. Сарой эгаси, улуғ ҳукмдор Қозонхон жангларда ўлиб кетди. Амирлар таҳт учун савашиб саройни неча бор қамал қилишди. Сарой эшиклари бузилиб, пештоқларининг сири кўчди.

...Аммо саройда бир ой йилдан-йилга тўлишиб неча-нечада баҳодирларнинг кўнглига гулғула қола бошлади. Занжирсаройнинг ёруғ ойи марҳум Қозонхон у дунёга ҳижрат қилганида беш ёшида етим қолган малика Сароймулхоним энди гул-гул ёниб, бир кўрган одамни умрбод банда қилиб, занжирламоқда эди.

Бобоси билан Занжирсарой боғидан ўтаганида Темурбек ҳам ёш маликани бир неча бор канизаклари даврасида кўрган ва саройнинг ҳамма гўзалликлари орасида энг кўзни қамаштирувчиси, ҳусн оламининг ҳам маликаси шу Сароймулхоним эканлигига ишонган эди.

Маликанинг меҳрини қозониш ва яқинида бўлиш учун Темурбек қаҳрамонликлар кўрсатиб, бутун дунёни унинг пойига таъзим эттиришга тайёр эди.

Темурбек энди ўн бир ёшдан ўн иккига ўтаётганда Занжирсарой эгаси Қозонхоннинг амир Қозогон беклари томонидан ўлдирилга-

ни ҳақида машъум хабар етиб келди. Бу хабар амир Қозогоннинг набираси Ҳусайнни руҳлантириб юборди. У севинчини яширолмай, оғзи қулоғига етиб, ғалаба бизники бўлди, деб ҳаммага мақтанар эди.

Ҳусайннинг руҳини кўтариб юборган бу хабардан Темурбекнинг руҳи тушиб кетди. У ҳали ёш бўлса ҳам йигитлик фурури кучли эди. Ахир унинг ҳам бобоси Кўчувли баҳодир улуғ Чифатой хони Ҳубулайхонга бош қўмондон бўлган. Хон билан бош қўмондон аҳиллик билан иш юритиб, кейинги авлодларининг ҳам ғамини еб, пўлат лавҳага аҳднома ёзиб қолдиришган. Шу аҳдномага кўра, Чифатой улусига келажакда ҳам Ҳубулай авлодлари хон бўлиб, Кўчувли баҳодир авлодлари бош қўмондон бўлиши васият қилиб қолдирилган экан.

Амир Қозогон ўн икки йил ҳукм сурди. У ҳокимлик қилган йиллари эл-юрт анча осойишта яшади. Бу даврда мўгуллар билан турк уруғлари ўртасида илгари авж олган низоларга чек қўйилди. Фақат Амир Қозогоннинг невараси Ҳусайн дўстлари олдида кеккайиб, ҳеч кимга гап бермас эди. Тенгқур дўстлари Ҳусайнга хушомад қилишар, бу эса Темурбекнинг ғашини келтирас, аммо у, дунё шу экан, деб аламини ичига ютарди.

Амир Қозогон етим қолган Сароймулхонимнинг тарбиясига яхши эътибор берди. Уни, әнагалари ва канизакларини ҳеч нарсадан зориқтирмади.

Амир Қозогон куёви томонидан ўлдирилган йили Темурбек билан Ҳусайн улғайиб, бек йигитлар бўлиб, навкарлари билан савашларда танилиб қолишган эди. Темурбек билан Ҳусайн қиличбозликда, камон отишда ва кураш ту-

шишда бир-бири билан рақобат қилишар, гоҳ униси, гоҳ буниси ғолиб чиқар эди. Ҳусайннинг тенгқурлари унинг хон отаси Абдулла-нинг раъйини қилишиб, хушомад юзасидан енгилиб беришар, бундан Темурбекнинг ғаши келар эди.

Темурбек Ҳусайн билан қилич чопишаёт-ганида Занжирсаройнинг соҳибжамол бекаси Сароймулхонимни кўз олдига келтирас, бундан унинг билакларига илоҳий бир куч келар ва у рақибини омонсиз мағлубиятга учратар эди.

Тақдир баъзан мард одамларни сийламас экан. Сароймулхоним шарбатга тўлган атиргулдай бўйига етганида Абдуллахон бир ҳафта тўй қилиб, қизни ўғли Ҳусайнга олиб берди. Темурбекнинг кўзига дунё қоронғи бўлиб кетди. Аммо йигитлик ғурури устун келиб, у қайғусини ҳеч кимга билдирамасликка интилди. Аммо Ҳусайн дўстининг қайғусини сезди. Уни овутиш учун бошқа бекларни ўртага қўйиб, ўзининг гўзал синглиси, хонзода Улжой бегими-ни Темурбекка олиб берди. Темурбек рақиби Ҳусайнга яқин бўлишни истамаса ҳам Сарой-мулхоним хонадонига яқин бўлиш учун бу никоҳга розилик берди.

Шундан кейин Темурбек ўз баҳт-иқболидан умидини узиб, мӯғуллар зулмидан эзилаётган эл-юрт иқболини ўйлай бошлади. Унинг ҳаётидаги бу катта ўзгариш сарсон-саргардонлик, хавф-хатарли саваш, енгиш ва қочқинлар йўлига бошлади.

Мӯғуллар зулмига қарши кураш икки рақибни — Темурбек ва Ҳусайнни яна яқинлаштирди. Мӯғул хони Туғлук Темурхон Мовароуннаҳрга қўшин тортиб келган йили бунинг

отаси амир Тарагай ҳам, унинг отаси Абдуллахон ҳам оламдан ўтишди.

Мана, энди Темурбек тақдир тақозоси билан амир Ҳусайн хизматида юрибди...

...Чавандозлар қароргоҳига яқин қолганда отларини алмаштириб олишди. Бундан мақсад — бошқалар назарида узоққа боришмаган бўлиб кўринишарди. Ярим кечада қароргоҳга етиб, отларидан тушишди. Яшил чодир яқинидаги майсалар устида дастурхон ёзиб ўтиришган товачилар, туман бошлиқлари бекни кўриб, ўринларидан туришди.

Кичик кенгаш тузилди. Бек ҳар бир қўмondonning маслаҳатини эътибор билан тинглаб, ўзича чамалар, ҳар бир таклифning фойда-зиёнини ўйлаб кўрар эди. Ҳозир эса бек ёв бошлиғи билан учрашиб келганлигини лашкарбошиларга билдирамди. Аксинча, тунни ўтказиб, аzon намози ўқилиши билан душман устига шабҳун ўришга буйруқ берди. Товачилар аzonда буйруқни барча қўшин бошлиқларига етказиш ҳақида тилхат беришди.

Кенгашга фотиҳа ўқилгач, Темурбек ўз чодирига кирмай, нарироққа бориб, кўкатлар устига чўзилди. У жароҳати битиб кетган тирсагини бошга ёстиқ қилиб қўйиб, осмондаги чарақлаган юлдузларга суқланиб боқди. Дарё томондан эсган шабада, чигирткаларнинг чириллаши одамни урушга эмас, оромга ундар эди. Мана шундай юлдузли кечаларда Темурбек шеър ўқишга, маъюс қўшиклар эшитишига мойил бўлар эди.

Ҳозир замон нотинч. Мўғул босқинчилари ning авлодлари аввалгидай қудратли эмас, аммо эл-улусни мўғуллардан тозалашдай муқаллас ишга чоғланган турк амирларининг

бошини қовуштириш ниҳоятда мушкул. Ҳар бири ўз тўдаси манфаатини ўйлайди. Мўғулларни эмас, ўзлари бир-бирларини ёв деб билишади.

Турк амирларининг ҳар бири ўзини осмон чоғлаб, «Ишни мен қилдим, душманни мен енгдим, давлат меники», дейди. Амир Ёбон Сулдуз ўғли Шайх Муҳаммад ўзини чўнг олиб, ҳеч кимни ўзига teng кўрмайди. Шер Баҳром бўлса, турк бекларидан ажралиб, ўз әлига борганидан кейин, мўғулларга ҳам, туркларга ҳам эгилгиси келмай, бўйин товлаб юрибди. Амир Ҳусайн эса сиртдан дўстлик қилган кўринса-да, ҳасаддан бағри ўртаниб, душманлигини ичидаги сақлаб юради.

Ҳусайн ўзини ҳаммадан ортиқ кўриб, Турон таҳтига ўтиришни хоҳлайди. Аммо Пулисангин яқинида мўғул шаҳзодаси Илёсхўжанинг ўттиз минг кишилик аскарига қарши жангда қатнашмади. Кўприкнинг тош гумбазлари орасидан айқириб оқаётган сув гирдобларида қанча дўстлар ғарқ бўлиб кетди. Тангри ёр бўлиб, Темурбек енгиб чиққанида Ҳусайн «хоннинг набирасиман» деб, давлат теласига чиқиб олди. Сўнг Темурбекни йўқотиш чораларини кўра бошлади.

Ҳусайнни содиқ дўстига айлантириш учун Темурбек кўп уринди. Бир йили унинг ваъдасини чинитиш учун Хожа Шамсиддин мозорига олиб борди. Мозор бошида иккаласи қуръонни ўпиб, у дунёю бу дунё бир-бирига хиёнат қилмасликка қасам ичишди. Ўшанда у қуръонни китобини Ҳусайнга сақлаш учун бериб юборди. Токи кўнгли бўлиниб, хиёнат хаёлига келган дамларда муқаддас китобни кўриб, номардлик йўлидан қайтсинг, деди. Аммо Ҳу-

сайн берган булжарини — ваъдасини унугиб, аҳд-паймонни бузиб, яна душманлик йўлига ўтди. Балхдан қўшин тортиб келиб, Қарши қалъасини Темурбекдан тортиб олди ва ўзини Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилди...

Осмонда юлдуз учди. У сутдай оқ из қолдириб, коинотнинг чексиз бўшлиқларига сингиб йўқолди. Осмонга қараб ётган Темурбек бу ҳодисотни илоҳий аломат, деб юраги шув этиб кетди. Кимнинг юлдузи учдийкин? Ҳусайннинг да. Бек беихтиёр Ҳусайнни, Сарой-мулкхонимни эслади. Хожаси бор аёлни ўйлаш катта гуноҳ эканлигини билса-да, гуноҳга ботишдан ўзини тиёлмас эди. Аммо бу хаёл ўрнини жуда тез бошқа хаёллар эгаллади. Ҳар кун, ҳар ҳафта тинмаётган жанг жадалларнинг қумбўрони бекнинг кўнглидаги бир армон жилгасини ҳам кўмиб юборди...

Тонг фира-ширасида, аzon намозидан сўнг, жанг бошланди. Аммо кўп ўтмай, чодири олдидиа туман бошлиқлари билан жангни кузатиб турган Темурбекнинг қулоғига: «Ёғий қочди!», «Ёғий қочди!»— деган хитоблар эшистилди. Кўп ўтмай бўлук бошлиқлари чодир олдига келиб, отларидан тушиб, ёв аскарлари дарёнинг нариги соҳилига қочганини билдиришди ва уларни қувлаб боришга рухсат сўрашди.

— Ёвнинг қочгани бизнинг катта иқболимиз,— деди Темурбек.— Аларни қувишга ҳожат ҳам, фурсат ҳам йўқдир. Энди бу ердан тезроқ қайтиб, зафар қозонғонимизни хонга билдирайлик. Қаршига қайтиб, Ҳусайннинг ноиби амир Мусони ҳам хурсанд қиласайлик.

Шундай деб, у туман ва бўлук бошлиқларига аскарларни йиғишига, орқага қайтишига

буйруқ берди. Зафар ҳақида хат ёзилиб, Балхга, амир Ҳусайнга чопар юборилди...

* * *

Балхдаги амир Ҳусайн саройи. Амир Қозоғон бино қилдирган бу ҳашаматли сарой атрофи соя-салқин боғларга бурканган. Сарой орқасидаги ҳарамга тиник анҳор устидаги кўприка орқали кирилади. Кўзгудай сувда гумбазсимон мармар кўприка ҳам, саккиз қирра мармар устунли айвон ва унинг устидаги панжарали сайдроҳ ҳам равшан акс этиб туради. Ариқ ёқаларидағи мажнунтолларнинг сўлим шохлари тоғ шаршарасини эслатади. Иккичетига сарвлар ва шамшодлар экилган салқин хиёбонларда ҳеч кимса кўринмайди.

Боғнинг хилват бурчагидаги панжара ойнали тош айвонда атлас кўрпаачалар устида амир Ҳусайн ҳарамининг севикли маликаси Сароймулхоним сербиялик бир канизаги билан сатранж ўйнаб ўтиришарди. Кўпинча ғолиб чиқадиган малика бугун хаёли паришонлигидан канизагига ютқазаётган эди. Маликанинг оҳу кўзлари сатранж тахтасининг катакларида-ю, хаёллари чарх уриб, олисларда учарди.

— Бу оқшом руҳингиз пароканда кўринади,— ҳазиллашди зар камзулининг устки тутмалари ечилган, узун соchlарини мовий, ҳарир рўмолининг устидан турмаклаб олган канизак, оқ фили билан қора руҳга ҳужум қилар экан.

— Ҳа, бугун сиз чаққонсиз,— деди малика дакана қилиб ўралган оқ шойи рўмоли ости-

даги тұзғиган гажакларини хинали нозик бармоқлари билан тузатар экан.— Шу хислатингиз бүгүн бізга жуда құл келади,— деди у яна сирли қилиб.

Бу сўзлардаги сирли маънони Чигатой лаҗжасида гапиришни ўрганиб олган сербиялик канизак дарров тушунди. Малика уни кўп си наб кўрган ва садоқатига ишонган эди. Юрак сирларини ҳам ундан яширмас эди.

— Маликам учун бир эмас, минг жоним бўлса дафи фидо қиласман,— деди канизак оппоқ қўлларини кўксига қўйиб, таъзим қилганича.

Сароймулхоним канизакнинг елкасидан қучди ва қулоғига шивирлади.

— Хожамиз бул кунлар ёмон бир ният бирлан юрадур. У киши содиқ дўсти ва яқин қариндоши Темурбекнинг жонига қасд қилибдур. Темурбек икки юз қирқ уч йигити бирлан баҳодирлик кўргазиб, Қарши қалъасини олмиш эрса, амир Ҳусайн бундан ғазабланиб, фириб йўлиға ўтмишдир. У Темурбекни холис бир хилват жойға учрашмакка таклиф юбормиш. Ният шулки, у жойға Темурбек беш-ён навкари билан келур. Амир Ҳусайн эса бир туман аскар бирлан бориб, аларни қуршаб олмоқчи. Буни Амир Ҳусайн тушида алаҳсираб билғизиб қўймиш. Энди биз махфиёна бир одамгарчилик қилајлик.

— Бизнинг илкимиздин не келур?— соддалиқ билан сўради канизак.

— Чаққонлик ва фаросат бирла иш тутсак, улуғ бир баҳодирни макр тузофидан қутқариб қолурмиз,— деди малика кўксидан бир шойи рўмолча чиқариб.— Сарой посбоnlари орасида сизнинг элатингиздан бўлғон паҳла-

вонлар бор. Сиз аларнинг бири бирлан яқинлашиб, у орқали мана бу рўмолчадаги хатни амир Ҳусайннинг Шер Баҳром деган лашкар бошлиғига етказурсиз. Шер Баҳром Темурбекка хат ўралган рўмолчани етказур. Ул киши хожамизнинг макр-ҳийласидан огоҳ бўлса бизнинг бу яхшилигимизни ўнутмас.

Канизак боя ўзи айтган «минг жоним бўлса фидо қилурман», деган гаплари ёлғон эмаслигини исботлаш фурсати етганлигини англади ва мушк-анбар сепилган қирмизи шойи рўмолчани бекасининг қўлидан олиб, камзуллининг ички чўнтағига солди:

— Ой юзингизга қайғу соя солмасин, бекам,— деди канизак Сароймулхонимнинг оҳу кўзларига меҳр билан қараб.— Бу юмушнинг қандай ҳал бўлғонлик хабарини тонгла жаноби олияларига етказурмен.

— Хуш боринг, азизим,— кўнглида бир олам хавотирлик билан хайрлашди ма-лика.

— Хуш қолинг, бекам,— канизак севикли маликасини овутиш учун ўшхина жилмайиб, соллана-соллана узоқлашди.

* * *

Бу пайт Шаҳрисабздаги Занжирсарой бўнида, мармар ҳовуз бўйидаги супада Темурбек ҳам амир Жоку билан сатранж ўйнаб ўтирганди. Ҳар ишда етти ўлчаб, бир кесувчи, камсуқум амир Жоку сатранж тахтасидан кўзини узмай, доналарнинг ҳаракатини хаёлида чамалаб кўради. Амирлар шахмат ва ёки бошқа ўйинларда «шоҳу гадо — ҳамма тенг», деб келишиб олганлари учун ўйинчи-

лар ҳар қанақасига өнгишга интилишарди. Амир Жоку бир неча юришни чамалаб бўлиб, ўзини адашган кўрсатди ва руҳини ҳимоясиз бир хонага сурди. Темурбек амир Жокунинг сатранжда яхши ўйнашини билгани учун унинг адашганига ишонгиси келмади. Бу юришнинг орқасидан қандай ўйинлар келишини бир неча лаҳзада, тез чамалаб кўрди. Шундай бўлса ҳам у пинак бузмай, ўзини амир Жокунинг адашганига ишонгган қилиб кўрсатди ва қора фили билан оқ рухга ҳужум қилди.

Шу пайт белига кумуш камар боғлаган барзанги эшик оғаси кириб, Балхдан әлчилар келганлигини билдириди.

— Тонгла давом эттиурмиз,— деди ўйинга қизиқиб кетган Темурбек ва қуролли навкарларидан бирини чақириб, шахмат доналарини ҳеч ким жилдирмасин, деб соқчи қилиб қўйди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилиб, ҳамма ўрнидан турди. Элчиларни қабул қилишга ажратилган маҳсус ҳашаматли хонага ўтишди. Темурбек, мулозимлари қуршовида бориб, ҳокимлик тахтига ўтирди. Сўнг йиғилганларни бирма-бир кўздан кечиргач, эшик оғасига әлчилар киритилсин, деб фармон берди.

Аввал симобий салла ўраган, узун, қора соқолли бош элчи, унинг орқасидан қимматбаҳо муқовали қуръон кўтарган ёрдамчиси кириб келишди.

Темурбек қуръонни дарров таниди. Кўп йиллар илгари амир Ҳусайн иккови шу қуръонни ўртага қўйиб, «Юртимизни мўғул истилочиларидан халос этамиз, бу ишда у дунёю бу дунё бир-биримизни қўллаб-куватлаймиз, бир-биримизга хиёнат қилмаймиз», деб бул-

жар — ваъда бериб, аҳд-паймон боғлашган эди. Ўшандан бери кўп марта саваш-чопқинлар бўлди, турк баҳодирларининг кўпчилиги юртни босқинчилардан тозалаш учун ширин жонларини фидо қилишди. Темурбек ҳам амир Ҳусайн билан бирга не-не кулфатларни бошдан кечиришмади. Аммо мўғул хонларини эл-юртдан охиригача ҳайдаб чиқаришдан аввалроқ турк амирлари амал-мартаба талашиб, бир-бирларига қарши ёғийлик туғларини кўтариб чиқишли. Самарқандни мўғуллардан муудофаа қилган сарбадорларнинг қадрига етмай, дорга остиришган эди. Бу воқеа ҳам кўп низоларга сабаб бўлди. Энди, мана, Қарши билан Шаҳрисабзни Темурбек эгаллагач, Ҳусайн яна дўстлигини эслатиб, муқаддас қуръонни юбориби.

— Ҳазратимнинг мартабалари фалак томидан ҳам баланд бўлсин,— тараддуд билан гап бошлади элчи.— Балҳ, Ҳисор, Шодмон вилоятларининг ҳокими бўлмиш улуғ амири-миз Ҳусайн ибн Абдулла ибн Қозогон шавкатли амири-миз — Қарши ва Шаҳрисабз ҳокими Темурбекка дўстлик садоқатини изҳор қилиб, муқаддас қуръон китобини кўзга суртиб, сизнинг ҳам садоқатингизга ишонч билдирилар.

Элчи шундай деб, ёрдамчиси қўлидаги ўқут қадалган қора баҳмал муқовали қуръонни авайлаб олиб, қўш қўллаб Темурбекка яқинлашди.

Темурбек ҳашаматли залнинг икки четида саф тортиб турган амирларнинг юзларига ялт этиб, кўз югуртириб чиқди — уларнинг кўзларидан розилик ифодасини уқди ва ўрнидан туриб, элчининг қўлларидан қуръонни

олиб, бир оятни пичирлаб ўқиди ва китобни кўзларига суртиб, йифилганларга сўз қотди.

— Биз ҳам шавкатли амир Ҳусайнга аввалгида дўстлик садоқатини изҳор этиб, булжар берурмиз,— деди у, бир зум ўйга чўмиб, сўнг давом этди:— Аммо қайси тараф қуръондан юз ўгириб, дўстига хиёнат қиласар экан, худо ҳам, бандаси ҳам уни жазосиз қолдирмас.

— Албатта шундай бўлғай,— деди элчи.— Сўнг жамоатга юзланиб, гапини давом эттириди:— Амир Ҳусайн ҳазратлари Темурбек ҳазратлари билан холи ва холис бир жойда учрашмак ниятини билдирилар. Қай ерда учрашмак истагини ўзингиз айтинг. Агар лозим топилса, амир Ҳусайн Тангачакчак дарасига беш-ўн навкари бирлан келмоқчи. Темурбек ҳазратларига ҳам шундай қилиш таклиф этилади.

Элчи жавоб кутиб, жим қолди.

Темурбек Ҳисор тоғлари орасидаги Тангачакчак дарасини кўз олдига келтирди. Илгарилари, алғов-далғов йилларда амир Ҳусайн билан худди шу дарада қуръонни ўртага қўйиб, ваъдалашган әдилар. Шунинг учун бек учрашув жойини ўзгартиришни истамади.

— Бориб айтинг,— деди у элчига.— Айтилғон кун, айтилғон соатда, айтилғон жойда ҳозир бўлурман.

Шундай деб, Темурбек элчиларнинг кўзларига қаради, уларда ўзгариш сезмади ва бундан кўнгли жойига тушди.

Ҳокимнинг ишораси билан элчиларга кимхоб чопонлар кийдирилди. Улар шарафига зиёфат берилди.

Зиёфатдан сўнг элчиларга совфа-саломлар

берилиб, иззат-хурматини жойига қўйиб кузатишиди.

Элчилар кетиши билан эшик оғаси «номаълум бир кимса бек ҳузурига киришга рухсат сўраётганини» маълум қилди.

— Айт, кирсун,— деди Темурбек «номаълум кимса» жуда ҳам номаълум ўткинчи бўлмаслигини билиб. Аммо эшик оғаси жойидан жилмай, тараддулданиб қолди. Сўнг у Темурбекнинг кулиб турганини кўриб, гапирди:

— Номаълум кимса «ёлғиз ўзларига айтадиган гапим бор», деяпти.

— Майли, кирсун,— деди Темурбек ва амиру уламоларга қаради.— Бизни андек холи қўйиб турсангиз.

Амиру уламолар таъзим қилиб, ташқарига чиқишиди.

Келган кимса таъзим билан тахтнинг пойини ўпгач, қўлидаги нақшли пўлат қутичани бекка узатди. Узоқ йўлни тез босиб ўтгани учун йигитнинг афти ангорини тер ва чанг қоплаган эди.

— Камина Шер Баҳромнинг навкаримен,— деди номаълум жангчи тиниқ кўзларини бекдан олмай.

Темурбек қутичанинг сурғичини кўчириб, қопқоғини очди. Ичидаги қирмизи рўмолча ва хитой қоғозига битилган хат чиқди. Рўмолчани кўрган бекнинг кўнглида ғалаён кўтарилиди. Аммо бу ҳаяжонни юзага чиқармади. Бек Шер Баҳромнинг хатини таниди. У хатни тез ўқиб чиқди ва душман саройида хизмат қилаётган садоқатли дўстининг навкарига меҳр билан қаради. Сўнг чапак чалиб, эшик оғасини чақирди.

— Бу йигит ажаб мард ўғлон эркан, иззат-

ҳурмат кўргазиб, жўнатинг. Амиру уламоларга айтинг, кирсунлар.

Йигит таъзим билан раҳмат айтиб, чиқиб кетди.

Темурбек бир зум ўйланиб қолди. Бундан бир дақиқа аввал қуръон билан қасам ичиб, дўстлигимиз бузилмасин, деган амир Ҳусайнинг ёвуз нияти борлигини жамоатга айтсинми ёки айтмасинми? Айтса, энди элчиларнинг сулҳ ҳақидаги гапларини тинглаб, хурсанд бўлиб турган одамлар яна ғалаёнга келади. Гап-сўз кўпаяди. Айтмаса, амир Ҳусайн тайинлаган жойга қўшинсиз, фақат навкарлари билан бориши керак. Қўшинни бошлаб борса, ҳамма уни қўрқоқ деб ўйлайди. Яхшиси, Ҳусайннинг ёвуз нияти борлигини жамоага очиқ айтиш зарур. Шер Баҳромнинг хавфли вазиятдан қўрқмай, инсонлик ва дўстлик бурчини бажариши ҳам кўпчиликка ибрат бўлар. Темурбек Шер Баҳром билан мўфул хонлари зулмидан қочиб, ҳар қадамда ажал хавфини кутиб, парокандаликда сарсон юришган дамларни, сўнг бир-бирлари билан топишиб, кўришганларида Шер Баҳромнинг ўпкаси тўлиб, йиғлаб юборганлигини эслади. Кейинчалик мўфуллар енгилгач, Шер Баҳром амал, мартаба талашиб, аразлаб кетиб қолганлигини, рақиби амир Ҳусайн хизматига кирганлигини эслади.

— Аҳли жамоат,— деди бек йиғилган амиру уламога қараб,— ҳозиргина амир Ҳусайн элчилар орқали муқаддас қуръонни ўртага қўйиб, дўстликка қасам ичган эрди. Аммо Ҳусайн диндан, имондан қайтган нимарса экан. Ҳусайн хизматидаги ишончли бир одамдан хабар келди. Эсингиздами, мўфулга

қарши савашларда кўп баҳодирлик кўрсатган Шер Баҳром биздан аразлаб, амир Ҳусайн хизматига кетган эрди. Аммо у дўстлиқ тузнамагини унутмай, бизни фалокатдан огоҳлантириб, хат юбормиш. Ҳусайн Тангачакчак дарасига катта туманлар бирлан келар экан. Нияти бизни ўраб олиб қириб ташлаш эркан.

Амиру уламолар орасида «Ҳа, маккор», «Тангри ғазабидан қўрқмас эрканму?»— деган овозлар эшитилди.

Амирлар, шайхлар, уламолар кенгашиб, Тангачакчак дарасига катта қўшин билан боришга фатво берилди.

* * *

Тоғ этакларида, сой бўйларида ёввойи ўрик, писта, бодом дараҳтлари, сайҳонликларда эса тизза бўйи турли ўт-ўлан, гиёҳлар ўсиб ётган дара худди ҳамманинг назаридан яшириб қўйилган жаннатдай жой эди. Қуёш тоғлар ортидан чиқиб, илк нурларини сочмоқда эди. Ҳозиргина севалаб ўтган ёмғирдан сўнг ҳаммаёқ янада яшнаб, тиниқлашиб кетган. Қушлар ўз тилида неларнидир куйлашади.

Пастда, олисда сой тўлқинлари тошдантошга сакраб, айқириб оқарди. Ёввойи тоғрайҳонлари, ялпизлари ва кийик ўтлари ҳавога атири пуркаб, димоғларни қитиқлайди.

Ўт-ўланлар устида оқ, сариқ капалаклар ва қизил, бинафшаранг ниначилар учиб юрибди.

Дарага кираверишда бир тош масофада тоғлар орасидаги пана-пана жойларга бир туман лашкарини беркитиб келган Темурбек

ўн чоғли навкарлари билан дара оғзига келиб тушди. Улар отлардан тушиб, атрофдаги гўзал манзараларга бир зум маҳлиё бўлиб қараб қолишиди. Темурбек мана шу жаннатосо дарадаги майсазорлар ва сой бўйлари шу бугунги аёвсиз жангда дўстлар ва душманларнинг ўликлари билан қопланишини ўйлади. Агар амир Ҳусайн қуръондан ва виждондан юз ўгирмай, қасамни бузмаганида савашга ҳожат қолмас, минглаб одамларнинг қони тўкилмас, улуснинг келажаги бўлмиш мингминглаб болалар етим-есир қолмас эди.

Аммо айтилган сўз — отилган ўқ. Ёйдан отилган ўқни эса қайтариб бўлмайди. Худди шу фикрини тасдиқлагандай, даранинг у томонидан олисдаги отларнинг дупур-дупури эшитила бошлади.

Яккама-якка учрашувга таклиф этган амир Ҳусайн қалин лашкари билан келаётган эди. Минг чоғли Ҳусайн қўшини дарага кирганда, Темурбек қўшинлари карнай ишораси билан дарани икки томондан ўраб олишиди.

Кўп ўтмай дарадаги қушларнинг сайроғини терлаб кетган отларнинг кишинаши, жанг товушларининг гумбур-гумбури, найза ва қиличларнинг, тешилган қалқонларнинг жарангжурунги, одамларнинг ур-ҳо-ур деган қийқириқлари босиб кетди.

Дара остидаги сой суви қонга бўялди.

Даранинг ғарб томонида бир тош нарида чодир тикиб, Темурбекнинг қўл-оёғи борлиқ олиб келинишини кутаётган амир Ҳусайн шиддатли жанг садоларини эшитиб, қулоқларига ишонмай қолди. «Хиёнат аралашган!» Бу фикр Ҳусайннинг миясига чақмоқдай урилди. «Аммо хоин ким? Бир туман лашқар би-

**лан келишимни Темурбекка ким хабар қи-
лишга улгурган?»**

Амир Ҳусайн чигал ўйларининг учини то-
полмай турганда, бир неча бўлук Балх аскари
Темурбек қўшияларининг қуршовини ёриб
ўтиб, чодир томонга яқинлашди. Қуршовдан
чиққан баҳодирлар ичидаги Шер Баҳром ҳам
бор эди. Чақмоқ мўйловли, тимқора кўзлари
чақнаб турган бу лашкарбоши Ҳусайн ва Те-
мурбек билан бирга жуда кўп машаққатлар-
ни бошдан кечиришган, мўғулларга қарши
савацларда кўп баҳодирликлар кўрсатиб,
улусда донг таратишган эди.

Шер Баҳром ҳозир жуда мушкул аҳволда
қолган эди. Темурбек қўшинлари қуршовини
ёриб ўтиб, ўз жангчиларини қирғиндан асраб
қолиш унинг лашкарбошилик бурчи эди. Аммо
қуршовни не машаққатлар билан ёриб ўтиш-
гандан сўнг Ҳусайн қароргоҳи қаршисидан
чиқишарава худди қочоқларга ўхшаб қолишар
эди. Қуршовда қолганларида фақат ҳар қа-
нақасига бу тузоқдан чиқиб олишни ўйлашган
эди. Кейинги фикр Шер Баҳром хаёлига дара
оғзидан чиқиб олишганида келди.

Шер Баҳром осмонга сакраётган тулпори-
нинг жиловини қаттиқ тортиб, тез орқага
ўгирилиб қаради ва шиддат билан қийқириб
келаётган жангчиларни кўриб, уларни ҳозир
тўхтатиш мумкин эмаслигини сезди. Энди та-
ваккал қилиб, қароргоҳга яқинлашиш ва амир
Ҳусайнга тушунтириш қолди.

Аммо бу осон эмас эди. Амир Ҳусайн бу-
сиз ҳам ўзи қазиган чоҳга ўзи йиқилиб, «Те-
мурбекка тузоқ ҳозирлаганимизни ким ет-
каздийкин?»— деб лашкарбошилардан шуб-
ҳаланиб, аламини кимдан олишни билмай ға-
забга минган эди.

Шунга қарамай, Шер Баҳром қароргоҳга яқинлашиб, отидан тушди ва уни жиловдорига бериб, ўзи жадал юриб, амир Ҳусайн чодири олдига келди. Ўйлаганидай, тахтга йўғон гавдасини ташлаб ўтириб олган амир уни ғазаб билан қаршилади. Аммо Баҳром бунга парво қилмай, Ҳусайннинг чафир кўзларига тик қаради ва:

— Амирим, зудлик билан орқага қайтишга фармон беринг, ёғий лашкари бостириб келаётир!— деди хотиржамлигини йўқотмай.

Амир Ҳусайннинг кўзларida ғазаб чақнади, аммо фурсат қалтис бўлганидан, Шер Баҳромнинг айтганини қилишга мажбур бўлди.

— Отимни келтиринг,— деди амир ўрнидан туриб. Жиловдор нарироқда ўтлаб юрган самани олиб келиб, узангисини амирга тўғрилади. Амир ўйноқлаб турган отига сакраб минди ва товачиларга:

— Балхга қайтишға фармон бердик, бўлукларга етказунг!— деб отига жаҳл билан қамчи урди.

Ортидан навкарлари, уларнинг ортидан қолган жангчилар от суришди.

* * *

Балх саройида бир неча кундан буён кулиги эшитилмайди. Алланималарни эслаб, кулгиси қистаган мулозимлар ҳам амир Ҳусайннинг ғазабидан қўрқиб, ўзини тийиб юришади.

Ҳарамда ҳам аҳвол шу. Эзгинлик айниқса бу ерда яққол сезилади. Маликалар ва канизаклар шўх кулиб юбормасликка ўзларини зўрға мажбур қилишади.

Сарой бодидаги мармар панжарали айвонда Бибихоним — Сароймулхоним Абул Аъло ал-Мааррий шеърларини ўқиб ўтиради. Тангачакчак дарасидаги мағлубият ҳақида ҳарамдагиларга ҳеч ким лом-мим демаса-да, Бибихоним зийраклик билан буни пайқаб олган, аммо ўзини ҳеч нарсадан хабарсиз, бегам қилиб кўрсатарди. Малика жанг тафсилотларини билишга қизиқса-да, аммо бу ҳақда сўраб-суриштириш хавфли, амир кўнглида шубҳа уйғотиш мумкин эди...

Аммо Балхда тарқалган янги мудҳиш хабар Бибихонимнинг юрагини ўртаб юборди. Бу хабарни ҳам севимли канизаги топиб келди, у нохуш гапни шивирлаб айтди-ю, маликанинг юзидағи изтиробга гувоҳ бўлмаслик учун шошиб чиқиб кетди. Лашкарбоши Шер Баҳром салтанатга хиёнатда айбланиб, жума куни намоздан сўнг бозор майдонида қатл этилибди.

Бибихоним бу мард лашкарбошини яхши танирди. Мўғулларга қарши жангларда донг таратган бу йигит дўсти Темурбекнинг ҳаётини қутқариб қолиш учун ўзини ўлимга тутиб берди. Бу ишнинг фоят қалтис эканлигини у жуда яхши биларди. Шер Баҳромнинг ўлими қалбларни қанча ўртаса ҳам оламда шундай жувонмард одамлар борлиги дилларни ифтихор ҳиссига тўлдирав, бошқаларни ҳам янада мард бўлишга ундар эди. Аксинча, баъзилар бу ўлимдан янада эҳтиёткорроқ, жўнроқ, тубанроқ бўлиш керак, деган хуносага келар эдилар.

«Шер Баҳромнинг ўлимини эшитиб, Темурбек қай аҳволга тушган экан?— ўйлади Бибихоним.— Аслида бу қалтис ишга Шер Баҳ-

ромни мен йўлладим-ку. Шундай қилмасам бўлмасмиди?» Малика қалбининг номаълум тубларидан «Йўқ, шундай қилмасам бўлмас эди», деган ички бир нидо эшитилди. «Шер Баҳром Тангачакчак дарасидаёқ Темурбек томонга ўтиб кетиши керак эди-ку», яна ўйлади Бибихоним хиёбонда шабада учирив юрган хазон япроқларига қараб. Аммо у аёлларда кам учрайдиган зийрак бир ҳиссият билан шунга ишонч ҳосил қилдики, Шер Баҳром дарада ўз отини Темурбек томон бурганида, қолган аскарлари қуршовни ёриб чиқолмай, ўша ерда қирилиб кетиши мумкин эди. Бунга эса унинг мард юраги йўл қўя олмасди.

Малика хиёбонда ўйларининг поёнига етмасдан юрганида серб канизаги бир нохуш хабар топиб кирди.

— Балхда саросималик бошланган. Қарши томондан Темурбек қўшинлари Хисравбек лашкарлари билан бирлашиб Балхга бостириб келаётган эмиш.

Бибихоним бу хабардан ҳаяжонга тушиб, баланд кўксидаги юраги дупурлаб кетди, унинг ўйлари билан ҳислари чирмасиб, чалкашиб, кўз олдини қоронғилаштириб юборди.

Содик канизаги маликанинг кўнглида қўзғалган бўронларни сезгандай, унинг бошини кўксига босиб, қучди.

Маликанинг чиройли кўзлари ёшли эди...

МУНДАРИЖА

Фантастик ҳикоялар

Мушкул муаммо	5
Мен — мән әмасман	14
Райхондаги зарпекак	28
Асрлар девори	36
Мангу күй излаб	52
Сирли қаср	93
Тескарикүзлар сайёрасы	107
«Биз билмаган дүнө...»	130

Тарихий ҳикоялар

Шаклар маликаси	179
Хиёнат	190

На узбекском языке

Махкам Махмудов

МЕЛОДИЯ ВЕЧНОСТИ

Фантастические и исторические рассказы

Редактор *M. Бобоев*

Рассом *T. Сабдуллаев*

Расмлар редактори *A. Киза*

Техн. редактор *Э. Сайдов*

Корректор *И. Кобулов*

ИБ № 575

Босмахонага берилди 12.03.79. Босишга рухсат этилди
26.06.79. Формати 70x90 $\frac{1}{32}$. Босма л. 6,75. Шартли
босма л. 7,9. Нашр л. 7,43. Тиражи 15000. Р. 09035.
Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат наш-
риёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома №
62 — 78.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб
савдоси юшлари Давлат комитетининг Тошкент
«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқарини бирлашмасида
тийёрланган матрицадан Морозов номидаги босмахона-
да 1-көзозга босилди. Самарқанд. Кузнецкая кўча-
си, 82. 1979 йил. Заказ № 4218. Баҳоси 50 т.